

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ Мирисаев А.Ў.

« _____ » _____ 2016 йил



Абдурахманов Йўлчи Исмоилович

**БИНО ВА ИНШООТЛАР
ТИПОЛОГИЯСИ**

ФАНИДАН

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ**

Абдурахмонов Й.И

«БИНО ВА ИНШОТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ»

ФАНИДАН

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

5340100 – “Архитектура” таълим йўналиши талабалари учун

Тошкент 2016

«Бино ва иншоотлар типологияси» фани бўйича ўқув-ўқувий мажмуа. – Тошкент, 2016. - бет.

Ушбу ўқув - ўқувий мажмуа **«Бино ва иншоотлар типологияси»** фани асосида яратилган бўлиб, унда **“Архитектура”** таълим йўналиши бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун мўлжалланган, ҳамда бино ва иншоотлар архитектураси ва уни лойihalаш ва ташкил этишни назарий жихатдан шакллантиришга қаратилган. Ўқув-ўқувий мажмуа ўқув дастури таълим технологиялари, кўрғазмали слайдлари, савол жавоблар, тест саволлари, жорий оралиқ ва якуний назорат топшириқлари жамланган.

Ушбу ўқув ўқувий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, магистрлар, мустақил тадқиқотчилар ҳамда архитектура соҳасига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: проф. Абдурахманов Й.И

Тақризчи: и.о. проф.Иногамов Б.И.

Ўқув-ўқувий мажмуа кафедра йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. Протокол № ____ « ____ » _____ 2016й.

1. “Бино ва иншоотлар типологияси” фанидан МУНДАРИЖА

1	Мундарижа	
2	Ўқув дастури	
3	Ишчи ўқув дастури	
4	Таълим технологияси	
5	Масалалар ва машқлар тўплами*	<i>изоҳ</i>
6	Тестлар	
7	Назорат учун саволлар (ЖН, ОН, ЯН)	
8	Умумий саволлар	
9	Тарқатма материаллар	
10	Глоссарий (изоҳли луғат)	
11	Реферат мавзулари	
12	Адабиётлар рўйхати	
13	Таянч конспект	
14	Ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланмалар)	
15	Хорижий манбаалар	
16	Курс ишлари мавзулари**	<i>изоҳ</i>
17	Аннотациялар	
18	Муаллифлар ҳақида маълумот	
19	Фойдали маслаҳатлар	
20	Норматив ҳужжатлар	
21	Баҳолаш мезонлари	
22	Тақдимот	

Изоҳ:

* - Типология фани назарий бўлгани учун масала ва машқлар тўплами керак эмас

** - Курс лойиҳалари мавзусини “Архитектуравий лойиҳалаш” дарсида берилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ 320 / 2011 йил 7 / 21

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2011 йил

7 даги "2" – сонли
бу йўғи билан тасдиқланган



БИНО ВА ИНШООТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

ФАНИНИНГ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000 – Ишлаб чиқариш – техник соҳа

Таълим соҳаси: 340000 – Архитектура ва қурилиш

Таълим йўналиши: 5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар)

Тошкент – 2011 5

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил « 7 » _____ даги « 7 » - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура – қурилиш институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Абдурахманов Й.И. - ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш”
кафедраси профессори

Такризчи:

Сетмаматов М.Б. - УрДУ “Қурилиш ва архитектура”
кафедраси доценти, арх.ф.н.

Юнусов Ш.Х. - “Архитектуравий лойиҳалаш”
кафедраси мудири, арх.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий-услубий Кенгашида тавсия қилинган (2017 й. « 7 » _____ даги « 7 » - сонли баённома).

КИРИШ

Бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томонларини, жамиятнинг социал-ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга жамиятнинг маънавий ва мафкуравий дунё қарашига ҳам бир қатор боғлиқ бўлиб замонавий архитектура ҳам шунга жавоб бериши лозим.

Ҳар доим ҳам энг қизиқарли ва энг мухташам бинолар жамоат, турар жой ва саноат бинолари бўлиб келган, инсон тафаккурининг энг олий даражадаги хайратлантирувчи бинолар эса бино ва иншоотлар мажмуасидир.

Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши эса курилаётган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона мажмуалари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, саноат биноларнинг курилиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган бино ва иншоотлар типологиясини ҳам ўрганишга қаратилган. Ушбу дастур бўйича «Бино ва иншоотлар типологияси» фанини ўрганиш Олий ўқув юртларининг «Архитектура» ва «Қишлоқ ҳудудларини архитектура - лойиҳавий ташкил этиш» таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар турар-жой, жамоат ва саноат бинолари типологик асослари, функционал – лойиҳавий, техникавий, иқтисодий ечимлари, жамоат бино ва иншоотларининг илмий назарий ечимлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Ички муҳитни функционал шакллантириш принциплари, бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникацион боғлиқлиги тўғрисидаги билимга эга бўлишлари, мавжуд бино ва иншоотларни функционал ташкил қилиниши бўйича таҳлил қилишга, архитектуравий-типологик вазифаларни ечиш, бино ва иншоотлар типологияси тўғрисидаги билимларни ўзлаштира олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Кундан – кунга ривожланиб бораётган илмий техник тараққиёт эса турар-жой, жамоат ва саноат бинолари ва мажмуаларининг ички функционал тузилиши ва ташқи кўриниши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб унда жамиятнинг маънавий ва мафкуравий ифодасини кўрсатиб беради.

Турар-жой, жамоат ва саноат биноларини ижтимоий-типологик социал асослари жамият тараққиёти, иқлим шароити, демография турар-жой, жамоат ва саноат биноларини функционал жойлашиши вазифасини, тархий ечими, ташқи кўринишига таъсирини кўрсатади ҳамда унинг учун эса асос яратиб беради.

Бино ва иншоотлар архитектурасининг такомиллашуви ва унинг ривожланиши, аҳоли ҳаётини ҳар томонлама қамраб оладиган кенг ижтимоий ҳамда типологик дастурга боғлиқдир.

Яъни ушбу фаннинг асосий мақсади – жамиятнинг социал – ижтимоий ривожланиш жараёнининг бино ва иншоотлар архитектураси билан узвий

боғланишини кўрсатиб беришдан иборат. Кўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар кўйилади:

- архитектурада умумий типологик билимлар асосларини архитектуранинг барча бўлимлари билан боғланган ҳолда олиб бориш;
- турар-жой биноларини лойиҳалашда типология асосларини чуқур ўрганиш;
- жамоат биноларини архитектуравий лойиҳалашда типологиянинг аҳамиятини;
- саноат биноларини лойиҳалашда ижтимоий асосларини билиши;
- ишлаб чиқариш билан архитектуравий лойиҳалашнинг типологик асосларини яхши ўзлаштириши лозим бўлади.

Қолаверса фаннинг мақсади, бўлажак мутахассисларни ўз фаолиятлари давомида турар – жой, жамоат ва саноат биноларини лойиҳалашда уларни типологик, архитектуравий хусусиятларини инобатга олишдан иборат.

Био ва иншоотлар типологияси фанининг вазифаси талабаларга био ва иншоотларнинг турларини уларга таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беришдан, бир – бирдан ажрата олишга ўргатишдан ҳамда лойиҳалаш жараёнини тушунтиришдан иборат.

Архитектура таълим йўналишига тайёрлашнинг ўқитиш жараёнида катта эътибор архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган турар – жой ва жамоат ва саноат бинолари типологиясини ўргатишга қаратилади. Фаннинг ўқитиш жараёнида талабаларга бинолар турини ташкил қилишни, уларни тизимли тарзда ўрганишни тақоззо этади. Ундан ташқари шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимини, ижтимоий – иқтисодий тамойилларини, бадиий – архитектуравий ечимларини, био типлари номланишини, табақаланишини, меъёрларини ва хона туркумини аниқлашга ўргатишдир. Талабаларни қаерда ва қандай турдаги турар – жой, жамоат ва саноат биноларини лойиҳалашидан ва куришидан қатъий назар, уларда аҳоли учун хар томонлама қулай, шинам муҳит ва гўзал бинолар шароитини яратишлари лозим.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар

«Био ва иншоотлар типологияси» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар тоифасида бакалавр:

- турар – жой ва жамоат ҳамда саноат биноларининг ривожланиш жараёнларини;
- уларнинг типологик ва ижтимоий асосларининг хусусиятларини;
- республиканинг табиий иқлими ва ижтимоий – иқтисодий хусусиятларининг бинолар турларига таъсири ҳақида;
- иқлим тўғрисидаги ва био ичидаги хоналарнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги маълумотни;
- лойиҳа ва мажмуий биноларнинг функционал-режалаштириш, техникавий ва иқтисодий ечимлари тўғрисидаги маълумотга эгаллик қилиш;
- турар – жой ва жамоат саноат биноларининг лойиҳалаш илмий назарий асосларини;

- атроф-муҳит билан боғлиқликларини **билиши керак**;
- талаба турар жойлари, жамоат, саноат биноларини типларини аниқлаш;
- бинолар типларини систематик тарзда ўрганиш асосларини эгаллаш;
- турар-жой ва жамоат ва саноат бинолари табақаланиши;
- бадиий кўрсатиш воситалари;
- ички муҳитни функционал ташкил қилиш тамойиллари;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари ва иншоотларининг коммуникацион алоқалари;
- замонавий бино интерьерларини безатишнинг функционал – технологик асослари;
- бино ва иншоотларнинг қурилишда замонавий қурилиш ашёларидан, композит янги ашёларни қўллаш билиш тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;
- ҳажмий-фазовий ускуна ва мосламалардан фойдалана билиш;
- бино ва иншоотларнинг турли хилдаги конструкцияларини унумли равишда фойдалана билиш, қурилиш бўлақлари, темир-бетон, темир ашёлари;
- қурилиш ашёларининг асосий хусусиятлари;
- бино ва иншоотларини уларнинг бўлимларини ўрганишда қўйилган талаблар-архитектуравий, функционал-техникавий, экологик, иқтисодий ва ҳ.к.;
- ўлчамларни кординациячи ва МКРС нинг қодалари ҳақидаги маълумот;
- шаҳарсозликни функционал ташкил этиш усуллари;
- фазовий композиция ва жойлаштириш этаплари;
- шаҳарсозликда ландшафт архитектураси ва уларнинг асослари тўғрисидаги тўлиқ маълумот;
- бино ва иншоотларни лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва уларнинг турлари;
- замонавий лойиҳалашда тарихий – архитектуравий композиция қурилишнинг анъанавий турлари ва бошқаларнинг геометрик нисбатларини тўғри аниқлай билиш ва лойиҳалаш **кўникмаларига эга бўлишлари керак**.
- талаба турар – жой жамоат ва саноат бинолари типология тўғрисидаги берилган билимни тўлиқ ўзлаштириш;
- меъморий лойиҳалаш жараёнида ўз билимидан фойдалана олиши;
- атроф муҳитдаги нарсаларни тасвирлашда техник ва график усулларида тўлиқ фойдалана билиш;
- архитектуравий– бадиий композиция қурилишининг қонуниятларини билиши;
- қурилган биноларнинг архитектуравий ечимини функционал ташкил қилинганини таҳлил қила билиш;
- ижтимоий-иқтисодий томондан барча архитектуравий функционал ва техникавий ечимларни конструктив жиҳатларини таҳлил қилиш;
- архитектуравий-типологик топшириқларни ечишда доимо ўз малакаси устида тинмай ишлаш ҳамда архитектура турларини типологиясини ўзлаштирган **малакага эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Ўқитиладиган мавзу тарихий ва замонавий бино ва иншоотлар архитектурасини ўз ичига олади:

- тарихий характердаги фанлар билан (саънат тарихи ва архитектура тарихи);
- назарий фанлар билан (ижтимоий, фалсафий, демография, архитектура физикаси);
- амалий фанлар билан (каламтасвир, рангтаъсвир, макетлаш, чизма геометрия);
- архитектуравий лойиҳалаш; архитектуравий конструкция; бинолар ва иншоотлар типологияси.

Бино ва иншоотлар типологияси фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб 4-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасидаги режалаштирилган барча блокдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда, ижтимоий, математика ва табиий, умумқасбий ва ихтисослик фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Бино ва иншоотлар типологияси фани архитектураси соҳасининг асосий мутахассислик фани бўлиб ҳисобланади. Шаҳарсозликда қуриладиган барча архитектура бино ва иншоотлари, муассасалари ушбу фаннинг бирор бир таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Биноларнинг турлари бир канча гуруҳларга бўлиниб, булар яна ўз навбатида туркум лойиҳаларга ва биноларга ажратилади. Шу сабабли турар-жой, жамоат ва саноат биноларини типологик ҳолатини бўлажак мутахассисларга ўқитишда ва ишлаб чиқаришда яъни лойиҳалаш институтларида қийналмасдан лойиҳани бажаришга асос яратилади, шунга яраша талаблар қўйилади. Архитектор-мутахассислиги лойиҳалаш ташкилотларида асосий бошқарувчи вазифасини бажаради, шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқаришдаги жараённинг ажралмас бўғини бўлиб ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг турар жой, жамоат ва саноат бинолари типологияси фанини ўзлаштириши учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, меъёрий хужжатлар, тарқатма материаллар, электрон материаллар турли чизмалар, лойиҳалар, альбомлар, фото ва журналлардан фойдаланилади. Маъруза дарсларида шу соҳага мос равишдаги илғор педагогик технологиядан ҳам унумли фойдаланиш мумкин бўлади.

Ҳар бир бўлимни ўтилгандан сўнг, савол-жавоб, оғзаки ёки билетлар бериб жавоблар олинади. Энг яхши усул эса ўтилган дарслар юзасидан қисқача

тузилган тестлар орқали талабанинг қанчалик билимга эга эканлигини ва ўзлаштириш даражасини билиб олиш мумкин. Барча назорат фанлардан якуний ёзма иш ёки тест олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг типологик асослари. Функционал, лойиҳавий, техник, иқтисодий ечимлари;

- турар-жой, жамоат ва саноат биноларидан фойдаланишда қўйиладиган талаблар;

- турар-жой, жамоат ва саноат бино ҳамда иншоотларининг таркибий қисмлари ва жихозлари;

- турар-жой, жамоат, саноат бино ва иншоотлари қурилишининг катталиклари;

- бино ва иншоотларда ички муҳитни вазифасига кўра шакллантириш ва ташкил қилиш тамойиллари;

- бино ва иншоотларнинг технологик, тармок тизимларининг боғлиқликлари тўғрисида тушунча;

- мавжуд бино ва иншоотларнинг ички бўшлиқни ташкил қилиш бўйича тамойиллар;

- бино ва иншоотларни архитектуравий – типологик вазифаларининг ечимларини топиш;

Жамоат биноларини лойиҳалашнинг илмий – назарий асослари;

- хизмат кўрсатиш босқичлари, бино ва иншоотларнинг табақаланиши;

- фуқаролик биноларининг шаҳарсозликда жойлашуви; уларнинг асосий ва йирик бўлаклари;

- жамоат ва маъмурий биноларнинг шаҳардаги доминатлик роли;

- турар – жойлар, хонадон таркиби, кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли, ячейкали қисқа муддатли турар-жой бинолари, қариялар уйи, ўқув-таълим-тарбия, томоша, илмий муассаса, спорт-соғломлаштириш, маъмурий, дам олиш, транспорт иншоотлари, даволаш-профилактика бинолари, савдо-сотик муассасалари бинолари;

Саноат бино ва иншоотларини лойиҳалашнинг умумий тушунчалари; саноат бино ва иншоотларининг турлари, технологик жараёнлари; уларга қўйиладиган асосий талаблар; ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг саноат биноларига, конструкция ҳамда ҳажмий – режалаштириш муҳитига таъсири.

Шунинг учун ҳам бўлажак мутахасис архитекторларга ушбу йирик дастур – бино ва иншоотларнинг типологияси курси бутун ўқиш давомида ўргатилиб борилади. Бу эса ўз навбатида бинолар турларини ташкил қилиш билан бирга, асосан уларни тизимли ўрганишини, шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимни. ижтимоий – иқтисодий томонларини, бадиий-архитектуравий ечимларини, бинолар турининг номларини, тавсифланишини, меъёрларини, хоналар туркумланини, саноат бино ва иншоотларининг технологик ечимларини аниқлаб беради.

Турар – жой, жамоат, саноат бино ва иншоотлар типологияси тўғрисида умумий маълумотлар

Турар-жой ва хоналарни танлаш ва шакллантириш учун керак талаб ва шароитлар

Турар –уй жой ва хонадонларини танлашда албатта ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар қўйидагилар:

- Аҳолининг деморафик таркиби;
- Оила аъзоларининг урф-одатлари ва хунарлари яъни қанақа иш билан машғул бўлишлари;
- Қурилиш жойи;
- Қурилиш жойининг табиат иқлим шароити;

Республикамизнинг шаҳарлари, вилоят ва туманлари аҳолисининг таркиби яъни аҳолининг ёши; оила таркиби ва эркак-хотин ва болаларнинг таркиби; бошқа шунга ўхшаш омиллар эътиборга олиниши назарда тутилади.

Уйларни эксплуатация қилиш ва қурилиш пайтида тежамкорлик масалалари

Тежамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари, бир-бирига қарама-қарши томонлари, қурилишни тежамкорлик билан олиб бориш, қурилиш жиҳозларини ва қурилмаларини тўғри танлаш, тежамкорликнинг асосий йўналишларидан биридир.

Заводда тайёрланаётган андозали қурилма ва жиҳозларни кўпроқ ишлатиш, қурилиш нархини арзонлаштириш, ундан ташқари уйнинг қаватини ва қурилиши майдонини тўғри танлаш ва бошқа тежамкорлик омиллари назарда тутилади.

Лойиҳаларни танлашда архитектура меъморларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш ва лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳаларнинг ичида техник иқтисодий томонлари ҳам назарда тутилади.

Турар жойларнинг хиллари

Турар уй-жойлар ўзининг ҳар хил ҳусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинадилар:

а) Аҳолини жойлаштириш усулига қараб уй жойларнинг 2 гуруҳга бўлиниши;

1. Хоналарга бўлинган уй жойлар; оилаларни хонама-хона жойлаштиришга мўлжалланган тури;

2. Хоналарга бўлинган кўп қаватлик турар уй жойлар. оилаларни хонама-хона жойлаштиришга мўлжалланганлиги, уйларда умумий маиший хизмат бўлимлари жойлашиши.

Турар – жойларда ёлғиз ишчилар, талабалар, коллеж ва мактаб – интернат ўқувчилари; меҳмонхонада ва дам олиш уйларида эса мусофирлар, саёхатчилар ва дам олувчиларнинг яшаши 2 та гуруҳга тааллуқли бинолар ўзининг меъморий

тарихий хусусиятлари, бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари, уларнинг вазифалари, ўхшашлиги, ва яшовчиларнинг талаблари бир хиллиги билан ажралиб туради. Энг кўп тарқалган хонадонлик бинолар, шаҳар ва кишлоқларнинг асосий яшаш фонди.

Хонадон таркиби ва жиҳозлари

Турар – жой хоналар таркибига: меҳмонхона, умумий хона, иш хонаси, катта оила аъзолари учун ётоқхона, ёш болалар ухлаши ва ўйнаши учун хоналар. Ёрдамчи хоналарга: дахлиз, ошхона, ҳожатхона, қўл ювадиган жой, йўлаклар, казнакхоналар, токчалар, таҳмонлар.

Хонадон бир – бирини бирлаштириб боғлаган битта оиланинг яшаши учун мўлжалланган бўлак; Хонадон турар – жойларнинг асосий таркибий қисми; Бу хоналарда оила аъзолари ўзининг асосий вақтини ўтказади; дам олишади, ишлашади, ухлашади, овқатланишиди ва меҳмон кутиш тўғрисида;

Хонадонлар асосий ҳўжалик ва ётоқ бўлакларига бўлиниши, Асосий бўлакларга меҳмон кутиб оладиган ва шу билан бирга оила аъзоларини бир ерга тўпланиши, (емакхона, меҳмонхона, иш кабинети) хоналарга тўғридан-тўғри дахлиз орқали ўтилиши. Хўжалик бўлаги (ошхона, омборхона, казнакхона) асосий бўлак билан ётоқ бўлак ўртасида жойлашганлиги.

Кўп хонадонлик уйлар бир нечта элементлардан ташкил топган бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, тарх тизими қурилмалари, меъморий бадий ечими.

Турар уй жойларининг асосий элементи; *вертикаль* (зинапоя, лифт) ва горизантал (йўлак), Бир-бири билан боғланган хонадонлар тузилмаси, турар жой жойларнинг йириклаган бўлинмасини (*секцияни*) боғланиш, зинапоя; катаги ёки зинапоя, лифт катаги; Йўлак (*галерея*) хилдаги блокларда эса горизантал боғланиш; йўлак (галерея) орқали, вертикал боғланиш; зинапоя лифт орқали йўлакли блокларда эса хонадонларни бир-бири билан боғланиш; йўлак ва зинапоя лифт орқали боғланиш. Секция ва блокларни бир-бири билан ҳар хил ҳолда бир бутун бўлиб жойланиши.

Уларнинг йирик бўлаклари:

Бўлинма (секция); гуруҳ хонадонларни зинапоя ёки лифт зинапоя атрофига тўпланганлигига; Ҳар бир қаватда икки, уч ёки тўрт хонадон бирлашиб секция; яъни унинг йирик бир тўпламини ташкил этилади. Бўлинма (секция) уч хил кўринишга эгаллиги: бир қаторли оддий (рядовой), бурчакли (угловой); чеккали (торцевой); Энг кўп тарқалган бу бўлинма; чеккали бўлинмани (секцияни) ўрнига ишлатиш;

2 хонадонлик секциялар; куёшга қаратиб жойлашган горизонтни икки қарама –қарши тарафига жойлашиши; уч хонадонлик бўлинмаларда (секцияларда); 2 хонадонгина қониқарли ечилган бўлсалар, учинчи хонадон эса бир тарафга қараб қолиши; елвизак қилиб шамоллатиб бўлмайдиган тўрт хонадонлик бўлинмаларда (секцияларда); ҳамма хонадоннинг ечими қониқарли бўлиш масаласи; тўрт хонадонлик бўлинмалар (секциялар) Ўзбекистон шароитида қурилишга ноқулай деб ҳисобланди, уч хонадонлик секциялар эса

айрим шароитлардагина қуришга руҳсат этилиши; Энг яхши ечимга эга бўлган икки хонадонли бўлинма (секция); Энг чеккадаги уч хонадонлик бўлинмаларда икки хонадонлик бурчакли шамоллатиш ва ориентация билан таъминланиши мумкин бўлганлиги сабабли уларни уч хона-донлик қилиб тарх ечимини ечиш мумкин, шунинг учун чеккадаги бўлинмалар уч хонадонлик бўлишларига руҳсат берилиши:

Якка тартибдаги уйлар, ўрта ва кўп қаватли турар жой бинолари

Якка тартибдаги уйлар 2 хил кўринишига эга бўладилар; шаҳар ва қишлоқ уйлари; Улар бир-биридан ҳовли юзасини сатхи ва уларни ишлатиши услуби билан тўла фарқ қилиши; уйларнинг меъморий-тархий ечимлари; Якка тартибдаги шаҳар уйларни ер сатхи унча ката бўлмасдан (200-400м²) ташкил этади; асосан ёз вақтларида фойдаланиши: Ховлиларда ховузлар, гулзорлар, соябонлар, супалар болалар майдончаларни ва дарахтлар ўтказилиб, ёзги ошхоналар ташкил қилиш; Уйга кириш кўча томонидан ташкил қилиш; ечим иқтисодий тарафдан тўғри бўлиб кўчанинг чўзилиб кетишдан сақлаш масаласи кўчанинг узунлиги;

3-5 қаватгача бўлган уйлар ўрта қаватли турар жой бинолари турига кириши; Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз ва фақат умумий зинапоя орқали боғланиши. Уларни қурилмалари оддий бўлиб, завод қурилмалари ва индустриал бўлиши; Бу хилдаги турар-жой қурилиши зич қурилиш бўлиб, шаҳар ерини кам эгаллаши; Ҳамма замонавий қулайликни ишлатишни; қурилиш иқтисодий ва фойдаланиш; Хозирги вақтда бундай уйлар асосида турар жой қурилиши шаҳарларни ташкил этиш. Секин аста бундай уйлар қишлоқларга ҳам тарқалиши;

Бўлинманинг туркум лойиҳасида хонадонларни ҳар хил катталиқда лойиҳалаштириш; Уларнинг афзаллиги; ўрта катталиги ва кўп хонадонлик хонадонларни лойиҳаси жойлаштириш масаласи.

Жамоат бино ва иншоотларининг илмий-назарий лойиҳалаш асослари

Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда шаҳарсозликнинг архитектуравий – бадиий хусусиятлари, уларни жойлаштириш; композицияси; шаҳар ва қишлоқ марказларида қандай режалаштириш каби масалалари; шаҳарсозликда қуриладиган барча иншоот ёки биноларнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги; турли бадиий кўрсаткич воситалари, уларнинг мутаносиблигига эътибор бериш;

Архитектурада синтез; монументал санъат масаласи; Жамоат бино ва иншоотларининг лойиҳалашда функционал асослар;

Ўқув тарбия, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари ва умум таълим мактаблари

Таълим тарбия муассасалари давлат қароргоҳидаги муассасалар бўлиб; 6-7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбия қилиш; Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг жамоатчилик асосида давлат томонидан тарбияланиши, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб, ривожланишига, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашга, ишчан ва эстетик руҳда таълим беришга қаратилганлиги;

Муассасалар асосан дифференцияли ҳолатда қилиб болаларнинг ёшига, уларнинг жисмоний – рухий ҳолатини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратилганлиги.

Умумий таълим мактаблари давлат қошидаги 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирларни тарбияловчи муассасалар; Умумий таълим асосан ўзининг кўриниш принципига қараб қуйидагиларга бўлинади: бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумот берувчи; Кейинги вақтга келиб ўрта техник маълумот берувчи, ҳамда лицей, гимназия тури;

Мактабларнинг аҳоли яшайдиган пунктларида жойлаштирилиши; Мактаб биноларининг архитектуравий режалаштириш ечимлари; жиҳозлаш масаласи.

Олий ўқув юртлари

Ўқиш шаклига қараб олий ўқув юртларининг кундузги ва бўлимлари;

Талабаларнинг сонига қараб кундузги олий ўқув юртлари энг йирик олий ўқув юрти ёки университетлар 10 мингдан ортиқ талаба; ўртача олий ўқув юртида-2,5 минггача; кичик олий ўқув юртларида -0,5-2 минггача бўлган талабалар ўқийдиган турлари;

Шаҳарсозлик тажрибасида барча олий ўқув юртлари ўзининг хусусиятига қараб шаҳар таркибидан тутган ўрни; Олий ўқув юртларининг функционал, ҳажмий режалаштириш бўлаклари тўғрисида тушунчалар;

Олий ўқув юртларининг шаҳар территориясида жойлаштириш; Уларнинг функционал, ҳажмий режалаштириш структураси, композицион ечимлари; ҳажмий – режалаштириш элементлари.

Томоша кўрсатиш бинолари

Кинотеатр, театр ва концерт заллари тўғрисида; Кинотеатрлар, томоша кўрсатиш бинолари ичида энг кўп тарқалган, томошабинларни жалб қилиш бўйича машхурлари тўғрисида.

Кинотеатр биноларининг асосий турлари; қабул қилинган композицияларнинг асосий хоналари; ҳажмий-режалаштириш ечимлар; Театр-концерт бино ва иншоотлари;

Умумий ҳолат. Театр сахна ва томошабин заллари; Эстрада ва концерт зали; Томошабинга хизмат кўрсатиш хоналари.

Спорт иншоотлари

Эрамиздан анча олдин бошланган. қадимги Греция; қадимги Римдаги сақланиб қолган иншоотларнинг ниҳоятда катталиги ва қурилиш конструкцияларининг беқиёслиги; Спорт иншоотларининг классификацияси ва тармоғи;

Жисмоний тарбия ва спорт иншоотларининг тармоқларини ташкил қилиш принциплари; Спорт комплекслари; Стадион типлари; Спорт комплекслари (стадионлар)нинг бош плани; Трубиналарни тўлдириш ва томошабинларни эвакуация қилиш; Усти берк спорт иншоотлари; Усти берк стадионлар.

АРЕНА. Стадионларни шаҳарсозликда тутган ўрни:

Сузиш бассейнлари. Ҳажмий-режалаштириш ечимлари; Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари ва уларни жойлаштириш.

Савдо-сотик маиший хизмат кўрсатиш бинолари

Савдо-сотик ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари; шаҳар структурасида хизмат кўрсатиш сфераси; инсон ҳаёт турмуш жабхаларининг ҳамма соҳаси ушбу хизмат билан чамбарчас боғлиқлиги; стадионларнинг бошқа турдаги хизматлардан фарқи инсон яшаш жойига яқинлаштириш; кундалик харид даражасини ошириш; хизмат кўрсатувчи савдо – сотик комплекслари тўғрисида.

Савдо – сотик ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари комплекси; Муассасалар типлари ва тармоқларини қуриш.

Умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари; Магазин (расталари); Усти ёпиқ бозорлар; Савдо – сотик марказлари.

Саноат бинолари

Бино ва иншоотлар типологияси фани ўз навбатида, турар жой, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалиги биноларига ажратилган бўлиб, буларнинг ҳар бири учун алоҳида талаблар мавжуд.

Саноат бинолари турли хилдаги ишлаб чиқариш тармоқлари жараёнини олиб боришга бағишланади. Булар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқариш ёрдамчи – хўжалик ҳамда омборхоналарга бўлинади.

Қишлоқ хўжалик бино ва иншоотларига эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган бинолар, (чорвачилик билан боғлиқ бинолар туркуми), техникани сақлаш ва таъмирлаш кабилар киради.

Юқорида қайд этилган бинолар ўзининг архитектураси, консруктив ечими ҳамда функциялари билан бир – биридан фарқ қилади. Булардан ташқари саноат бинолари туркумига автомобиллар турар жойлари – гаражлар, автопарклар, вокзаллар, ер ости тоннеллари ҳам киради.

Шундай қилиб бино ва иншоотларининг типларини ташкиллаштириш, такомиллаштириш, ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш масалалари, қурилиш конструкцияларини ўзлаштириш ва ушбу фанни барча архитектуравий, техникавий, ҳажмий ҳамда иқтисодий томонларини ўрганиш билан бинолар типологияси шуғулланади.

Саноат бино ва иншоотларининг лойихалашни функционал техникавий асослари

Саноат бино ва иншоотларини турлари, конструктив системаси ва схемасига қараб таснифлаш.

Саноат биноларини юк кутарувчи ва ташувчи жихозлари. Саноат биноларига кўприксимон кранларни ўрнатиш. Саноат корхоналаридаги технологик жараён ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Технологик жараённи ҳаво мухити, ёруғлик, акустика, санитариявий таснифлаш ва санитария ҳимоя зоналарига бўлишдаги таъсири ва талаблари.

Инженерлик жихозлари системасининг устиворлиги, мустаҳкамлиги, узок умр кўриш, портлаш, портлаб ёниш ва ёнишига техник талаблар. Бинонинг кўриниши ва интеръери. Унинг меъморий ноёблиги, меъморий композицияси, шаҳарсозлик, эстетик, ҳажм-режалаш, конструктив ечим талаблар.

Саноат иншоотларини лойихалашда функционал-техникавий асослари. Ҳаво мухити метеорологик шароит ва уларнинг оптимал параметрлари. Иш режасининг турлари (енгил, ўрта, оғир) ва ҳаво мухити;

Аэрация, табиий шамоллатиш, шамолнинг йўналиши, аэрация фонари, табиий шамоллатиш.

Ёритиш. Ёнидан, тепадан, аралаш табиий ёритиш, сунъий ёритиш.

Товуш ва тебраниш ҳосил бўлиш турлари, спектри, характеристикаси, босими, уларни меъёрлаш ва товуш ўтказмаслик чораси.

Саноат корхоналарининг ҳажм – режалаш, композицион, конструктив ечимига ишлаб чиқариш технологияси ва мухитнинг таъсири

Ишчиларга умумий майдон, одам харакати учун майдон, зоналаштириш, горизонтал ва вертикал фермалар орасидаги майдон, жихозлар ва уларнинг габарити.

Саноат қурилишида модуль мувофиқлаштирувчи системасининг ўзига хос хусусияти. Саноат бино ва иншоотларининг габарит схемаси ва конструктив элементларини намунавийлаштириш ва бирхиллаштириш.

Бир ва кўп қаватли саноат биноларининг вертикал ва горизонтал юк кўтарувчи ва тўсувчи конструктив элементларини бўлувчи мувофиқлаштирувчи ўқларга боғлаш усуллари.

Ишлаб чиқариш технологик схемасининг хажмий - режалаш асоси.

Саноат биноларининг қаватлар сони, оралиғи, эни ва баландлигини жамлаш.

Саноат корхоналарининг бош режаси, уларга қўйиладиган талаблар ва техник- иқтисодий кўрсаткичлари.

Саноат корхоналарининг маъмурий маиший бинолари

Санитар маиший хоналарнинг таркиби ва уларнинг ҳисоби. Ёрдамчи хоналарнинг жойлаштириш усуллари. Ҳажм-тарҳий ва конструктив ечимлари.

Саноат биноларининг конструкциялари

Саноат корхоналарининг умумий лойиҳалаш принциплари. Бир қаватли саноат корхоналарини темир бетон каркаси.

Бир қаватли саноат корхоналарининг метали (пўлат) каркаси. Тўсинли ва тўсинсиз каркас. Кўп қаватли саноат биноларининг каркаслари. Саноат корхоналарининг деворлари, материаллари ва уларга қўйиладиган талаблар. Фахверклар.

Саноат биноларининг ёпмалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Томларнинг тўсувчи конструкциялари. Том қопламаларининг турлари, уларга қўйиладиган талаблар, конструкцияси ва томдан сув оқизишни ташкил этиш.

Тепадан ёритадиган ва шамоллатиш фонарлари. Фонарларни таснифлаш ва конструктив схемалари.

Саноат биноларининг томлари, уларга қўйиладиган умумий талаблар ва конструктив элементлар. Саноат биноларининг махсус (алоҳида) конструктив элементлари. Техник қават ёпма қурилмаларининг ўзига хос хусусиятлари. Ишчи майдончалар ва этажерка қурилмалари. Ишлаб чиқариш жиҳоз ва машиналарини ўрнатиш. Пойдевор, эшик, дарвоза ва махсус мақсадлар учун мўлжалланган зиналар. Бир қаватли ва кўп қаватли саноат бино ва иншоотларида зилзилага қарши чоралар.

Био ва иншоотларнинг турли саноат тармоқлари

Қора металлургия муассасаларининг турлари ва архитектуравий бадиий ечимлари заводларнинг шаҳарсозликда тутган ўрни; рангли металлургия саноат комплекслари тўғрисида, радио-электрон ва приборсозлик; Ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш саноати тўғрисида: умумий ҳолат архитектуравий ечимлари технологик жараён ечими.; Текстил ва енгил саноат тўғрисида бинонинг шаҳарсозликда тутган ўрни: архитектуравий ҳажмий режавий ечимлари; Озиқ овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш технологик ечимлари.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакиллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Янги техникавий аппаратуралардан фойдаланиш ва уларнинг ишлаш жараёнларини кузатиш;

- Талабанинг ўқув – илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- Фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- Масофавий (дистанцион) таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларини мавзулари:

1. Турар жой, жамоат ва саноат биноларининг муҳандислик жиҳозлари.
2. Хонадон таркиби жиҳозлари ва уларнинг элементлари.
3. Театр бинолари
4. Цирк бинолари
5. Спорт павильонлари
8. Ёпиқ спорт сув хавзалари (бассейнлар)
9. Темир йўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари
10. Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш
11. Транспорт бинолари.
12. Олий ўқув юртлири (академиялар, университетлар, институтлар)
13. Илмий-текшириш муассасалари
14. Шифо масканлари, поликлиникалар, профилакториялар.
15. Очиқ турдаги овқатланиш муассасалари.
17. Саноат биноларини ҳажмий-тарҳий ечимларини таҳлил қилиш.
18. Саноат биноларини конструктив ечимларини таҳлил қилиш.
19. Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларни солиштирма тавсифи.
20. Саноат биноларини конструктив ечимларини таҳлил қилиш
21. Саноат биноларини ҳажмий-тарҳий ечимларини таҳлил қилиш
22. Саноат бинолари манзилгоҳларини режалаштириш, ободлаштириш асослари
бўйича интернет маълумотлари йиғиш.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Ўқув жараёни шароитини яхшилаш мақсадида ахборотларни кўпайтириш ва ўқув жараёнининг кучайтириш мақсадида кўриладиган аудио видео кўргазма ўқув техник воситаларини диапроекторлар, графопроекторлар (эпидоскоплар), компьютерларни қўллаш таклиф этилади.

Талабанинг ўқув илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзулари чуқур ўрганиш, фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти масофавий (дистанцион) таълим.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Змеул С.Г., Маханько Б.А. «Архитектурная типология зданий и сооружений». М. 2001 г.
2. Убайдуллаев Х.М., Иногамова М.М., Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари (дарслик) Т. "Ворис" 2009 й.
3. Vahitov M.M. Me'morchilik II-III-qism. Sanoat binolari (darslik), T. "Tafakkur" 2010
4. Змеул С.Г., «Архитектурная типология зданий и сооружений». Учебник М. 2005 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений. М. Стройиздат 1985 г.
2. Гельфанд А.Л. - Архитектурное проектирование общественных здания и сооружений. М., Архитектура С-2007.
3. Гельфанд А.Л. – арх. общ. зданий и сооружения. уч. пособие. краткие курс лекция. изд. во ННГАСУ-2000 г.
4. В.И. Бондаренко, Х.Н. Нуретдинов, Д.М. Хайдарова – “Зилзила бўладиган районларда каркасли саноат биноларини лойиҳалаш” Тошкент. “Ўқитувчи” 1992.
5. Х.А. Акромов, Р.А. Кучкаров ва бошқалар “Кўп қаватли саноат биноларини зилзилавий худудларда лойиҳалаш асослари” Тошкент. 2002.
6. ҚМҚ 2.08.02-96 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» Т. 1996 й.
7. ШНК 2.08.01.05 Тураржой бинолари.
8. ШНК 2.08.02-07 Жамоат бинолари.
9. ҚМҚ 2.09.04-98 - “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” Тошкент. 1998.

Интернет сайтлари

1. [www. a-len.ru](http://www.a-len.ru)
2. [www. proekts.ru](http://www.proekts.ru)
3. [www. 5ballow.qip.ru](http://www.5ballow.qip.ru)
4. [www. bestreferar.ru](http://www.bestreferar.ru)
5. [www. archrecord.construction.com](http://www.archrecord.construction.com)
6. [Google http://www.Google.com/](http://www.Google.com/).
7. [Alta Vista http://www.altavista.com/](http://www.altavista.com/)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



«ТАСДИКЛАЙМАН»

в ишлари бўйича проректор

Авчиев Ш.К.

2015 йил

БИНО ВА ИНШОТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ

ФАНИНИНГ

ИШЧИ ДАСТУРИ

Таълим соҳаси: 340 000 – Архитектура ва қурилиш
Таълим йўналиши: 5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар)

Ўқув соати ҳажми	- 84
Шу жумладан:	
Маъруза	- 54
Мустақил таълим	- 30

Тошкент – 2015

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиш институти
Илмий-услубий Кенгашининг 2015й. 26 06 10 сонли
мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Ишчи ўқув дастури фаннинг намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофик ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Абдурахманов Й.И. - ТАҚИ “Архитектуравий лойихалаш”
кафедраси профессори

Фаннинг ишчи ўқув дастури Архитектура факультети Илмий-
кенгашининг 2015 й. 27 09 даги « 3 » - сонли баённома қарори билан
тасдиқланди.

Кенгаш раиси: _____
2015 й. “ ” _____ Юнусов Ш.Х.
(имзо) (Ф.И.О.)

Келишилди:

Кафедра мудири: _____
2015 й. “ ” _____ доц. Рейимбаев Ш.С.
(имзо) (Ф.И.О.)

1. КИРИШ

Бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томонларини, жамиятнинг социал-ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга жамиятнинг маънавий ва мафкуравий дунё қарашига ҳам бир қатор боғлиқ бўлиб замонавий архитектура ҳам шунга жавоб бериши лозим.

Ҳар доим ҳам энг қизиқарли ва энг мухташам бинолар жамоат, турар жой ва саноат бинолари бўлиб келган, инсон тафаккурининг энг олий даражадаги хайратлантирувчи бинолар эса бино ва иншоотлар мажмуасидир.

Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши эса қурилаётган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона мажмуалари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари, спорт иншоотлари, саноат биноларнинг қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам архитектура таълим йўналишига тайёрлашнинг ўқитиш жараёнида катта эътибор архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган турар – жой ва жамоат ва саноат бинолари типологиясини ўргатишга қаратилади. Ушбу «Бино ва иншоотлар типологияси» фанини ўрганиш Олий ўқув юртларининг «Архитектура» ва «Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш» таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар турар-жой, жамоат ва саноат бинолари типологик асослари, функционал – лойиҳавий, техникавий, иқтисодий ечимлари, жамоат бино ва иншоотларининг илмий назарий ечимлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Ички муҳитни функционал шакллантириш принциплари, бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникацион боғлиқлиги тўғрисидаги билимга эга бўлишлари, мавжуд бино ва иншоотларни функционал ташкил қилиниши бўйича таҳлил қилишга, архитектуравий-типологик вазифаларни ечиш, бино ва иншоотлар типологияси тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

2. Фаннинг мақсади ва вазифаси

Кундан – кунга ривожланиб бораётган илмий техникавий тараққиёт турар-жой, жамоат ва саноат бинолари ва мажмуаларининг ички функционал тузилиши ва ташқи кўриниши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб унда жамиятнинг маънавий ва мафкуравий ифодасини кўрсатиб беради.

Бино ва иншоотлар биноларининг типологияси ижтимоий-типологик социал асослари жамият тараққиёти, иқлим шароити, демография турар-жой, жамоат ва саноат биноларини функционал жойлашиши вазифасини, тархий ечими, ташқи кўринишига таъсирини кўрсатади ҳамда унинг учун эса асос яратиб беради.

Бино ва иншоотлар архитектурасининг такомиллашуви ва унинг ривожланиши, аҳоли ҳаётини ҳар томонлама қамраб оладиган кенг ижтимоий ҳамда типологик дастурга боғлиқдир. «Бино ва иншоотлар типологияси» фанини ўқитиш жараёнида, аввало талаба томонидан ушбу фанни яхшилаб ўзлаштириш

масаласига жиддий эътибор берилади. Бунинг учун ҳар бир мавзу учун ўқитувчи томонидан маърузани олиб бориш технологияси модели (машғулот модели), ҳамда мавзу бўйича технологик харита тузилган бўлиб, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, информацион технологияларни тадбиқ қилиш лозим.

Яъни ушбу фаннинг **асосий мақсади** – жамиятнинг социал – ижтимоий ривожланиш жараёнининг бино ва иншоотлар архитектураси билан узвий боғланишини кўрсатиб беришдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилади:

- архитектурада умумий типологик билимлар асосларини архитектуранинг барча бўлимлари билан боғланган ҳолда олиб бориш;
- турар-жой биноларини лойиҳалашда типология асосларини чуқур ўрганиш;
- жамоат биноларини архитектуравий лойиҳалашда типологиянинг аҳамиятини;
- саноат биноларини лойиҳалашда ижтимоий асосларини билиши;
- ишлаб чиқариш билан архитектуравий лойиҳалашнинг типологик асосларини яхши ўзлаштириши лозим бўлади.

Қолаверса фаннинг мақсади, бўлажак мутахассисларни ўз фаолиятлари давомида турар – жой, жамоат ва саноат биноларини лойиҳалашда уларни типологик, архитектуравий хусусиятларини инобатга олишдан иборат.

Бино ва иншоотлар типологияси фанининг вазифаси талабаларга бино ва иншоотларнинг турларини уларга таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беришдан, бир – биридан ажрата олишга ўргатишдан ҳамда лойиҳалаш жараёнини тушунтиришдан иборат.

Фаннинг ўқитиш жараёнида талабаларга бинолар турини ташкил қилишни, уларни тизимли тарзда ўрганишни тақозо этади. Ундан ташқари шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимини, ижтимоий – иқтисодий тамойилларини, бадий – архитектуравий ечимларини, бино типлари номланишини, табақаланишини, меъёрларини ва хона туркумини аниқлашга ўргатишдир. Талабаларни қаерда ва қандай турдаги турар – жой, жамоат ва саноат биноларини лойиҳалашидан ва қуришидан қатъий назар, уларда аҳоли учун ҳар томонлама қулай, шинам муҳит ва гўзал бинолар шароитини яратишлари лозим.

3. Фаннинг ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Бино ва иншоотлар типологияси” фанини ўқитиш жараёнида аввало талаба томонидан ушбу фанни яхшилаб ўзлаштириш масаласига жиддий эътибор берилади. Бунинг учун ҳар бир мавзу ўқитувчи томонидан маърузани олиб бориш технологияси модели (машғулот модели) ҳамда мавзу бўйича технологик харита тузилган бўлиб, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш информацион технологияларини тадбиқ қилиш лозим.

Ҳар бир билимни ўтилгандан сўнг, савол жавоблар қилинади, назорат учун саволларни эълон қилинади, унга мустақил таълим учун топшириқлар берилади ва реферат ёзувчиларга мавзуларни тарқатилади.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Назорат саволлари ва ёзма иш учун тавсилар
2. Умумий саволлар
3. Уйда бажаришга топшириқлар (мавзу бўйича)
4. Фойдали маслаҳатлар

Назорат ёзма ишини бажариши учун тавсиялар:

- Назрат қилувчи ўқитувчи томонидан конспектдан фойдаланишга рухсат берилса, фақат ўз конспектингиздан фойдаланинг.

- Жавоб айнан савола тегишли бўлиши лозим.
- Жавоб тўла ҳажмдан кўп, "олди-қочди" сиз бўлиши керак.
- Жавоб ёзиб болгандан кейн, жавобнинг жавобнинг кам-кўплигидан қатъий назар, кейинчалик тўлдириб қўйиш учун жой қолдирмай чизик чизиб қўйинг.

- Жавоб ёзиш учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланинг, ҳар жавобга ажратилган вақтни фақат тегишлисига сарфланг.

- Расмни изоҳсиз берманг, уни тўғри талқин қилиб чизинг.

Маърузани конспектлаш учун тавсиялар:

- Назарий фан ҳам амаий кўникма ҳосил қилишга хизмат қилиши лозим.
- Ҳам машғулот кунда мавзу ва сана аниқ ёзилиб борилиши лозим, акс ҳолда жойи назорат баҳоси пасаяди.

- Маърузачининг мумкин қадар барча фикр ва маълумотларини дафтарга ёзиб боринг.

- Дафтар бетининг чап тарафи ярмига ёзсангиз, ўнг тарафи ярмига мавзуга тегишли бошқа манбалардаги маълумотларни ёзасиз.

- Дарсга келмаган талаба мавуни китоблар воситасида ўзлаштиради; конспектда фойдаланилган адабиёт кўрсатилади.

Талабанинг индивидуал ишларини бажариши бўйича:

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурининг ҳозирги сифат босқичида бўлғуси мутахасисларни рақобатбардош қилиб тайёрлаш талаби талабанинг мустақил ишларига маъсулият юклайди. Бунинг учун у ўз билимларини, кўникмаларини ва малакасини мустақил ва муттасил равишда оширишни уддалай оладиган бўлиши керак. Бунинг учун талаба таълим муассасасида ҳар доим ҳам ўз билимларини мустаҳкамлаб бориши, янги билимларини шакллантириши зарурдир.

Талабанинг мустақил ишининг тизимийлигини таъминлаш.

1. Йўриқномада талабалар мустақи ишини ташкиллаштиришда унинг тизимийлигига алоҳида эътибор берилган. Унда мустақил иш топшириқларининг шакли, ҳажми, қийинлик ва мустақиллик даражаларини семестрдан-семестрга ошиб бориши лозим эканлиги қайд этилган.

2. Берилган вазифаларни талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилияти ҳисобга олган “оддийдан мураккабга” тамойили бўйича танланиши керак бўлади.

Талабаларнинг мустақил ишлари сифатида қуйидаги шаклларни ажратилиш мақсадга мувофиқдир.

- Мавзуни мустақил ўзлаштириш;
- Реферат тайёрлаш;
- Кўрғазмали воситалар тайёрлаш;
- Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш;
- Амалий ва назарий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш, уларга ижодий тарзда ёндашиш.

3. Аудиитоиядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларнинг мақсади – талабани келгусида ўз фаолияти давомида вужудга келадиган муаммоларни аниқлашга ва уларни ечишга ўргатишдир. Уларга ижодий ва илмий тадқиқот характеридаги ишлар киради. Мазкур турдаги мустақил ишларда учрашиши мумкин бўлган муаммоли жойлар қитувчи билан биргаликда учрашиш мумкин бўлган муаммоли жойлар ўқитувчи билан биргаликда ҳал этади.

4. Аудиториядан ташқарида бажариладиган иш А4 форматида 15-20 бет атрофидаги ҳажмли реферат шаклида бажарилади. Ишни назорат қилиб бориш бунинг учун махсус белгиланадиган консультация соатларида амалга оширилади.

4. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

«Био ва иншоотлар типологияси» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар тоифасида бакалавр:

- турар – жой ва жамоат, ҳамда саноат биноларининг ривожланиш жараёнларини;
- уларнинг типологик ва ижтимоий асосларининг хусусиятларини;
- республиканинг табиий иқлими ва ижтимоий – иқтисодий хусусиятларининг биноларнинг турларига таъсири ҳақида;
- иқлим тўғрисидаги ва био ичидаги хоналарнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги маълумотни;
- лойиҳа ва мажмуий биноларнинг функционал-режалаштириш, техникавий ва иқтисодий ечимлари тўғрисидаги маълумотга эгалик қилиш;
- турар – жой ва жамоат саноат биноларининг лойиҳалаш илмий назарий асосларини;
- атроф-муҳит билан боғлиқликларини билиш керак.
- талаба турар жойлар, жамоат ва саноат биноларини типларини аниқлаш;
- бинолар типларини систематик тарзда ўрганиш асосларини эгаллаш;
- турар-жой ва жамоат бинолари классификацияси;
- бадий кўрсатиш воситалари;
- ички муҳитни функционал ташкил қилиш принциплари;

- турар-жой ва жамоат бинолари ва саноат иншоотларининг коммуникацион алоқалари;
- бино ва иншоотларнинг қурилишда замонавий қурилиш ашёларидан, композит янги ашёларни қўллай билиш;
- бино ва иншоотларнинг турли хилдаги конструкцияларини унумли равишда фойдаланабилиш, қурилиш булаклари, темир-бетон, темир ашёлари;
- бино ва иншоотларини уларнинг бўлимларини ўрганишда қўйилган талаблар архитектуравий, функционал-техникавий, экологик, иқтисодий ва ҳ.к.;
- бино ва иншоотларни лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва уларнинг турлари;
- замонавий лойиҳалашда тарихий–архитектуравий композиция қурилишнинг анъанавий туралари ва бошқаларнинг геометрик нисбатларини тўғри аниқлай билиш ва лойиҳалаш *қўникмаларига эга бўлишлари керак.*
- талаба турар – жой, жамоат ва саноат бинолари типология тўғрисидаги берилган билимни тўлиқ ўзлаштириш;
- меъморий лойиҳалаш жараёнида ўз билимидан фойдалана олиши;
- атроф муҳитдаги нарсаларни тасвирлашда техник ва график усулларида тўлиқ фойдаланабилиш;
- архитектуравий – бадиий композициянинг қурилишининг қонуниятларини билиши;
- қурилган биноларнинг архитектуравий ечимини функционал ташкил қилинганини таҳлил қилабилиш;
- архитектуравий-типология топшириқларни ечишда доимо ўз малакаси устида тинмай ишлаш ҳамда архитектура турларини типологиясини ўзлаштирган *малакага эга бўлиши керак.*

5. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Ўқитиладиган мавзу тарихий ва замонавий бино ва иншоотлар архитектурасини ўз ичига олади:

- тарихий характердаги фанлар билан (саънат тарихи ва архитектура тарихи);
- назарий фанлар билан (ижтимоий, фалсафий, демография, архитектура физикаси);
- амалий фанлар билан (каламтасвир, рангтаъсвир, макетлаш, чизма геометрия);
- архитектуравий лойиҳалаш; архитектуравий конструкция; бинолар ва иншоотлар типологияси.

Бино ва иншоотлар типологияси фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб 4-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасидаги режалаштирилган барча блокдаги фанлар билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда, ижтимоий, математика ва табиий, умумқасбий ва ихтисослик фанлардан етарли билим ва қўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

6. Фаннинг илм – фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Бино ва иншоотлар типологияси” фани архитектура соҳасининг асосий мутахассислик фани бўлиб ҳисобланади. Шаҳарсозликда қуриладиган барча архитектура бино ва иншоотлари, муассасалари ушбу фаннинг бирор бир таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Биноларнинг турлари бир канча гуруҳларга бўлиниб, булар яна ўз навбатида туркум лойиҳаларга ва биноларга ажратилади. Шу сабабли турар-жой, жамоат ва саноат биноларини типологик ҳолатини бўлажак мутахассисларга ўқитишда ва ишлаб чиқаришда яъни лойиҳалаш институтларида қийналмасдан лойиҳани бажаришга асос яратилади, шунга яраша талаблар қўйилади. Архитектор-мутахассислиги лойиҳалаш ташкилотларида асосий бошқарувчи вазифасини бажаради, шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқаришдаги жараённинг ажралмас бўғини бўлиб ҳисобланади.

7. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Бино ва иншоотлар типологияси” фанини ўзлаштириши учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфорацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар турли чизмалар, лойиҳалар, альбомлар, фото ва журналлардан фойдаланилади. Маъруза дарсларида шу соҳага мос равишдаги илғор педагогик технологиядан (6x6x6, “шиддатли-ҳужум, фикрий ҳужум” каби) усуллардан унумли фойдаланилади.

Ҳар бир бўлимни ўтилгандан сўнг, савол - жавоб, оғзаки ёки билетлар берилиб жавоблар олинади. Энг яхши усул эса ўтилган дарслар юзасидан қисқача тузилган тестлар орқали талабанинг қанчалик билимга эга эканлигини ва узлаштириш даражасини билиб олиш мумкин. Барча назорат фанлардан якуний ёзма иш олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

8. Фан бўйича машғулотлар турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти

№	Машғулотлар номи	Соатлар
1	Таълим шакли	Кундузги
2	Таълим босқичи	II курс
3	Таълим семестри	IV семестр
4	Маъруза машғулотлари	54 соат (18 ҳафта)
5	Амалий лаборатория ва семинар машғулотлари	-
6	Мустақил таълим	30 с.
7	Нazorat шакли: Оралик назорати Жорий назорати Якуний назорат иши	Тест Реферат Ёзма иш

9. Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Мавзулар номери	Мавзуларнинг номи ва қисқача мазмуни	Дарс/соат лар ҳажми
1	2	3
1 мавзу	Бино ва иншоотлар типологияси муаммолари тўғрисида умумий маълумотлар	3
	<p>Бино ва иншоотларнинг типологик асослари. Функционал, лойиҳавий, техник, иқтисодий ечимлари; турар – жой, жамоат ва саноат бино ҳамда иншоотларнинг таркибий қисмлари ва жиҳозлари; турар – жой, жамоат, саноат бино ва иншоотларнинг сониявий сифатлари ва қурилиш параметрлари; бино ва иншоотларда ички муҳитни функционал шакллантириш ва ташкил қилиш тамойиллари; бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникатив боғлиқликлари тўғрисида тушунча; мавжуд бино ва иншоотларнинг ички бўшлиқни ташкил қилиш бўйича функционал ташкил қилиш бўйича таҳлиллар; бино ва иншоотларни архитектуравий типологик вазифаларини ҳал қилиш; жамоат биноларини лойиҳалашнинг илмий – назарий асослари; хизмат кўрсатиш босқичлари, бино ва иншоотлар классификацияси; фуқаролик биноларининг шаҳарсозликда жойлашуви, уларнинг асосий ва йирик бўлаклари; жамоат ва маъмурий биноларнинг шаҳардаги доминатлик роли; турар – жой, хонадон таркиби, кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли, ячейкали, қисқа муддатли турар – жой бинолари, қариялар уйи, ўқув – таълим – тарбия, тамоша, илмий муассаса, спорт – соғломлаштириш, маъмурий, дам олиш, транспорт иншоотлари, даволаш – профилактика бинолари, савдо – сотиқ муассасалари бинолари; саноат бино ва иншоотларини лойиҳалашнинг умумий тушунчалари; саноат бино ва иншоотларининг турлари, технологик жараёнлари; уларга қўйиладиган асосий талаблар; ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг саноат биноларига, конструкция ҳамда ҳажмий – режалаштириш муҳитига таъсири.</p> <p>Саноат бино ва иншоотларининг ҳажмий – режалаштиришнинг умумий тамойиллари; саноат муассасаларининг бош режаси ечими; классификация, ёрдамчи бино ва хоналар; саноат бино ва иншоотларининг архитектуравий – композицион ечими, архитектурасининг (ечими); саноат бино ва иншоотларининг интерьерлари, конструктив элементларининг умумий ечими; саноат</p>	

	<p>биноларининг каркас ечими: саноат биноларини юқоридан ёритиш масалалари.</p> <p>Типология – бино ва иншоотларнинг сониявий, сифатли қурилиши параметрларини, жамият тараққиётининг ривожланиб бориши томонларини, ўша давр билан ҳамнафас бўлиш, ёки: нима кўраяпсиз, қанча ва қандай қилиб кўриш керак деган саволларга жавоб беради.</p>	
2 мавзу	Уйларни турар жой, жамоат ва саноат биноларини эксплуатация қилиш ва қурилиш пайтида тежамкорлик масалалари ва муҳандислик жиҳозлари	3
	<p>Тежамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари, бир-бирига қарама-қарши томонлари, қурилишни тежамкорлик билан олиб бориш, қурилиш жиҳозларини ва қурилмаларини тўғри танлаш, тежамкорликнинг асосий йўналишларидан биридир.</p> <p>Заводда тайёрланаётган андозали қурилма ва жиҳозларни кўпроқ ишлатиш, қурилиш нархини арзонлаштириш, ундан ташқари уйнинг қаватини ва қурилиши майдонини тўғри танлаш ва бошқа тежамкорлик омиллари назарда тутилади.</p> <p>Лойиҳаларни танлашда архитектура меъморларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш ва лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳаларнинг ичида техник иқтисодий томонлари ҳам назарда тутилади.</p> <p>Жамоат биноларининг муҳандислик жиҳозлари деб одатда қуйидагилар ҳисобланади: сантехника қурилмалари, (иссиқлик системаси, шамоллатиш, ҳаво кондиционери, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, газ таъминоти), электор жиҳозлари, радио-телефон, телевидение, ички ва вертикал транспорт сахна устки-остки жиҳозлари, совутиш ва транспорт жиҳозлари (савдо биноларида театрларда) ва х.к. Замонавий муҳандислик жиҳозлари ишлаш шароити давомида шеч вақт панд бермаслиги, аниқ ва қулай равишдаги хизматидан бино хизматчилари унумли равишда фойдаланиши лозим.</p> <p>Бинонинг ташқи томонида фойдаланиладиган инженерлик жиҳозларига эса алоҳида этибор бериш зарур ва уни эстетик дидли равишда лойиҳалаш лозим.</p>	
3 мавзу	Турар-жой ва хоналарни танлаш ва шакллантириш учун керак талаб ва шароитлар	3
	<p>Турар – уй жой ва хонадонларини танлашда албатта ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар қўйидагилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Аҳолининг деморафик таркиби; - Оила аъзоларининг урф-одатлари ва хунарлари яъни қанақа иш билан машғул бўлишлари; - Қурилиш жойи; 	

	<p>- Қурилиш жойининг табиат иқлим шароити; Республикамизнинг шаҳарлари, вилоят ва туманлари аҳолисининг таркиби яъни аҳолининг ёши; оила таркиби ва эркак-хотин ва болаларнинг таркиби; бошқа шунга ўхшаш омиллар эътиборга олиниши назарда тутилади.</p>	
4 мавзу	Турар жойларнинг хиллари классификацияси	3
	<p>Турар уй-жойлар ўзининг ҳар хил хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинадилар:</p> <p>а) Аҳолини жойлаштириш усулига қараб уй жойларнинг 2 гуруҳга бўлиниши;</p> <p>1. Хоналарга бўлинган уй жойлар; оилаларни хонама-хона жойлаштиришга мўлжалланган тури;</p> <p>2. Хоналарга бўлинган кўп қаватлик турар уй жойлар. оилаларни хонама-хона жойлаштиришга мўлжалланганлиги, уйларда умумий маиший хизмат бўлимлари жойлашиши.</p> <p>Турар – жойларда ёлғиз ишчилар, талабалар, коллеж ва мактаб – интернат ўқувчилари; меҳмонхонада ва дам олиш уйларида эса мусофирлар, саёхатчилар ва дам олувчиларнинг яшаши 2 та гуруҳга тааллуқли бинолар ўзининг меъморий тарихий хусусиятлари, бир-бирига ўхшаб кетадиган томонлари, уларнинг вазифалари, ўхшашлиги, ва яшовчиларнинг талаблари бир хиллиги билан ажралиб туради. Энг кўп тарқалган хонадонлик бинолар, шаҳар ва қишлоқларнинг асосий яшаш фонди.</p>	

5 мавзу	Хонадон таркиби йирик бўлаклари элементлари ва жихозлари	3
	<p>Турар – жой хоналар таркибига: меҳмонхона, умумий хона, иш хонаси, катта оила аъзолари учун ётоқхона, ёш болалар ухлаши ва ўйнаши учун хоналар. Ёрдамчи хоналарга: дахлиз, ошхона, ҳожатхона, қўл ювадиган жой, йўлаклар, казнакхоналар, токчалар, таҳмонлар.</p> <p>Хонадон бир – бирини бирлаштириб боғлаган битта оиланинг яшаши учун мўлжалланган бўлак; Хонадон турар – жойларнинг асосий таркибий қисми; Бу хоналарда оила аъзолари ўзининг асосий вақтини ўтказди; дам олишади, ишлашади, ухлашади, овқатланишиди ва меҳмон кутиш тўғрисида;</p> <p>Хонадонлар асосий хўжалик ва ётоқ бўлақларига бўлиниши, Асосий бўлақларга меҳмон кутиб оладиган ва шу билан бирга оила аъзоларини бир ерга тўпланиши, (емакхона, меҳмонхона, иш кабинети) хоналарга тўғридан-тўғри дахлиз орқали ўтилиши. Хўжалик бўлаги (ошхона, омборхона, казнакхона) асосий бўлак билан ётоқ бўлак ўртасида жойлашганлиги.</p> <p>Кўп хонадонлик уйлар бир нечта элементлардан ташкил топган бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги, тарх тизими қурилмалари, меъморий бадий ечими.</p> <p>Турар уй жойларининг асосий элементи; <i>вертикаль</i> (зинапоя, лифт) ва горизантал (йўлак), Бир-бири билан боғланган хонадонлар тузилмаси, турар жой жойларнинг йириклаган бўлинмасини (<i>секцияни</i>) боғланиш, зинапоя; катаги ёки зинапоя, лифт катаги; Йўлак (<i>галерея</i>) хилдаги блокларда эса горизантал боғланиш; йўлак (<i>галерия</i>) орқали, вертикал боғланиш; зинапоя лифт орқали йўлакли блокларда эса хонадонларни бир-бири билан боғланиш; йўлак ва зинапоя лифт орқали боғланиш. Секция ва блокларни бир-бири билан ҳар хил ҳолда бир бутун бўлиб жойланиши.</p> <p>Уларнинг йирик бўлаклари:</p> <p>Бўлинма (секция); гуруҳ хонадонларни зинапоя ёки лифт зинапоя атрофига тўпланганлигига; Ҳар бир қаватда икки, уч ёки тўрт хонадон бирлашиб секция; яъни унинг йирик бир тўпламини ташкил этилади. Бўлинма (секция) уч хил кўринишга эгалиги: бир қаторли оддий (рядовой), бурчакли (угловой); чеккали (торцевой); Энг кўп тарқалган бу бўлинма; чеккали бўлинмани (секцияни) ўрнига ишлатиш;</p> <p>2 хонадонлик секциялар; куёшга қаратиб жойлашган горизонтни икки қарама –қарши тарафига жойлашиши; уч хонадонлик бўлинмаларда (секцияларда); 2 хонадонгина қониқарли ечилган бўлсалар, учинчи хонадон эса бир тарафга</p>	

	<p>қараб қолиши; елвизак қилиб шамоллатиб бўлмайдиган тўрт хонадонлик бўлинмаларда (секцияларда); ҳамма хонадоннинг ечими қониқарли бўлиш масаласи; тўрт хонадонлик бўлинмалар (секциялар) Ўзбекистон шароитида қурилишга ноқулай деб ҳисобланди, уч хонадонлик секциялар эса айрим шароитлардагина қуришга руҳсат этилиши; Энг яхши ечимга эга бўлган икки хонадонли бўлинма (секция); Энг чеккадаги уч хонадонлик бўлинмаларда икки хонадонлик бурчакли шамоллатиш ва ориентация билан таъминланиши мумкин бўлганлиги сабабли уларни уч хонадонлик қилиб тарх ечимини ечиш мумкин, шунинг учун чеккадаги бўлинмалар уч хонадонлик бўлишларига руҳсат берилиши лозим.</p>	
6 мавзу	<p>Якка тартибдаги уйлар, ўрта ва кўп қаватли турар жой бинолари</p>	3
	<p>Якка тартибдаги уйлар 2 хил кўринишига эга бўладилар; шаҳар ва қишлоқ уйлари; Улар бир-биридан ҳовли юзасини сатхи ва уларни ишлатиши услуби билан тўла фарқ қилиши; уйларнинг меъморий-тархий ечимлари; Якка тартибдаги шаҳар уйларни ер сатхи унча ката бўлмасдан (200-400м²) ташкил этади; асосан ёз вақтларида фойдаланиши: Ховлиларда ховузлар, гулзорлар, соябонлар, супалар болалар майдончаларни ва дарахтлар ўтказилиб, ёзги ошхоналар ташкил қилиш; Уйга кириш кўча томонидан ташкил қилиш; ечим иқтисодий тарафдан тўғри бўлиб кўчанинг чўзилиб кетишдан сақлаш масаласи кўчанинг узунлиги;</p> <p>3-5 қаватгача бўлган уйлар ўрта қаватли турар жой бинолари турига кириши; Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз ва фақат умумий зинапоя орқали боғланиши. Уларни қурилмалари оддий бўлиб, завод қурилмалари ва индустриал бўлиши; Бу хилдаги турар-жой қурилиши зич қурилиш бўлиб, шаҳар ерини кам эгаллаши; Ҳамма замонавий қулайликни ишлатишни; қурилиш иқтисодий ва фойдаланиш; Хозирги вақтда бундай уйлар асосида турар жой қурилиши шаҳарларни ташкил этиш. Секин аста бундай уйлар қишлоқларга ҳам тарқалиши;</p> <p>Бўлинманинг туркум лойиҳасида хонадонларни ҳар хил катталиқда лойиҳалаштириш; Уларнинг афзаллиги; ўрта катталиги ва кўп хонадонлик хонадонларни лойиҳаси жойлаштириш масаласи.</p>	
7 мавзу	<p>Жамоат бино ва иншоотларининг илмий-назарий ва функционал лойиҳалаш асослари</p>	3
	<p>Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда шаҳарсозликнинг архитектуравий – бадий хусусиятлари, уларни жойлаштириш; композицияси; шаҳар ва қишлоқ марказларида қандай режалаштириш каби масалалари;</p>	

	<p>шаҳарсозликда қуриладиган барча иншоот ёки биноларнинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги; турли бадиий кўрсаткич воситалари, уларнинг мутаносиблигига эътибор бериш;</p> <p>Архитектурада синтез; монументал санъат масаласи; Жамоат бино ва иншоотларининг лойиҳалашда функционал асослар.</p> <p>Жамоат биноларининг турлари ва типлари; функционал ва технологик жараёнлар; ички бўшлиқни функционал ташкил қилиш; хоналарни гуруҳлаш ва жойлаштириш масалалари.</p>	
8 мавзу	Ўқув тарбия, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари ва умум таълим мактаблари	3
	<p>Таълим тарбия муассасалари давлат қароргоҳидаги муассасалар бўлиб; 6-7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбия қилиш; Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг жамоатчилик асосида давлат томонидан тарбияланиши, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб, ривожланишига, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашга, ишчан ва эстетик руҳда таълим беришга қаратилганлиги;</p> <p>Муассасалар асосан дифференцияли ҳолатда қилиб болаларнинг ёшига, уларнинг жисмоний – рухий ҳолатини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратилганлиги.</p> <p>Умумий таълим мактаблари давлат қошидаги 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирларни тарбияловчи муассасалар; Умумий таълим асосан ўзининг кўриниш принципига қараб қуйидагиларга бўлинади: бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумот берувчи; Кейинги вақтга келиб ўрта техник маълумот берувчи, ҳамда лицей, гимназия тури;</p> <p>Мактабларнинг аҳоли яшайдиган пунктларида жойлаштирилиши; Мактаб биноларининг архитектуравий режалаштириш ечимлари; жиҳозлаш масаласи.</p>	
9 мавзу	Олий ўқув юртлари ва илмий текшириш институтлари	3
	<p>Ўқиш шаклига қараб олий ўқув юртларининг кундузги ва бўлимлари;</p> <p>Талабаларнинг сонига қараб кундузги олий ўқув юртлари энг йирик олий ўқув юрти ёки университетлар 10 мингдан ортиқ талаба; ўртача олий ўқув юртида-2,5 минггача; кичик олий ўқув юртларида -0,5-2 минггача бўлган талабалар ўқийдиган турлари;</p> <p>Шаҳарсозлик тажрибасида барча олий ўқув юртлари ўзининг хусусиятига қараб шаҳар таркибидан тутган ўрни; Олий ўқув юртларининг функционал, ҳажмий режалаштириш бўлаклари тўғрисида тушунчалар;</p>	

	<p>Олий ўқув юртларининг шаҳар территориясида жойлаштириш; Уларнинг функционал, ҳажмий режалаштириш структураси, композицион ечимлари; ҳажмий – режалаштириш элементлари.</p> <p>Илмий текшириш институтларининг турлари ва типлари; уларни шаҳарсозликда тутган ўрни; функционал жойлаштириш; архитектуравий ҳажмий режалаштириш.</p>	
10 мавзу	Томоша кўрсатиш бинолари (кинотеатр, театр, цирк, киноконцерт заллари)	3
	<p>Кинотеатр, театр ва концерт заллари тўғрисида; Кинотеатрлар, томоша кўрсатиш бинолари ичида энг кўп тарқалган, томошабинларни жалб қилиш бўйича машхурлари тўғрисида.</p> <p>Кинотеатр биноларининг асосий турлари; қабул қилинган композицияларнинг асосий хоналари; ҳажмий-режалаштириш ечимлар; Театр-концерт бино ва иншоотлари;</p> <p>Умумий ҳолат. Театр сахна ва томошабин заллари; Эстрада ва концерт зали; Томошабинга хизмат кўрсатиш хоналари.</p> <p>Замонавий цирк бинолари; уларнинг архитектуравий-ҳажмий режалаштириш; бинонинг архитектуравий ечими тўғрисида.</p>	
11 мавзу	Транспорт, спорт бино ва иншоотлари	3
	<p>Эрамиздан анча олдин бошланган. қадимги Греция; қадимги Римдаги сақланиб қолган иншоотларнинг ниҳоятда катталиги ва қурилиш конструкцияларининг бекиёслиги;</p> <p>Спорт иншоотларининг классификацияси ва тармоғи;</p> <p>Жисмоний тарбия ва спорт иншоотларининг тармоқларини ташкил қилиш принциплари; Спорт комплекслари; Стадион типлари; Спорт комплекслари (стадионлар)нинг бош плани; Трубиналарни тўлдириш ва томошабинларни эвакуация қилиш; Усти берк спорт иншоотлари; Усти берк стадионлар.</p> <p>АРЕНА. Стадионларни шаҳарсозликда тутган ўрни;</p> <p>Сузиш бассейнлари. Ҳажмий-режалаштириш ечимлари; Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари ва уларни жойлаштириш.</p> <p>Транспорт биноларининг турлари ва типлари; автомобиллар тўхташ жойлари, гаражлар, уларнинг архитектуравий – ҳажмий режалаштириш, шаҳарсозликда тутган ўрни; вокзаллар тўғрисидаги барча маълумотлар.</p>	

12 мавзу	Савдо-сотик маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш бинолари	3
	<p>Савдо-сотик ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари; шаҳар структурасида хизмат кўрсатиш сфераси; инсон ҳаёт турмуш жабхаларининг ҳамма соҳаси ушбу хизмат билан чамбарчас боғлиқлиги; стадионларнинг бошқа турдаги хизматлардан фарқи инсон яшаш жойига яқинлаштириш; кундалик харид даражасини ошириш; хизмат кўрсатувчи савдо – сотик комплекслари тўғрисида.</p> <p>Савдо – сотик ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари комплекси; Муассасалар типлари ва тармоқларини куриш.</p> <p>Умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари; Магазин (расталари); Усти ёпиқ бозорлар; Савдо – сотик марказлари. Бозорлар.</p>	
13 мавзу	Дам олиш, профилактика ва шифоланиш масканлари	3
	<p>Касалхона ва поликлиникалар. Тиббиёт масканлар ўзининг келиб чиқиши бўйича турли-туман бўлиб, кўплаб номенклатурадаги биноларни ташкил қилади.</p> <p>Туғруқхоналар, касалхона ва поликлиникалар, тез ёрдам станциялари, деспансерлар, диагностика марказлари, госпитоллар, аптекалар, санитария-эпидимиялогия станциялари ва улар қошидаги касалхоналар мавжуд.</p> <p>Шифоланиш масканлари ўзининг структуравий аҳамиятга қараб, шаҳарсозликда жуда катта аҳамиятга эга. Касалхоналарнинг типлари, шаҳарсозликда тутган ўрни, уларнинг катта-кичиклик ҳажми, технологик ечимлари бўлинмалари ва гуруҳлар, композицион схемалар ҳамда муҳандислик жиҳозлари.</p> <p>Санатория ва дам олиш муассасалари ҳам тиббиёт масканларининг ажралмас қисми бўлиб, архитектуравий-режалаштириш жиҳатидан жуда хилма-хилдир ва анча мураккабдир.</p> <p><i>Уларнинг турлари</i> ҳам деярли ҳамма типдаги бинолар каби курилишда анча салмоқли ўринни эгаллайди. Санаториялар, профилакториялар, йирик касалхоналар, туғруқхоналар, поликлиникалар, тез ёрдам станциялар, диспансерлар, госпиталлар, диагностика марказлари, анкеталар, эпимидиология марказлари. Буларнинг ҳаммаси жамиятга хизмат кўрсатувчи ташкилот бинолари бўлиб, ўзининг хизмати юзасидан 3 та гуруҳга ажратилади ва курилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1 – “кундалик”; 2 – “периодик” (ҳафтада 1 – 2 марта); 3 – “эпизодик” (ҳар замонда). 	

	<p>Уларнинг архитектуравий ва технологик ечимлари ниҳоятда нозик бўлиб, махсус равишда барча тиббий талабларини ҳисобга олган ҳолатда лойиҳалаштиришни талаб этади.</p> <p><i>Махсус кассаллик клиникаларини эса, шаҳарсозликнинг талабларига қараб амалга оширилади.</i></p>	
14 мавзу	Саноат биноларининг архитектуравий типологик хусусиятлари	3
	<p>Бино ва иншоотлар типологияси фани ўз навбатида, турар жой, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалиги биноларига ажратилган бўлиб, буларнинг ҳар бири учун алоҳида талаблар мавжуд.</p> <p>Саноат бинолари турли хилдаги ишлаб чиқариш тармоқлари жараёнини олиб боришга бағишланади. Булар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқариш ёрдамчи – хўжалик ҳамда омборхоналарга бўлинади.</p> <p>Қишлоқ хўжалик бино ва иншоотларига эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган бинолар, (чорвачилик билан боғлиқ бинолар туркуми), техникани сақлаш ва таъмирлаш кабилар киради.</p> <p>Юқорида қайд этилган бинолар ўзининг архитектураси, конструктив ечими ҳамда функциялари билан бир – биридан фарқ қилади. Булардан ташқари саноат бинолари туркумига автомобиллар турар жойлари – гаражлар, автопарклар, вокзаллар, ер ости тоннеллари ҳам киради.</p> <p>Шундай қилиб бино ва иншоотларининг типларини ташкиллаштириш, такомиллаштириш, ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш масалалари, қурилиш конструкцияларини ўзлаштириш ва ушбу фанни барча архитектуравий, техникавий, ҳажмий ҳамда иқтисодий томонларини ўрганиш билан бинолар типологияси шуғулланади.</p>	
15 мавзу	Саноат биноларининг лойиҳалашни функционал техникавий асослари	3
	<p>Саноат бино ва иншоотларини турлари, конструктив системаси ва схемасига қараб таснифлаш.</p> <p>Саноат биноларини юк кутарувчи ва ташувчи жиҳозлари. Саноат биноларига кўприксимон кранларни ўрнатиш. Саноат корхоналаридаги технологик жараён ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Технологик жараёни ҳаво мухити, ёруғлик, акустика, санитариявий таснифлаш ва санитария химоя зоналарига бўлишдаги таъсири ва талаблари.</p> <p>Инженерлик жиҳозлари системасининг устиворлиги, мустаҳкамлиги, узоқ умр кўриш, портлаш, портлаб ёниш ва</p>	

	<p>ёнишига техник талаблар. Бинонинг кўриниши ва интеръери. Унинг меъморий ноёблиги, меъморий композицияси, шахарсозлик, эстетик, ҳажм-режалаш, конструктив ечим талаблар.</p> <p>Саноат иншоотларини лойиҳалашда функционал-техникавий асослари. Ҳаво мухити метеорологик шароит ва уларнинг оптимал параметрлари. Иш режасининг турлари (енгил, ўрта, оғир) ва ҳаво мухити;</p> <p>Аэрация, табиий шамоллатиш, шамолнинг йўналиши, аэрация фонари, табиий шамоллатиш.</p> <p>Ёритиш. Ёнидан, тепадан, аралаш табиий ёритиш, сунъий ёритиш.</p> <p>Товуш ва тебраниш ҳосил бўлиш турлари, спектри, характеристикаси, босими, уларни меъёрлаш ва товуш ўтказмаслик чораси.</p>	
16 мавзу	Саноат корхоналарининг ҳажм – режалаш, композицион, конструктив ечимига ишлаб чиқариш технологияси ва муҳитнинг таъсири	3
	<p>Ишчиларга умумий майдон, одам ҳаракати учун майдон, зоналаштириш, горизонтал ва вертикал фермалар орасидаги майдон, жихозлар ва уларнинг габарити.</p> <p>Саноат қурилишида модуль мувофиқлаштирувчи системасининг ўзига хос хусусияти. Саноат бино ва иншоотларининг габарит схемаси ва конструктив элементларини намунавийлаштириш ва бирхиллаштириш.</p> <p>Бир ва кўп қаватли саноат биноларининг вертикал ва горизонтал юк кўтарувчи ва тўсувчи конструктив элементларини бўлувчи мувофиқлаштирувчи ўқларга боғлаш усуллари.</p> <p>Ишлаб чиқариш технологик схемасининг ҳажмий - режалаш асоси.</p> <p>Саноат биноларининг қаватлар сони, оралиғи, эни ва баландлигини жамлаш.</p> <p>Саноат корхоналарининг бош режаси, уларга қўйиладиган талаблар ва техник- иқтисодий кўрсаткичлари. <i>Саноат корхоналарининг маъмурий маиший бинолари.</i> Санитар маиший хоналарнинг таркиби ва уларнинг ҳисоби. Ёрдамчи хоналарнинг жойлаштириш усуллари. Ҳажм-тарҳий ва конструктив ечимлари.</p>	
17 мавзу	Саноат биноларининг конструкциялари	3
	<p>Саноат корхоналарининг умумий лойиҳалаш принциплари. Бир қаватли саноат корхоналарини темир бетон каркаси.</p>	

	<p>Бир қаватли саноат корхоналарининг металли (пўлат) каркаси. Тўсинли ва тўсинсиз каркас. Кўп қаватли саноат биноларининг каркаслари. Саноат корхоналарининг деворлари, материаллари ва уларга қўйиладиган талаблар. Фахверклар.</p> <p>Саноат биноларининг ёпмалари ва уларга қўйиладиган талаблар. Томларнинг тўсувчи конструкциялари. Том қопламаларининг турлари, уларга қўйиладиган талаблар, конструкцияси ва томдан сув оқизишни ташкил этиш.</p> <p>Тепадан ёритадиган ва шамоллатиш фонарлари. Фонарларни таснифлаш ва конструктив схемалари.</p> <p>Саноат биноларининг томлари, уларга қўйиладиган умумий талаблар ва конструктив элементлар. Саноат биноларининг махсус (алоҳида) конструктив элементлари. Техник қават ёпма қурилмаларининг ўзига хос хусусиятлари. Ишчи майдончалар ва этажерка қурилмалари. Ишлаб чиқариш жиҳоз ва машиналарини ўрнатиш. Пойдевор, эшик, дарвоза ва махсус мақсадлар учун мўлжалланган зиналар.</p> <p>Бир қаватли ва кўп қаватли саноат бино ва иншоотларида зилзилага қарши чоралар.</p>	
<p>18 мавзу</p>	<p>Бино ва иншоотларнинг турли саноат тармоқлари ва уларнинг типлари</p>	<p>3</p>
	<p>Қора металлургия муассасаларининг турлари ва архитектуравий бадий ечимлари заводларнинг шаҳарсозликда тутган ўрни; рангли металлургия саноат комплекслари тўғрисида, радио-электрон ва приборсозлик; Ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш саноати тўғрисида: умумий ҳолат архитектуравий ечимлари технологик жараён ечими; Текстил ва енгил саноат тўғрисида бинонинг шаҳарсозликда тутган ўрни: архитектуравий ҳажмий режавий ечимлари; Озиқ овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш технологик ечимлари.</p> <p>Шаҳар саноат зонаси, саноат райони саноат узели, завод майдони.</p> <p>Корхона майдони, заводолди, ишлаб-чиқариш, ёрдамчи ва омборхоналар зоналарига бўлинади.</p> <p>Машинасозлик заводларнинг механика цехларини цехларнинг тайёрлаб берувчи бинолари билан гуруҳланади. Бу бинони механика цехларига нисбатан шамол эсаётган томонда жойлаштирилади.</p> <p>Ёрдамчи цехлар гуруҳни – ускуналар ва таъмирлаш цехлари – ишлов берувчи ва тайёрловчи цехлар жодрахасида жойлаштириш керак ёки шу ишларни бажарувчи ишлаб чиқариш цехлари билан бир ҳажмга киритилади.</p> <p>Энергетика иншоотлар гуруҳини тайёрлаш цехларига</p>	

кўшни қилиб, темир йўл тармоғи кирадиган жойга яқин қилиб жойлаштирилади. Маиший хизмат бинболари гуруҳини иш жойи йўналишида заводга асосий кириш жойида жойлаштирилади. Асосий кириш жойи меҳнаткашларни асосан қатнайдиغان томонда қурилади.	ЖАМИ	54
---	-------------	-----------

10. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил таълимни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Янги техникавий аппаратуралардан фойдаланиш ва уларнинг ишлаш жараёнларини кузатиш;

11. Тавсия этилаётган мустақил ишларини мавзулари:

№	Мавзулар	Соатлар
1.	Турар жой, жамоат ва саноат бинолари	2
2.	Хонадон таркиби, жиҳозлари ва уларнинг элементлари	2
3.	Театр бинолари	2
4.	Цирк бинолари	2
5.	Спорт бинолари	2
6.	Ёпиқ спорт сув хавзалари (бассейнлар)	2
7.	Темир йўл, автомобил ва ҳаво транспортлари вокзаллари	2
8.	Метрополитен йўналишларини лойиҳалаш	2
9.	Транспорт бинолари	1
10.	Олий ўқув юртлари (академиялар, университетлар, институтлар)	2
11.	Илмий-текшириш муассасалари	2
12.	Шифо масканлари, поликлиникалар, профилакториялар	2
13.	Саноат биноларини ҳажмий-тарҳий ечимларини таҳлил қилиш	2
14.	Саноат биноларини конструктив ечимларини таҳлил қилиш	2
15.	Саноат бинолари манзилгоҳларини режалаштириш, ободонлаштириш асослари бўйича интернет маълумотлари йиғиш	2
16.	Саноат биноларининг турлари	1
	Жами:	30

12. Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Ўқув жараёни шароитини яхшилаш мақсадида ахборотларни кўпайтириш ва ўқув жараёнини ахборотини кучайтириш мақсадида кўриладиган ва аудио видео кўриладиган ўқув техник воситаларини: диапроекторлар, графопроекторлар (эпидоскоплар), компьютерларни қўллаш таклиф этилади.

Талабанинг ўқув – илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш, фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти, масофавий (дистанцион) таълим.

13. Рейтинг графиги: ЖН, ОН ва ЯНлар бўйича баҳолаш меъзони.

Семестр давомида маърузалар бўйича тест, реферат ва ёзма иш олинди. Маърузага 54 соат берилган бўлиб, бу 64 баллни ташкил этади.

Жорий назорат бўйича тест олинади.

Оралик назорати бўйича реферат ёзилади.

Якуний назорат бўйича ёзма иш олинади.

Баҳолаш:

Жорий назоратга - 40 балл берилиб, (26 балл маъруза + 14 балл мустақил таълим).

Оралик назорати – 30 балл (19м + 11м.т.)

Якуний назорат баҳоси – 30 балл (19м + 11м.т.).

Рейтинглар графиги

Жорий	Оралик	Якуний	Жами талабанинг изланиш даражаси
40 балл	30 балл	30 балл	
34-40	26-30	26-30	“Аъло”= 86 = 100 балл учун: Хулоса ва кафедралар қабул қилиш мустақил ишлаб билиш, амалда. Чиза билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш.
29-34	21-26	21-25	“Яхши”=71-85 балл учун: Мустақил ишлай билиш. Амалда қўллай олиш, маъсулиятини тушана билиш, кўрсата олиш ва тасаввурга эга бўлиш.
23-28	16-21	16-21	“Қониқарли”=55-70 балл учун: Моҳиятини тушуниш, кўрсата бериш, тасаввурга эга бўлиш.
0-22	0-26	0-16	“Қониқарсиз” =0-54 балл учун: Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик.

Фан бўйича ёзма иш таянч саволлардан иборат бўлган 3 та савол берилади. Ҳар бир саволга – 10 баллдан берилади.

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси к,уйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қилуни;
 - ижодий фикрлар олиш ва мушоҳада юрита олиш;
 - олган билимларини амалда қўллаш олиш;
 - моҳиятини тушуниш, айтиб бериш;
 - тасаввурга эга бўлиш.
- б) 71-85балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
 - олган билимларини амалда қўллаш олиш;
 - моҳиятини тушуниш;
 - тасаввурга эга бўлиш.
- в) 55-70балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:
- моҳиятини тушуниш;
 - билиш, айтиб бериш;
 - тасаввурга эга бўлиш.
- г) Қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:
- аниқ, тасаввурга эга бўлмаслик;
 - билмаслик.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинг қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{V \cdot Q}{100}$$

Бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган соат;

Q – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда)

Яқуний назорат семестрнинг охириги ҳафтасида ўтказилади.

11. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Змеул С.Г., Маханько Б.А. «Архитектурная типология зданий и сооружений». М. 2001 г.
2. Убайдуллаев Х.М., Иногамова М.М., Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари (дарслик) Т. "Ворис" 2009 й.
3. Vahitov M.M. Me'morchilik II-III-qism. Sanoat binolari (darslik), "Tafakkur" T. 2010
4. Змеул С.Г., «Архитектурная типология зданий и сооружений». Учебник М. 2005 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Архитектурное проектное общественных зданий и сооружений. М. Стройиздат 1985 г.
2. Гельфанд А.Л - Архитектурное проектирование общественных здания и сооружений. М., Архитектура С-2007.
3. Гельфанд А.Л.–арх. общ. зданий и сооружения. уч. пособие. краткие курс лекция. изд.во ННГАСУ-2000 г.
4. В.И. Бондаренко, Х.Н. Нуретдинов, Д.М Хайдарова – “Зилзила бўладиган районларда каркасли саноат биноларини лойихалаш” Тошкент. “Ўқитувчи” 1992.
5. КМК 2.08.02-96 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» Т. 1996 й.
6. ШНК 2.08.01.05 Тураржой бинолари.
7. ШНК 2.08.02-07 Жамоат бинолари.
8. ҚМҚ 2.09.04-98 - “Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари” Тошкент. 1998.
9. С.Г.Змеул., Б.А.Маханко. “архитектурная типология здания и сооружений”. Москва; 2005.

Интернет сайтлари

1. www.a-len.ru
2. www.proekts.ru
3. www.5ballow.qip.ru
4. www.bestreferar.ru
5. www.archrecord.construction.com
6. Google <http://www.Google.com/>.
7. Alta Vista <http://www.altavista.com/>

«БИНО ВА ИНШООТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ»

фанидан муаммолар маърузаси

Маъруза режаси:

1. Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда мавжуд бўлган архитектура типологиясининг ижтимоий ҳолати.
2. Жамоат бинолари архитектура ва замон талаби.
3. Кам қаватли уйларнинг архитектуравий муаммолари.
4. Замонавий турли хилдаги архитектура мажмуалари.
5. Меъморий ёдгорликлар ва абадийлик.

Ҳар қандай фан ва кашфиётнинг ҳам ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги мавжуд бўлгани каби архитектура ҳам ўзининг барча борлиғи билан бундан мустасно эмас. Жаҳон цивилизацияси қандай ривожланганидан қатъий назар Ўрта Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон – ўзининг дунёга машхур бўлган цивилизацияси ва айниқса архитектураси билан диққатга сазовордир.

Бу ҳақда кейинчалик суҳбатни давом эттирамиз. Аммо бизнинг бу кунги архитектурамиз ҳам ўзига хослиги билан дунё архитектураси ичида ажралиб туради. Бунга сабаб ўзбек халқининг минг йиллаб асраб авайлаб келаётган архитектура анъаналарининг ҳозирги кунда ҳам давом этаётганидир.

Ўзбекистоннинг замонавий архитектураси ва унинг типологияси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу ўзига хос бўлган жуда катта муаммо бўлиб, кундалик турмуш тарзимизнинг ўзгариб бориши ва шунга яраша бўлган бизнинг атрофимиздаги архитектуравий муҳит билан боғлиқдир.

Ўтган йиллар ичида яъни мустақиллик даври архитектурасига назар солсак республикамизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражадаги архитектуравий жихатдан мукамал бўлган бино ва иншоотлар билан бойиб бормоқда.

Бунга мисол қилиб республикамизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилган Бино ва иншоотларнинг хилма хиллиги, ўзига хослиги қолаверса жаҳон стандартлари даражасидаги қурилаётган ва қурилган равон йўллар, кўприклар ва кўплаб иншоотлардир.

Республикамиз Президентининг 1997 йилда эълон қилган шаҳарсозликни ривожлантириш ва реконструкция қилишга оид 2001 ва 2010 йилдаги фармонлари бу соҳага ҳам жуда катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Қонун ва кўрсатмалари эса айниқса республикамиз архитектурасининг янада барқарор бўлиб ривожланишида катта йўналишдир.

Жамоат бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томонларини, жамиятнинг социал ижтимоий ривожланиши жараёнини бадий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга жамоат бинолари жамиятнинг маънавий ва мафкуравий дунё қарашига ҳам бир қатор боғлиқ бўлиб, давлат мафкураси қандай бўлса, замон архитектураси ҳам шунга жавоб бериши лозим.

Ҳар доим ҳам, энг қизиқарли ва энг мухташам бинолари бу жамоат бинолари бўлиб келган, инсон тафаккурининг энг олий даражасидаги

хайратлантирувчи бинолар бу жамоат биннолари комплексидир. Шунинг учун бўлса керак, шаҳарозликда қурилишга ажратиладиган маблағнинг 28-30% жамоат биноларига берилади. Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши эса қурилатган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхона комплекслари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари, спорто иншоотлари ва хоказо биноларининг қурилиш билан боғлиқдир. Кундан-кун ривожланиб бораётган илмий-техника тараққиёти эса, жамоат биноларини архитектуравий лойиҳалашнинг услубий, назарий ва илмий асосларини ўрганмай туриб, бадий композицияни тушунмай туриб, янги қурилиш нормативларини билмай туриб лойиҳалаш мумкин эмаслигини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам бўлажак мутахассис архитекторларга ушбу йирик дастур – жамоат биноларининг типологияси курси бутун ўқиш давомида ўргатилиб борилади. Бу эса ўз навбатида бинолар типини ташкил этириш билан бирга, асосан уларни систематик тарзда ўрганишини тақозо этади, шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимини, ижтимоий – иқтисодий томонларини, бадий – архитектуравий ечимларини бино типларини номенклатурасини, классификациясини, нормаларини ва хоналар туркумларини аниқлаб беради. Булардан ташқари типология – климатология масалаларини, акустикани ва эвакуацияни ташкил қилишни ўз зиммасига олади.

Типология – жамоат биноларининг сониявий, сифатлик қурилиши параметрларини, жамият тараққиётининг ривожланиб бориши томонларини, ўша давр билан ҳамнафас бўлиш, ёки нима қураябсиз, қанча ва қандай қилиб қуриш керак деган саволларга жавоб беради.

Президентимиз томонидан 2013 йил халқ фаравонлиги обод турмуш йили деб эълон қилиниши ҳам кўпчилик қатори архитекторларга ҳам жуда катта маъсулиятли вазифаларни бажаришни тақозо этади. Зеро халқимиз ташкил топган ахил улкан жамоаси шаҳарнинг бир кичик бўлаги ҳисобланади. Айниқса ҳозирги вақтда ҳамма томондан ўзига бўлган эътибор, туфайли ижтимоий, мафкуравий, маънавий ва қолаверса архитектуравий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида инсон турмуш тарзининг асосий кўзгуларидан биттаси деб қарашни тақозо этади.

Республикамизда тадбиркорлик инсонлар қанчалик ахил ва уюшқоқ бўлса, ўша жой обод ва кўркам бўлади.

Турар уй жой қурилиши ер юзида жуда катта тарихга эгадир.

Чунки одамзод пайдо бўлгандан бери у ўзини душманлардан йиртқич хайвонлардан, совуқдан ва иссиқдан сақлаш учун уй жой қурган, шунингдек уй жой одамни дам олишга ва ишлашига асосий омил бўлиб хизмат қилган. Вақт ўтиши билан уй жойнинг вазифаси функцияси такомиллашиб ва кенгайиб борган. У оддий чайла ёки ғордан бизнинг давримизга келиб ҳозирги замон турар уй жойига яъни ҳозирги мавжуд жихозлар билан такомиллашган объектга айланди.

Ҳар қандай турар уй жойнинг шаклланишига географик муҳит албатта катта таъсир кўрсатган. Масалан шимол томонда қурилган уйларда хонадонларнинг ички қисмини ташқи муҳитдан сақлашга ҳаракат қилинган. Чунки бу ерда энг

асосий талаб бунинг акси бўлиб, уйларни иссиқдан ва уларни қизиб кетишидан сақлаш керак бўлган. Шунингдек уйнинг ичкари қисмини ташқари муҳит билан ҳамоханг боғлаш керак бўлган. Шундай қилиб қарама – қарши талаблар асосида бир бирига бутунлай ўхшамаган шимол ва жануб уйларининг тузилмаси пайдо бўлган.

Миллий маданият ва урф одатлари ҳам турар уй жойларининг тузилмасига ва хилларига таъсир қилади. Шунинг учун иқлими бир бўлган жанубдаг уй жойлар бир бирига ўхшаб кетса ҳам улар шу ерддаги ерли халқнинг тарихий ва урф – одатларига қараб ўзгариб боради

Шунинг учун ўзбек халқининг анъанавий турар жойлари ўзининг иқли шароитига маданият даражасига ва урф одатларига ва бадиий анъаналарига мослашган бўлган. Турар уй жойларнинг Ўзбекистонда қурилиш ўзининг тарихий анъанасига эга. Уйлар 2 хилда қурилган: миллий ва европа усулида. Бу уйлар асосан шахсий ховлили уйлар бўлган. Ерли халқ хар бир вилоят ўзига хос шароитларга мослашган уйлар қурган.

Бу уйлар уч хилга бўлинган: Бухороча уйлар, Фарғонача ва Хива услубида қурилган уйлар.

Бухоро уйлари феодал даврида жуда ҳам ривожланган бўлиб, зич қурилишларни ташкил этган, улар кўчага тескари яъни кўчадан ажратилган олда ховли тарафга қаратиб солинган хоналар бир икки қаватли бўлиб ховли атрофига зич қурилган ва шундай қилиб ховлида кўчанинг иссиқ ва чангли хавосига қараганда анча яхши ва салқинроқ иқлим шароити хосил қилинган.

Турар уй жой ва хонадонларини танлашда албатта ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар қуйидагилар:

- Аҳолининг демографик таркиби.
- Оила аъзоларининг урф-одатлари ва хунарлари яъни фанақа иш билан машғул бўлишлари.
- Қурилиш жойи
- Қурилиш жойининг табиат иқлим шароити.
- Техника – қурилиш асоси ахволи ва шароити.

Жумхуриятимизнинг шаҳарлари, вилоят ва ноҳияларнинг аҳолисини таркиби яъни аҳолининг ёши, оила таркиби ва эркак, хотин ва болаларнинг таркиби ва бошвқа шунга ўхшаш омиллар эътиборга олиниши лозим. Бу эса бутун мамлакатимиз рўйхати ўтказилгандан сўнг аниқланади.

Ҳар бир шаҳар, вилоят ноҳия ва қишлоқ учун уй жой танлашда уларда яшайдиган аҳолининг демографик таркибига қараб хар хил сонли нисбатлари олинади. Жумхуриятимиз аҳолисининг демографик таркиби албатта бошқа давлатлар кўрсаткичидан ўзгачадир. Айниқса бу кўрсаткич яблотик бўйи ва Белорусиядан катта фарқ қилади. Ўзбекистон бир йиллик аҳолининг ўсиши 3%ни ташкил этади.

Мустақил давлатлар ҳамкорлигидаги давлатлар кўрсаткичига нисбатан бизнинг жумхуриятимизда кўп болалик оилалар анча кўпроқдир. Бу эса ўз

навбатида кўп хонали хонадонларни нисбий фоизини оширишга олиб келади. Кўп болали оилалар айниқса қишлоқ аҳолисига мансубдир.

Шунинг учун лойихаловчи меъморнинг олдида қўйиладиган вазифа бу ҳамма шарт шароитларини тўла ўрганиб кейин энг қулай ва чиройли турар уйларни лойихалашда айниқса ерни шарт шароитини ҳисобга олишимизда катта эътиборга олиниш керак бўлган муҳим омиллардан биридир.

Турмуш тарзининг бекиёс даражада ўзгариб боириши жамоат биноларининг янги янги типларини яратишда алоҳида талаблар қўяди. Умуман олганда жамоат бинолари қурилишининг ҳажми жиҳатидан анча салмоқли ўринни эгаллайди.

Шаҳарсоздикдаги барча қурилиш ишлари (ҚМК) қурилиш нормаси асосида ташкил қилиниб учта принцип бўйича яъни поғоналик тартибда олиб борилади. Демак деярли ҳамма типдаги муассасалар жамиятга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар биноти ўзининг қай даражада тез ва чаккон хизмат кўрсатишига қараб 3 гуруҳга ажратилади:

1. **Кундалик.** Кундалик муассасалар биноти асосан, турар уй жойлар, ёки кичик микрорайонлардаги аҳолига энг яқин жойга қурилган бўлиши керак.
2. **Периодик(хафтада 1,2 марта).** Периодик муассасалар эса, йирикрок массивлар ва мавзеларга яқин жойда бўлиб уларга хизмат кўрсатилади.
3. **Эпизодик (хар замонда).** Эпизодик муассасалар хизматидан эса туман ва шаҳарлардаги аҳолилар фойдаланиши керак.

Албатта бу ерда барча турдаги жамоат биноларининг функционал жиҳатидан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Демак, жамоат бинолари, махаллада, мавзе, массив, ноҳия ва марказларда ҳар доим пиёда йўллари билан шаҳар транспорт йўлларини боғлаб турувчи бўлиб, архитектуравий доминант вазифасини бажаради.

Инсон яратган барча нарсалар, айниқса жамоат бинолари теварак атроф билан узвий равишда боғланган бўлиб, табиат билан бир бутун яхлитликни ифода этади. Бунинг учун узоқ ўтмишдан бошлаб, ҳозирги замонда кўрилаётган барча жамоат биноларини, черковлар, мачит мадрасалар, театр ва спорт иншоотларини, кинотеатрларини, концерт залларини, маданий ва маъмурий марказларини кўз олдимизга келтиришимиз керак.

Меъморчилик асарларида айниқса унинг инсонга бўлган эмоционал таъсири катта рол ўйнайди. Масалан, мачит мадрасалардаги беткрор тарзда ишланган меъморчиликнинг ўзига хослиги, нақш безаш, сирли кошнлар ганч ва ёғоч ўймакорлиги ва хоказолар. Йирик жамоат биноларидаги интърер ва экстерърлар, унинг сирли равишдаги сайқали спорт ва телеминоралардаги конструкциянинг имконият масалалари ва бошқалар.

Агар биз хайкални ёки шу каби асарларни олиб кўрадиган бўлсак, у ўзининг ишланган формаси шакли билангина инсонга эмоционал таъсир ўтказа олади. Лекин ундаги материал билан эмас. Демак расм мўйқалам ва хайкалтарошлик булар фақат ўша нарсани ўзини кўрсатиш билан кифояланади.

Меъморчиликда эса, бу нарса яратилади. Архитектура санъати бу шакллантирувчи эмас балки яратувчи санъатдир.

Меъмор эса, нима учун қурилаётганига қараб, ким учун мўлжалланишига қараб, ўша давр талабига қараб, қурилиш материалига қараб танлайди ва яратади. Демак давр талаби қандай бўлса, ўшандай асар бунёд этилади.

Масалан: ўтган асарлардаги Бухоро Хива Самарканд ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик асарлари, ҳозирги замондаги жамоат бино ва иншоотлар Тошкент, Москва, Ленинград, Алма-Ата, Фарғона, Андижон ва бошқа биноларни келтириш мумкин.

Республикамизда кейинги йилларда замон тақозосидан келиб чиққан қоида ва қолаверса хорижий инвестрларнинг мамлакатимизга кўплаб жалб этилиши натиасида кўплаб ажойиб спорт иншоотлари, меҳмонхоналао, идора ва саноат мажмуалари қаддини ростлади, бу ишлар яна давом этмоқда. Бу эса ўз навбатида архитектура типологиясига янада эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

Республикамиз ҳаётида кейинги йиллари ичида бир биридан гўзал бўлган спорт иншоотлари, теннис кортлари, стадионлар, турли хилдаги ажойиб дам олиш масканлари, сув ҳавзалари ва бошқа кўплаб бино иншоотлар қурилди. Буларнинг ҳаммаси архитектурамизнинг янада мукамал бўлишини тақозо этади. Айниқса болалар учун мўлжалланган турли хилдаги спорт иншоотлари, майдончалар сув ҳавзалаи ва бошқалар. Булар ҳар маҳаллада ва қишлоқда бўлиши лозим.

Ҳамма даврда бўлгани каби архитектура замон билан ҳамнафасдир. Лекин ўтмишдаги аждоқларимиздан қолган меъморий ёдгорликларни сақлаш, уларни биздан кейинги авлодга етказиш бу жуда катта олийжаноб иш бўлиб ҳисобланади. Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари билан кейинги йилларда республикамиздаги тарихий обидалар қайта жонланди ва янгитдан дунёга кўз очди. Бунга мисол Бухородаги Ал Бухорий меъморий мажмуаси, Термиз шаҳрининг Ат Термизий ёдгорликлари, Шаҳрисабздаги архитектура ёдгорликлари, ва кўплаб бошқа тарихий обидаларни олишимиз мумкин. Лекин республикамизда ҳали жуда кўплаб тарихимизни анъаналаримизни охиригача ўрганишга имкониятимиз бор, бундан фойдаланиш сиз билан биздан жуда катта матонат талаб қилади.

Масалан Тошкентдаги Хаста имом мажмуалари, Оқтепа қаъласи, Самарқанддаги гўри Амир, Оқ сарой каби обидалар охирига етказиб ўрганилмаябди ва қайта таъмирга мухтождирлар.

Албатта, қисқа вақт ичида бундай муаммолар тўғрисида гапириш ва мушоҳада қилиш жуда қийин. Келажакда бўлажак меъмор ва қурувчилардан бундай саҳоватлик ишларни янада кўпайтиришни истаб қоламиз.

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. И. А Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, ҳавфсизликга таҳдид, тараққиётга шароит ва кафолат", Тошкент 1997.

4. “Бино ва иншоотлар типологияси” фанидан таълим технологияси

МАВЗУ 1	Бино ва иншоотлар типологияси муаммолари тўғрисида умумий маълумотлар.
----------------	---

1. Маърузани олиб бориш технологияси (машғулот модели)

<i>Ўқув соати – 3-соат</i>	Талабалар сони: 1та ёки 2та гуруҳ 50 та
<i>Ўқув машғулот шакли</i>	Ахборотли маъруза
<i>Маъруза режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бино ва иншоотларнинг тарихи. 2. Турар уй жойнинг ва жамот, саноат биноларининг шаклланишида георгафик муҳит таъсири. 3. Миллий маданият ва урф – одатларни бино ва иншоотларнинг бинолари тузилмасига таъсири. 4. Турар уй жой ва хонадонларни танлашда ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар.
<i>Ўқув машғулотнинг мақсади:</i> Талабаларга бино ва иншоотлар типологияси фани ҳақида тушунча бериш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, архитектура муаммоларидан бохабар қилиш.	
<i>Педагогнинг вазифалари:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
2–босқич. Асосий қисм (40мин)	2.1. Дарснинг мавзуси режасини таништиради. (Илова 1) 2.2. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг шаҳарсозликда тутган ўрни. (Илова 2) 2.3. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг турлари. (Илова 3) 2.4. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг архитектуравий ва технологик ечимлари. (Илова 4)	Режани ёзиб оладилар. Тинглайдилар Тинглайдилар ёзиб оладилар
3–босқич. Яунловчи қисм (20 мин)	3.1.Ўқитилган мавзу бўйича блиц – сўров ўтказди. (Илова 5) 3.2.Мустақил иш учун топшириқ (Илова 6) 3.3. Фойдаланиладиган адабиётларни тавсия қилади (Илова 7)	Саволларга жавоб берадилар Мавзу ва топшириқларни ёзиб оладилар Адабиётларни рўйхатини ёзиб оладилар

Илова – 1

Маъруза режаси

1. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг шаҳарсозликда тутган ўрни.

2. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг турлари.
3. Шифоланиш, дам олиш ва профилактика масканларининг архитектуравий ва технологик ечимлари.

Илова – 2

Маърузани қисқача матни.

Касалхона ва поликлиникалар. Тиббиёт масканлар узининг келиб чиқиши буйича турли-туман булиб, куплаб номенклатурадаги биноларни ташкил килади. Тугуруқхоналар, касалхона ва поликлиникалар, тез ёрдам станциялари, диспансерлар, диагностика марказлари, госпиталлар, аптекалар, санитария-эпидемиология станциялари ва улар қошидаги каалхоналар мавжуд.

Шифоланиш масканлари ўзининг структуравий аҳамиятга қараб, шаҳарсозликда жуда катта аҳамиятга эга.

Илова – 3

Касалхоналарнинг типлари, шаҳарсозликда тутган урни, уларнинг катта-кичиклик хажми, технологик ечимлари, булинмалари ва гуруҳлар, композицион схемалар ҳамда муҳандислик жихозлари.

Санатория ва дам олиш муассасалари ҳам тиббиёт масканларининг ажралмас қисми булиб, архитектуравий-режалаштириш жихатидан жуда хилма-хилдир ва анча мураккабдир.

Уларнинг турлари ҳам деярли ҳамма типдаги бинолар каби қурилишда анча салмоқли ўринни эгаллайди. Санаториялар, профилакториялар, йирик касалхоналар, туғруқхоналар, поликлиникалар, тез ёрдам станциялар, диспансерлар, госпиталлар, диагностика марказлари, анкеталар, эпидемиология марказлари. Буларнинг ҳаммаси жамиятга хизмат кўрсатувчи ташкилот бинолари бўлиб, ўзининг хизмати юзасидан 3 та гуруҳга ажратилади ва қурилади:

- 1 – “кундалик”;
- 2 – “периодик” (хафтада 1 – 2 марта);
- 3 – “эпизодик” (ҳар замонда).

Илова – 4

Уларнинг архитектуравий ва технологик ечимлари ниҳоятда нозик бўлиб, махсус равишда барча тиббий талабларини ҳисобга олган ҳолатда лойиҳалаштиришни талаб этади.

Махсус касаллик клиникалари эса, шаҳарсозликнинг талабларига қараб амалга оширилади.

Илова – 5

Назорат саволлари.

Жамоат биноларининг турларини тушунтириб беринг
Шифоланиш масканларининг таркибий қисми ва турлари

Мустақил иш учун топшириқ.
Шифоланиш масканларининг конструктив ечимлари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. «Узбекистан на пороге XXI века» Тошкент, 1997 йил
2. Каримов И.А. «Узбекистон XXI аср поғонасида» Тошкент, Узбекистон, 1997 й.
3. К. В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
4. Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирование М., 1982
5. Киселевич Л.Н., Косаковский А., Ржежина О.И. "Жилищное строительство в условиях жаркого климата за рубежом М., 1965
6. Яргина З.Н., Хачатрянц К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990
7. ШНК Жилые здания расмий нашр /узбекча-русча/Тошкент 1996й.
8. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений. М., Стр.из., 1985й
9. Степанов В.И. Школные здания. Гостражданстрой. 1976 г.
10. «Жамоат бинолари типологияси» 2-кисм, Убайдуллаев Х.М,
11. Абдурахмонов Й.И. , Сейтмаматов М.Б. Тошкент, 2000 йил.
12. Нормал.планировочных элементов общественных зданий учреждение массового отдыха. Выпуск НП. 65-80. Вып.НП 6.4-81.Санатории, профилактории.

МАВЗУ 14	Саноат биноларининг архитектуравий типологик хусусиятлари
-----------------	--

**1. Маърузани олиб бориш технологияси
(машғулот модели)**

Ўқув соати – 3-соат	Талабалар сони: 1та ёки 2та гуруҳ 50 та
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саноат бинолари. 2. Саноат биноларининг турли хилдаги ишлаб чиқариш тармоқлари. 3. Қишлоқ хўжалик саноат бинолари турлари. 4. Саноат биноларининг типларини шакллантириш, турларни ўрганиш.
Ўқув машғулотнинг мақсади:	Саноат бинолари ва иншоотлари тўғрисида унумий тушунчалар бериш, саноат турлари, тармоқларига қўйилган талабларни бажариш вазифаларидан бохабар қилиш.
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Саноат биноларининг турларини аниқлаб беради; • Саноат биноларининг турли хилдаги типлари; • Қишлоқ хўжалик саноати; • Саноат корхонаси биноларини шакллантириш тўғрисида сўз юритилади ва яқунланади; 	<ul style="list-style-type: none"> • Саноат биноларини типларини билиб оладилар; • Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариши кўриб чиқилади; • Қишлоқ хўжалик саноати туркумини тахлил қилади; • Саноат корхонаси биноларини шакллантириш тўғрисидаги саволларга жавоб берадилар;
Таълим усуллари	Ахборотли маъруза, ақлий мунозара, блиц – сўров
Таълим воситалари	Ўқув услубий қўлланма, слайдлар, лойиҳалар
Таълим шакллари	Фронтал, жамоа гуруҳларда ишлаш
Таълим шарт – шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Кузатув, оғзаки савол – жавоб

**1.2. “Саноат биноларининг архитектуравий типологик хусусиятлари”
мавзусининг технологик харитаси**

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Мавзуга кириш. (20 мин)	1.1 Ўқув курси бўйича маълумот беради, унинг структураси билан таништиради. 1.2. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Талабалар диққат билан тинглайдилар Керакли жойларини ёзиб оладилар, тинглайдилар
2-босқич. Асосий қисм (40мин)	2.1. Дарснинг мавзуси режасини таништиради. (Илова 1) 2.2. Саноат бинолари тўғрисида гапириб беради. (Илова 2) 2.3. Саноат биноларининг турли тармоқларини таҳлил қилинади. (Илова 3) 2.4. Қишлоқ хўжалик саноати тўғрисида маълумот беради. (Илова 4) 2.5. Саноат биноларини шакллантириш ҳақида маълумот беради. (Илова 5) 2.6. Саноат корхонаси бинолари тўғрисида умумий хулоса беради. (Илова 6)	Режани ёзиб оладилар. Тинглайдилар Диққат билан эшитадилар Чизиб оладилар Тинглайдилар чизиб оладилар
3 – босқич. Яунловчи қисм (20 мин)	3.1. Ўқитилган мавзу бўйича блиц – сўров ўтқазади. (Илова 7) 3.2. Мустақил иш учун топшириқ (Илова 8) 3.3. Фойдаланиладиган адабиётларни тавсия қилади (Илова 9)	Саволларга жавоблар берадилар Мавзу ва топшириқларни ёзиб оладилар Адабиётларни рўйхатини ёзиб оладилар

Илова – 1

Маъруза режаси

1. Саноат бинолари.
2. Саноат биноларининг турли хилдаги ишлаб чиқариш тармоқлари.
3. Қишлоқ хўжалик саноати бинолари турлари.
4. Саноат биноларининг типларини шакллантириш.

Маърузани қисқача матни.

Кундан – кунга ривожланиб бораётган илмий техника тараққиёти, бино ва иншоотлар мажмуаларнинг ички функционал тузилиш ва ташқи кўриниши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб унда жамиятнинг маънавий ва мафкуравий ифодасини кўрсатиб беради.

Саноат бинолари кўплаб гуруҳларга бўлинган бўлиб, буларнинг ҳар бир гуруҳи тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Корхоналарнинг энг мураккаб жойи ишлаб чиқариш технологиясини обдон ўрганиб чиқиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътибордан четга қолдириш мумкин бўлмаган ҳолат ҳисобланади.

Халқ хўжалигининг структурасида саноат корхоналари шаҳарсозликнинг ривожланиши билан боғлиқ. Унинг архитектуравий, ҳажмий ечимлари ҳам корхоналарнинг технологик жараёнларидан келиб чиқади.

Саноат корхонаси биноларининг типологик гуруҳи ниҳоятда хилма-хил бўлиб, булар қора ва рангли металлургия, машинасозлик (ўрта ва оғир саноат), кимё саноати ва нефтни қайта ишлаш корхоналари, энергетика корхоналари (иситиш ва атом) электростанциялари, ГЭС ва гидроузеллар, асбобсозлик ва радиоэлектроника корхоналари, енгил ва текстил саноати корхоналари ҳамда сунъий тола ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари, қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси корхоналари, қоғоз ва бошқа саноат мажмуаларидан иборат, бўлиб, ушбу саноат корхоналарининг бинолари тўғрисида гап юритилади.

Бино ва иншоотларнинг умумий классификациясида биноларнинг аломатларига қараб ишлаб чиқариш (саноат) ва фуқаро бинолари (турар жой, жамоат бинолари) билан бирга, қишлоқ хўжалиги бино ва иншоотларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Булар гўшт, сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бинолар, тухум, сабзавот, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, ем ишлаб чиқариш ва сақлаш, минерал ўғитларини сақлаш ва бошқалардан иборат. Яна қишлоқ хўжалик саноати мажмуасига йирик шохли ҳайвонларнинг чорвачилик, сут ишлаб чиқариш мажмуалари, мол гўшти маҳсулотлари, чўчқачилик, паррандачилик, фабрикалари ва турли хилдаги омборхоналар, маданий ўғитларини сақлаш ва бошқа бинолар киради.

Турар жой тархий системада зинапоялар купрок ишлатилиб, уларни сони камрок булганлиги сабабли улар иктисодий томондан тежамли ҳисобланади. Йулакнинг кенглиги 1,2 метрдан кам булмаслиги, кириш эшигидан эса энг узок жойлашган хонадоннинг узоклик масофаси зинапоя лифт катагидан 25

метрдан ошмаслиги бу эса энг узун йулакни уй жой блокнинг узунлиги 50 метрдан ошмаслигига олиб келади.

Йулакларни табиий ёруглик билан ён тарафга жойлашган дарчалар оркали ёритиш керак. Йулакларнинг узунлиги кичикрок булса уларни зинапоя-лифт катаги оркали ёритилиши мумкин. Албатта йулакни табиий шамоллатиш керак, шу йул билан хонадонларни хам табиий шамоллатиш керак энг яхши шамоллатишга ён томонга очиладиган деразаларни урнатиш натижасида ёришиш мумкин.

Илова – 6

Назорат саволлари.

1. Саноат бинолари деб нимага айтилади?
2. Саноат бинолари корхонасининг туркуми нима?
3. Қандай бинолар қишлоқ хўжалик саноати биноларига киради?
4. Саноат бинолари типологиясининг қандай хусусиятлари мавжуд?

Илова – 7

Мустақил иш учун топшириқ.
Саноат бинолари тўғрисида ахборот тўплаш.

Илова – 8

Адабиётлар рўйхати:

1. «Архитектурная типология зданий и сооружений». С.Г. Змеул ва Б.А. Маханко.М. Стройиздат 2001г.
2. «Архитектурное проектирования общественных здание и сооружений». Под общ ред. И. Е. Рожина и А.Л. Урбаха, М-1984г.
3. «Промышленная архитектура» Н.Н.Ким, М, стр.1988г.
4. Яргина З.Н.,Хачатрянц К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990
5. К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
6. «Основы проектирования гражданских и промышленных зданий». Б.Я.Орловский, А.А.Магай, М., стр. 1980г.

МАВЗУ 16	Саноат корхоналарининг архитектуравий ҳажмий ва композицион режалаш ечимига мухитнинг таъсири
-----------------	--

**1. Маърузани олиб бориш технологияси
(машғулот модели)**

Ўқув соати – 3-соат	Талабалар сони: 1та ёки 2та гуруҳ 50 та
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саноат корхонаси биноларини ҳажмий-режалаштириш. 2. Саноат корхонаси биноларининг архитектуравий композицион ечими ва интеръери 3. Саноат биноларига таъсир этувчи омиллар.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Саноат корхонаси биноларини ҳажмий режалаштиришни ўргатиш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Саноат бинолари тўғрисида, унинг ҳажмий режалаштиришни тушунтириб бериш; • Саноат корхоналарини композицион ечимини ва интеръери тўғрисида ахборот бериш; • Саноат биноларига таъсир этувчи омилларни тушунтириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Саноат биноларини тўғрисида ахборотга эга бўлиб оладилар; • Саноат биноларининг архитектуравий – композицион ечимини, унинг интеръери тўғрисидаги тушунчага эга бўладилар; • Саноат биноларига, унинг архитектуравий ечимига таъсир этувчи омилларни тушуниб етадилар;
Таълим усуллари	Ахборотли маъруза, ақлий мунозара, блиц – сўров
Таълим воситалари	Ўқув услубий қўлланма, слайдлар, лойихалар
Таълим шакллари	Фронтал, жамоа гуруҳларда ишлаш
Таълим шарт – шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Кузатув, оғзаки савол – жавоб

1.2. “Саноат корхоналарининг архитектуравий ҳажмий ва композицион режалаш ечимига муҳитнинг таъсири” мавзусининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Мавзуга кириш. (20 мин)	1.1 Ўқув курси бўйича маълумот беради, унинг структураси билан таништиради. 1.2. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Талабалар диққат билан тинглайдилар Керакли жойларини ёзиб оладилар, тинглайдилар
2-босқич. Асосий қисм (40мин)	2.1. Дарснинг мавзуси режасини ва унинг қисқа мазмунини, тушунтиради. (Илова 1,2) 2.2. Саноат бинолари архитектураси ва унинг турлари тўғрисида гапириб беради (Илова 3) 2.3. Саноат корхоналарининг архитектуравий ҳажмий ечими тўғрисида ахборот бериш. (Илова 4) 2.4. Саноат биноларининг ечимига таъсир этувчи омиллар тўғрисида тушунчалар бериш. (Илова 5)	Режани ёзиб оладилар. Тинглайдилар Керакли жойларини ёзиб оладилар.
3 – босқич. Яунловчи қисм (20 мин)	3.1.Ўқитилган мавзу бўйича блиц – сўров ўтказди. (Илова 6) 3.2.Мустақил иш учун топшириқ (Илова 7) 3.3. Фойдаланиладиган адабиётларни тавсия қилади (Илова 8)	Саволларга жавоблар берадилар Мавзу ва топшириқларни ёзиб оладилар Адабиётларни рўйхатини ёзиб оладилар

Илова – 1

Маъруза режаси

1. Саноат биноларини ҳажмий режалаштириш.
2. Саноат бинолари ва корхоналарининг архитектуравий ва композицион ечими.
3. Саноат биноларининг архитектуравий ечимига таъсир этувчи омиллар.

Маърузани қисқача матни.

Саноат корхонаси биноларини лойиҳалаш ўта мураккаб иш бўлиб, унинг шаҳарсозлик талабларини, цехларнинг таркибини ишлаб чиқаришнинг функциясига қараб жойлаштириш ушбу соҳанинг асосини ташкил этади.

Саноат корхоналари ишлаб-чиқаришбиноларининг ўзига хос аломатларига қараб синфларга (класс) бўлинади, унда биноларни у ёки бу тармоққа тегишли эканлигини кўриш мумкин бўлади. Бу эса, корхона структурасини (тизимни) ва ишлаб чиқариш технологик жараёни билан белгиланади: тўлиқ ва нотўлиқ ишлаб - чиқариш цикли бўлиб, ишлаб чиқариш дастури, маҳсулот номенклатураси ва бошқалардан иборат.

Бундан ташқари саноат бинолари турлари конструктив ҳам классларга бўлинади.

Саноат корхоналарининг биноларини лойиҳалашда бир қатор аломатларга муҳим эътибор қайси бир типига мансублигидан ва унинг структурасидан қабътий назар, асосий ишлаб чиқарувчи унга хизмат кўрстувчи ва меҳнаткашларга қандай шароит яратишни тақозо этади.

Биноларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг қаватлар сони, тўсиб ташланадиган ёки фермалар тушадиган оралиқ (пролет) сони, асосий парментларнинг оралиқдаги масоқа, баландлиги, майдони ва бошқалар, ички устунларнинг характери ва жойлаштириш услуби, оқова сувлар тизими ички транспортнинг қандайлигига қараб фарқланади.

Саноат корхоналарининг ишлаб – чиқариш бинолари архитектуравий – ҳажмий, конструктив, ечимлари ҳар хил бўлиб, уларни режалаштириш барча кўрсаткичларни ички ва ташқи, интерьер ва экстерьер, устунларнинг юк кўтариш қобилиятлари балкалар, фермаларни баландлиги каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш ўта муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Саноат корхоналари архитектурасининг энг муҳим вазифаси – мақсадга мувофиқ ташкил этилган ва уйғунлаштирилган ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш, чунки бу муҳитда замонавий технологик жараён ҳуқум суради.

Саноат корхоналарининг барча майдонлари каби, йирик бир ҳажмда қурилган корпусларни зоналарга ажратиш ишлари, бир қаватлиларда горизонтал йўналиш бўйича, кўп қаватликларда эса, вертикал йўналишда олиб борилади.

Саноат корхонаси биноларнинг архитектураси ҳақиқий асар сифатида нафақат функционал ва технологик томондан асосланган, балки бутун фазовий муҳит функционал ташкил қилишнинг энг замонавий прогрессив шакллариغا имкон туғдирсин.

Кўпинча биз меъморий – тарз ечимларида бирхиллик, ифодаси йўқлик, баъзан бироз хомлик ва саноат қиёфасига эга бўлмаганликларини кўраемиз.

Саноат архитектурасининг композицион ечимини ҳал қилишда нафақат меъморий мосштаб, ёки пропорция, ҳаттоки бино элементлари ўлчамлари, шакл тузиши жиҳатдан характери, турли даражада ёритишни, турли ранглар ва кўплаб бошқа воситалар ҳам аҳамият кашф этади.

Илова – 5

Шаҳарсозликда саноат биноларини лойиҳалашда асосий эътибор атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш, маиший чиқиндиларни ишлаб чиқаришга қарши чора – тадбирларни кўриш, шаҳар шовқинига қарши кураш, кабилардан ташкил топган бўлиб, бугунги кунда инсон ўзини ишлаб чиқариш ва кундалик ҳаётидаги фаолиятида унга принципларга амал қилишга мажбур; ҳеч бир лойиҳа жиддий экологик асосиз тасдиқланмаслиги ёки кўриб чиқмаслиги керак; иқтисодий талаблар биринчи навбатда экология билан мувофиқлаштириши лозим; табиатга ёриб кириш эса минимал бўлмоғи керак.

Бунинг учун лойиҳавий ечимда вайрон қилинган атроф-муҳитни қайта тиклаш жараёнини олдиндан эътиборга олиб иш тутмоқ лозим.

Ҳар қандай саноат объекти атроф-муҳитга таъсир қилиш билан бирга, ўзи ҳам муҳитни таъсирида бўлади. Шунинг учун экологик принцип – лойиҳалашнинг тўла ҳолда бажариш, яъни ҳаво ва сув хавзалари, майдон, иқлим, шовқин таъсири, тебраниш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа омилларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашни тақазо этади.

Илова – 6

Назорат саволлари.

1. Саноат корхоналариинг турлари ва унинг ҳажмий режалаштириш нима?
2. Саноат бинолари композицион ва интерьерни ечимини биласизми?
3. Саноат биноларининг конструкциялари қандай бўлади?
4. Саноат биноларини лойиҳалашга таъсир этувчи омиллар нима?

Илова – 7

Мустақил таълим вазифаси.

Саноат биноларининг архитектураси тўғрисида материал тўплаш.

Илова – 8

Адабиётлар рўйхати:

1. «Архитектурная типология зданий и сооружений». С.Г. Змеул ва Б.А. Маханко.М. Стройиздат 2001г.
2. «Архитектурное проектирования общественных здание и сооружений». Под общ ред. И. Е. Рожина и А.Л. Урбаха, М-1984г.
3. «Промышленная архитектура» Н.Н.Ким, М, стр.1988г.
4. Яргина З.Н.,Хачатрянц К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990
5. К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
6. «Основы проектирования гражданских и промышленных зданий». Б.Я.Орловский, А.А.Магай, М., стр. 1980г.

МАВЗУ 17	Саноат, корхонаси биноларининг конструкциялари, маъмурий – маиший бинолари
-----------------	---

**1. Маърузани олиб бориш технологияси
(машғулот модели)**

Ўқув соати – 3-соат	Талабалар сони: 1та ёки 2та гуруҳ 50 та
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саноат биноларининг конструктив ечимлари тўғрисида. 2. Қурилиш материаллари. 3. Корхона ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатиш бинолари.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Саноат корхонаси биноларининг конструкциялар тўғрисида тушунчага эга бўлиш, хизмат кўрсатиш, маиший биноларга қўйилган талабларни бажариш вазифаларидан бохабар қилиш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Саноат биноларининг конструкцияларини тушунтириб бериш; • Саноат биноларида қурилиш материаллари масаласи тўғрисида гапирилади; • Саноат бинолари ишчи ва хизматчиларига маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари тўғрисида гап юритиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Саноат бинолари конструкциялари тўғрисида тушунча оладилар; • Саноат биноларида қурилиш материаллари масаласи хал қилинади; • Саноат биноларига хизмат кўрсатувчи маъмурий – маиший бинолар тўғрисида тушунчага эга бўладилар; • Саноат биноларининг юқоридаги масалалари бўйича саволларга жавоб оладилар;
Таълим усуллари	Ахборотли маъруза, ақлий мунозара, блиц – сўров
Таълим воситалари	Ўқув услубий қўлланма, слайдлар, лойихалар
Таълим шакллари	Фронтал, жамоа гуруҳларда ишлаш
Таълим шарт – шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Кузатув, оғзаки савол – жавоб

**1.2. “Саноат, корхонаси биноларининг конструкциялари, маъмурий –
маиший бинолари” мавзусининг технологик харитаси.**

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Мавзуга кириш. (20 мин)	1.1 Ўқув курси бўйича маълумот беради, унинг структураси билан таништиради. 1.2. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Талабалар диққат билан тинглайдилар Керакли жойларини ёзиб оладилар, тинглайдилар
2-босқич. Асосий қисм (40мин)	2.1. Дарснинг мавзуси режасини таништиради. (Илова 1) 2.2. Саноат биноларининг конструктив ечими ҳақида пириб беради. (Илова 2) 2.3. Қурилиш материаллари. 2.4. Саноат бинолари корхонасига хизмат кўрсатувчи бинолар ҳақида маълумот беради. (Илова 3) 2.5. Саноат бинолари элементлари тўғрисида якуний хулоса чиқаради. (Илова 4)	Режани ёзиб оладилар. Тинглайдилар Диққат билан эшитадилар Чизиб оладилар Тинглайдилар чизиб оладилар
3 – босқич. Яунловчи қисм (20 мин)	3.1.Ўқитилган мавзу бўйича блиц – сўров ўтқазади. (Илова 4) 3.2.Мустақил иш учун топшириқ (Илова 5) 3.3. Фойдаланиладиган адабиётларни тавсия қилади (Илова 6)	Саволларга жавоблар берадилар Мавзу ва топшириқларни ёзиб оладилар Адабиётларни рўйхатини ёзиб оладилар

Илова – 1

Маъруза режаси

1. Саноат корхонаси бинолари конструкцияси.
2. Қурилиш материаллари.
3. Корхона ишчи - хизматчиларига хизмат кўрсатиш бинолари тўғрисида.

Маърузани қисқача матни.

Ҳар қандай биноларнинг қандайлигидан қатъий назар, унинг лойихавий қурилиш асосини архитектуравий ускуналар (конструкциялар) ташкил қилади. Кам қават турар жой биноларига нисбатан бир қаватлик саноат биноларининг ускуналари ҳам, ўзининг ниҳоятда йириклиги билан, оғир юк кўтариш қобилиятга эга эканлиги билан ҳам муҳандислигик иншоотлари эканлиги билан ҳам муҳандислик иншоотлари эканлиги билиниб туради.

Саноат корхонасида ишчиларга маданий – маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳар қандай саноат корхоналарини лойиҳалашда архитекторларнинг асосий эътиборини қаратадиган ва ёрдамчи хоналар қаторида ҳатто ўзига яраша мавқега эга бўлган объектлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Уларнинг барча турлари ва хусусиятлари тўғрисида ушбу марузада гап юритилади.

Илова - 3

Саноат бино ва иншоотларнинг конструкциялари ҳам уларнинг ишлаб-чиқариш функциясидан келиб чиққан ҳолда бир қаватлик ва кўп қаватлик бинолар учун мослаштирилади. Биноларнинг ишлатиш (эксплуатация) шартига кўра: иситиладиган ёки иситилмайдиган; шамоллатиш шартига кўра – шамоллатиш тизимли ёки юқоридан ёруғлик фонари орқали шамоллатишга бўлинади. Барча саноат биноларининг асосий ускуналари сифатида, балка-тўсин, таянч- устунлар бир - бирига том оралиқ ёпилмалар ва турли хилдаги фермалар (темир-бетон, темир, ёғоч) ишлатилади.

Балкалар ва фермалар масофий оралиқни текис томларни кўтариб турувчи қобилиятга эга бўлган ускуна ҳисобланади. Бунинг рационал оралиғи агарда темир-бетондан ясалган бўлса, 18м.гача, металдан бўлса-15м, ёғочдан бўлса-12м. қилиб исботланган. Булардан ташқари катта оралиқларни ёпишда таянчсиз ускуна сифатида рама ва аркалардан (турли хилдаги) фойдаланамиз.

Барча турдаги устун оралиқ тизими учун йириклаштирилган модул 3м қилиб олинган; қаватлар баландлиги қилиб 3,6м градацияси эса 1,2м (3,6м дан ками-0,3м).

Саноат бинолари учун асосий баландлик Н-3,6; 4,8м, в.м.

Агарда биринчи қаватга транспорт юришга мўлжалланган бўлса, 7,2, осма кранлар учун ҳоли 7,2м қилиб олинади. 18 дан 24м гача бўлган оралиқдаги баландлик эса 8,4м, 10,8м ни ташкил этади.

Илова – 4

Саноат биноларида ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳам ўта хилма-хил бўлиб, унинг ишлаб-чиқариш характеридан келиб чиқади, улар ҳам табиий ва суний бўлиши мумкин. Ёруғлик оралиқларни тўлдириш учун шишадан декоратив-безак маҳсулотлари, саноат архитектурасида бетон ва темир – бетон, йиғма индустрия саноатида аввалдан зўрайтирилган ўта мустаҳкам темир-бетон маҳсулотларини ишлатиш одат тусига кириб қолган.

Саноат корхоналарида ишчиларга маданий - маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳар қандай саноат корхоналарининг лойихасида асосий бўлимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Қурилиш нормативларида энг кўп этиборни ушбу биноларни тез-тез ўзгартиришга қаратилади. Айниқса, кейинги вақтларда аҳолининг турмуш тарзининг ўсиши билан боғлиқ бўлган маданий- маиший ўзгаришлар ҳам саноатда ишлаб чиқаришнинг янги талаблар қўяётганли билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳали 1987 йилдан бошлаб СНИП лар янгича этибор қаратилди ва республикамиздаги ҚМҚлар ҳам бизнинг шароитга қараб янгича кўринишга эга бўлди.

Саноатдаги маданий - маиший ва бошқаларга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи бинолар тўртта гуруҳга бўлинади: -санитария-гигена (маиший)-хизмати-гардероб, душлар, ювиниш жойи ва бошқа хоналар: умумий овқатланиш муассасалари, тўғарақлар, мажлислар хоналари;

- Тиббиёт хизмати хоналари ва бошқалари ; - конструкторлик бюрolari, ўқув хоналар ва жамоатчилик хоналари. Ишлаб чиқариш корхонасининг катта-кичиклигидан ва шаҳарсозлик шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий- маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва бошқармалари: саноат бинолари ичида; саноат биносига қўшилган ҳолатда ва алоҳида қурилган бинолар бўлади.
- Лойилаш амалиётининг натижалари шуни кўрсатадики саноат корхоналарини лойихаларида унинг умумий майдонининг 22% ини ташкил қилади, булардан 8-маиший хоналар, 3-маъмурий, 2-мухандислик-лабораториялари, 2,5 – умумий овқатланиш муассасалари, 1,5% - тиббиёт ва маданий хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат.

Назорат саволлари.

1. Саноат корхонаси биноларининг қандай (конструкция) ускуналарини биласиз?
2. Ускуналарни ишлатиш – унинг классификацияси.
3. Саноатдан қандай қурилиш материалларидан фойдаланади?
4. Саноат корхоналарида маданий – маиший биноларнинг турлари ва уларнинг гуруҳлаш масаласи.

Мустақил таълим учун топшириқ.

Саноат биноларининг конструкциялари ва маданий – маиший бинолари тўғрисида малумот тўплаш.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Архитектурная типология зданий и сооружений». С.Г. Змеул ва Б.А. Маханко.М. Стройиздат 2001г.
2. «Архитектурное проектирования общественных здание и сооружений». Под общ ред. И. Е. Рожина и А.Л. Урбаха, М-1984г.
3. «Промышленная архитектура» Н.Н.Ким, М, стр.1988г.
4. Яргина З.Н.,Хачатрянц К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990.
5. К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
- 6 .«Основы проектирования гражданских и промышленных зданий». Б.Я.Орловский, А.А.Магай, М., стр. 1980 г.

МАВЗУ 18	Саноат биноларининг тармоқлари ва уларнинг бош режаси
-----------------	--

**1. Маърузани олиб бориш технологияси
(машғулот модели)**

Ўқув соати – 3-соат	Талабалар сони: 2та (40-60 та)
Ўқув машғулот шакли	Ахборотли маъруза
Маъруза режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Саноат корхоналарини жойлаштиришга қўйилган шаҳарсозлик талаблари 2. Ёнғин хавфсизлигига кўра саноат биноларининг тоифаларга бўлиниши. 3. Саноат корхоналарининг бош режасини лойиҳалаштириш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Саноат биноларининг тармоқлари ва уларга қўйилган талаблари ҳамда шаҳарсозликдаги тутган ўрни тўғрисидаги маълумотларни талабаларга етказиш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Саноат корхоналарини жойлаштиришга қўйилган шаҳарсозлик талабларини тушунтириб бериш; • Ёнғин хавфсизлигига кўра саноат биноларининг тоифаларга бўлиниши тўғрисида маълумот беради; • Саноат биноларининг турлари тўғрисида умумий маълумот беради; • Саноат биноларининг бош режаларини лойиҳалашни тушунтириб беради. 	<ul style="list-style-type: none"> • Талабалар саноат биноларини шаҳарсозликда жойлаштириш талабларини тушуниб оладилар. • Талабалар саноат биноларини турларини тоифаларга бўлиниши тўғрисида маълумотга эга бўладилар; • Саноат биноларининг турлари тўғрисида умумий маълумот оладилар; • Саноат биноларининг бош режаларини лойиҳалаш ҳақида тушуниб оладилар.
Таълим услублари	Ахборотли маъруза, ақлий мунозара, блиц сўровлар
Таълим воситалари	Ўқув – услубий материаллар, сладлар ёки чизмалар, лойиҳалар
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий.
Таълим шарт – шароитлари	Гуруҳ билан ишлашга мослаштирилган аудиториялар.
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки, сўров – блиц.

**1.2. “Саноат биноларининг тармоқлари ва уларнинг бош режаси”
мавзусининг технологик харитаси.**

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Мавзуга кириш. (10 мин)	1.1 Ўқув курси бўйича маълумот беради, унинг структураси билан таништиради. 1.2. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Талабалар диққат билан тинглайдилар Керакли жойларини ёзиб оладилар, тинглайдилар
2-босқич. Асосий қисм (40мин)	2.1. Дарснинг мавзусини режа бўйича гапириб, тушунтириб бериш (Илова 1 ва 2) 2.2. Саноат корхоналарини жойлаштиришга қўйилган шаҳарсозлик талаблари тўғрисида гапириб тушунтириш. (Илова 3) 2.3. Ёнғин хавфсизлигига кўра саноат биноларининг тоифага бўлиниши. 2.4. Саноат бинолари турлари тўғрисида умумий тушунча беради. 2.5. Саноат корхоналарининг бош режаси лойиҳалаштириш тўғрисида гапириб, тушунтириб беради.	Режани ёзиб оладилар. Тинглайдилар Чизиб оладилар Тинглайдилар чизиб оладилар
3 – босқич. Яунловчи қисм (20 мин)	3.1.Ўқитилган мавзу бўйича блиц – сўров ўтказади. (Илова 4) 3.2.Мустақил иш учун топшириқ (Илова 5) 3.3. Фойдаланиладиган адабиётларни тавсия қилади (Илова 6)	Саволларга жавоб берадилар Мавзу ва топшириқларни ёзиб оладилар Адабиётларни рўйхатини ёзиб оладилар

Илова – 1

Маъруза режаси

1. Саноат корхонаси бинолари конструкцияси.
2. Қурилиш материаллари.
3. Корхона ишчи - хизматчиларига хизмат кўрсатиш бинолари тўғрисида.

Маърузани қисқача мазмуни.

Ҳар қандай биноларнинг қандайлигидан қатъий назар, унинг лойихавий қурилиш асосини архитектуравий ускуналар (конструкциялар) ташкил қилади. Кам қават турар жой биноларига нисбатан бир қаватлик саноат биноларининг ускуналари ҳам, ўзининг ниҳоятда йириклиги билан, оғир юк кўтариш қобилиятга эга эканлиги билан ҳам муҳандислигик иншоотлари эканлиги билан ҳам муҳандислик иншоотлари эканлиги билиниб туради.

Саноат корхонасида ишчиларга маданий – маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳар қандай саноат корхоналарини лойиҳалашда архитекторларнинг асосий эътиборини қаратадиган ва ёрдамчи хоналар қаторида ҳатто ўзига яраша мавқега эга бўлган объектлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Уларнинг барча турлари ва хусусиятлари тўғрисида ушбу марузада гап юритилади.

Саноат бино ва иншоотларнинг конструкциялари ҳам уларнинг ишлаб-чиқариш функциясидан келиб чиққан ҳолда бир қаватлик ва кўп қаватлик бинолар учун мослаштирилади. Биноларнинг ишлатиш (эксплуатация) шартига кўра: иситиладиган ёки иситилмайдиган; шамоллатиш шартига кўра – шамоллатиш тизимли ёки юқоридан ёруғлик фонари орқали шамоллатишга бўлинади. Барча саноат биноларининг асосий ускуналари сифатида, балка-тўсин, таянч-устунлар бир - бирига том оралиқ ёпилмалар ва турли хилдаги фермалар (темир-бетон, темир, ёғоч) ишлатилади.

Балкалар ва фермалар масофий оралиқни текис томларни кўтариб турувчи қобилиятга эга бўлган ускуна ҳисобланади. Бунинг рационал оралиғи агарда темир-бетондан ясалган бўлса, 18м.гача, металдан бўлса-15м, ёғочдан бўлса-12м. қилиб исботланган. Булардан ташқари катта оралиқларни ёпишда таянчсиз ускуна сифатида рама ва аркалардан (турли хилдаги) фойдаланамиз.

Барча турдаги устун оралиқ тизими учун йириклаштирилган модул 3м қилиб олинган; қаватлар баландлиги қилиб 3,6м градацияси эса 1,2м (3,6м дан ками-0,3м).

Саноат бинолари учун асосий баландлик Н-3,6; 4,8м, в.м.

Агарда биринчи қаватга транспорт юришга мўлжалланган бўлса, 7,2, осма кранлар учун ҳоли 7,2м қилиб олинади. 18 дан 24м гача бўлган оралиқдаги баландлик эса 8,4м, 10,8м ни ташкил этади.

Саноат биноларида ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳам ўта хилма-хил бўлиб, унинг ишлаб-чиқариш характеридан келиб чиқади, улар ҳам табиий ва суний бўлиши мумкин. Ёруғлик оралиқларни тўлдириш учун шишадан декоратив-безак маҳсулотлари, саноат архитектурасида бетон ва темир – бетон, йиғма индустрия саноатида аввалдан зўрайтирилган ўта мустаҳкам темир-бетон маҳсулотларини ишлатиш одат тусига кириб қолган.

Саноат корхоналарида ишчиларга маданий - маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳар қандай саноат корхоналарининг лойихасида асосий бўлимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Қурилиш нормативларида энг кўп этиборни ушбу биноларни тез-тез ўзгартиришга қаратилади. Айниқса, кейинги вақтларда аҳолининг турмуш тарзининг ўсиши билан боғлиқ бўлган маданий- маиший ўзгаришлар ҳам саноатда ишлаб чиқаришнинг янги талаблар қўяётганли билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳали 1987 йилдан бошлаб СНИП лар янгича этибор қаратилди ва республикамиздаги ҚМҚлар ҳам бизнинг шароитга қараб янгича кўринишга эга бўлди.

Саноатдаги маданий - маиший ва бошқаларга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи бинолар тўртта гуруҳга бўлинади: -санитария-гигена (маиший)-хизмати-гардероб, душлар, ювиниш жойи ва бошқа хоналар: умумий овқатланиш муассасалари, тўғарақлар, мажлислар хоналари;

- Тиббиёт хизмати хоналари ва бошқалари ; - конструкторлик бюрolari, ўқув хоналар ва жамоатчилик хоналари. Ишлаб чиқариш корхонасининг катта-кичиклигидан ва шаҳарсозлик шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий- маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва бошқармалари: саноат бинолари ичида; саноат биносига қўшилган ҳолатда ва алоҳида қурилган бинолар бўлади.
- Лойиш амалиётининг натижалари шуни кўрсатадики саноат корхоналарини лойишаларида унинг умумий майдонининг 22% ини ташкил қилади, булардан 8-маиший хоналар, 3-маъмурий, 2-мухандислик-лабораториялари, 2,5 – умумий овқатланиш муассасалари, 1,5% - тиббиёт ва маданий хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат.

Назорат саволлари.

1. Саноат корхонаси биноларининг қандай (конструкция) ускуналарини биласиз?
2. Ускуналарни ишлатиш – унинг классификацияси.
3. Саноатдан қандай қурилиш материалларидан фойдаланади?
4. Саноат корхоналарида маданий – маиший биноларнинг турлари ва уларнинг гуруҳлаш масаласи.

Мустақил таълим учун топшириқ.

Саноат биноларининг конструкциялари ва маданий – маиший бинолари тўғрисида малумот тўплаш.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Архитектурная типология зданий и сооружений». С.Г. Змеул ва Б.А. Маханко.М. Стройиздат 2001г.
2. «Архитектурное проектирования общественных здание и сооружений». Под общ ред. И. Е. Рожина и А.Л. Урбаха, М-1984г.
3. «Промышленная архитектура» Н.Н.Ким, М, стр.1988г.
4. Яргина З.Н.,Хачатрянц К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990.
5. К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
6. «Основы проектирования гражданских и промышленных зданий». Б.Я.Орловский, А.А.Магай, М., стр. 1980 г.

**5. “Бино ва иншоотлар типологияси” фанида масала ва машқлар
тўплами киритилмаган**

**“Бино ва иншоотлар типологияси” фанидан
саволлар тўплами**

1. Жамоат бино ва иншоотлар типологияси деганда сиз нимани тушунасиз?
2. Нима учун Ж.Б. ва иншоотларни илмий асосида лойихалаш зарур?
3. Шахарсозликда Ж.Б, ва иншоотларни лойихалашда қандай хусусиятлар мавжуд?
4. Ж.Б. ва иншоотларни шахарсозликда тутган роли қандай аниқланади?
5. Ж.Б. ва иншоотларнинг атроф мухит билан боғлиқлиги қандай бўлиши керак?
6. Лойихалашда қандай архитектуравий бадиий кўрсаткичлар муҳим роль ўйнайди?
7. Биноларни лойихалашда энг асосий кўрсаткичлар яна нималардан иборат?
8. Архитектурада синтез деганда нималарни тушунасиз?
9. Ж.Б. ва иншоотларни лойихалашнинг функционал асослари нималардан иборат?
10. Ж.Б. ва иншоотларда қандай функционал жараёнлар мавжуд?
11. Жамоат бинолари коммуникацион алоқа нимадан иборат?
12. Жамоат биноларининг композициясида қайси хажмий режа энг тежамлилигидир?
13. Кино театрларнинг томоша залини қияликларни ҳисоблашда олдинга қатордан кейинги қатор қанча баландликда бўлиши керак?
14. Ўқув хоналари аудитория учун табиий ёруғликнинг қайси ҳолатдагиси энг мукамал ҳисобланади?
15. Тоғлик районлар учун йирик жамоат биноларининг қандай композицион турлари иқтисодий жихатдан тўғри келади?
16. Ж. Биноларининг қайси турлари дастлабки хизмат кўрсатиш тизимига киради?
17. Йўлак ва рекреация улар қаерда ишлатилади?
18. Жануб томонга қандай қуёшдан сақлагич ўрнатилади?
19. Жануби ғарб томонга қандай қуёшдан сақлагич ўрнатилгани маъқул?
20. Очиқ стадионлар қайси томонга қараб йўналтирилган бўлади?
21. Секция нимадан иборат?
22. Турар жойлар қурилиш жойини танлашда нималар ҳисобга олинади?
23. Эвакуация деганжа нимани тушунасиз?
24. Хонадон деганда нимани тушунасиз?
25. Умумий овқатланиш масканлари неча турга бўлинади?
26. Галарялик уйларда хоналар неча томонга жойлашади?
27. Галарядаги тўсиқларнинг баланлиги қанай бўлгани маъқул?
28. Икки зина оралиғидаги йўлакнинг масофаси неча метргача бўлиши мумкин?
29. Пропорция нима?
30. Мактаб ёшигача бўлган муассасаларни дифференциялашда нимага эътибор берилади?
31. Умумий таълим мактабларининг хизмат кўрсатиш доираси қандай бўлиши мумкин?
32. Цирк аренасининг доира ўлчамини айтиб беринг.

33. Спорт иншоотлари нималарга қараб классификацияга бўлинади?
34. Шахар транспорти бекатлари орлиғи йўлга қараб неча метр бўлиши керак?
35. “Олтин қирқим” деб нимага айтилади?
36. Композицияни нимага қараб танлашади?
37. Жамоат биноларининг энг мураккаб иқлим шароитида (чанг, тўзон, кучли шамол) қандай архитектуравий режалаштириш композицияси қабул қилинган?
38. Вант конструкциялари қаерда кўп ишлатилади?
39. Архитектуравий климатология нима?
40. Шахарсозликда олий ўқув юртлари биноларни қандай принцип асосида жойлаштиради?
41. Шахарсозликда стадионларни режалаштиришда нимага асосланади?
42. Ёзги хоналар қаерда ишлатилади?
43. Шамоллатиш неча турга бўлинади?
44. Коттеджлар неча хилда қурилади?
45. Бассейнлар неча турда қурилади?
46. Трансформация қандай биноларга мансуб?
47. Клуарлар қаерда ишлатилади?
48. Фойенинг функцияси нимадан иборат?
49. Фермалар қаерларда ишлатилади?
50. Контрофослар қандай вазифасини бажаради?

Илова-2

Билет № 1

Архитектуравий типология фанини ўқитишдан мақсад нима?
 Архитектуравий композиция деганда нимани тушунаси?
 Архитектурада бадиий воситалар.

Билет № 2

Турар жойлар қаватлари бўйича қандай турлардан иборат?
 “Секция” тўғрисида маълумот беринг.
 “Шамол гулининг” шаҳарсозликдаги ўрни.

Билет № 3

Турар уй – жойларнинг дастлабки хиллари. (Вилоятлар бўйича фарқи).
 Хонадон деб нимага айтилади?
 Миллий маданият ва урф одатларнинг архитектурага таъсири.

Билет № 4

Жамоат бинолари неча гуруҳга бўлинади?
 Турар жой биноларига табиий қилимнинг таъсири борми?
 Саноат биноларига қандай бино туралари киради?

Билет № 5

Бинонинг коммуникациялари деб нимага айтилади?
Турар жойларни танлашда ҳисобга олинadиган талаблар.
Якка тартибдаги уйлар.

Билет № 6

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг турлари.
Меҳмонхоналар ва уларнинг турлари.
Турар уй – жойларнинг оптимал ориентацияси.

Билет № 7

Савдо муассасалари ва уларнинг шаҳарсозликда тутган ўрни?
Жамоат бинолари неча итуркумга бўлинади ва уларнинг типлари?
Кам қаватли ҳовли уйлар.

Билет № 8

Спорт иншоотларининг турлари
Ж.Б.лардаги марказий, блокли ва павильон типдаги композицияларнинг
авзаллик ва камчиликлари .
Ётоқхона ва унинг турлари.

Билет № 9

Горизонтал коммуникация турлари.
Кўп қаватли турар – жой бинолари.
Дам олиш муассасалари.

Билет № 10

Ёнғин ҳавсизлиги. Одамларни эвакуация қилишдаги қўйилган талаблар.
Кенг ва катта оралиқларни ёпиш. Фермалар, тўсинлар, гумбазлар, аркалар ва
рамалар.
Турар уй- жойларнинг хиллари.

Билет № 11

Хонадон деб нимага айтилади?
Хонадон таркиби ва жиҳозлари қандай танланади?
Хонадондаги ёрдамчи хоналар вазифалари.

Билет №12

Шаҳарсозликда аҳолига хизмат неча босқичда амалга оширилади?
Ж.Б. ларда хоналарни гуруҳлаш қандай амалга оширилади?
Дам олиш уйлари ва уларнинг турлари.

Билет № 13

Иссиқ иқлим шароитида бинонинг ечимларига нималар таъсир этади?
Ж.Б ларида фойе кулуар қаерда ишлатилади?
Турар – жой уйларнинг хонама – хона қандай жойлаштирилади?

Билет № 14

Ж.Б. лардаги марказий, блокли ва павильон типдаги композицияларнинг афзаллик томонлари ва камчиликлари.
Ж.Б. лари ўзининг катталиги билан қандай классларга бўлинади?
Ётоқхона ва уларнинг турлари.

Билет № 15

Умумтаълим мактабларидаги ўқув хоналарини жойлаштириш.
Йўлак ва шлюзлар ва уларнинг ўлчамлари.
Турар – уй жойларнинг оптимал ариентацияси қандай бўлиши керак?

Билет № 16

Ж.Б. лари неча туркумга бўлинади ва уларнинг типлари?
Шахарсозликда йирик Ж.Б ларнинг аҳамияти.
Йўлак ва шлюзлар уларнинг ўлчовлари.

Билет № 17

Умумтаълим мактабларидаги ўқу хоналарини жойлаштириш.
Йўлак ва шлюзлар уларнинг ўлчовлари.
Турар – уй жойларнинг оптимал ариентацияси қандай бўлиши керак?

Билет № 18

Биринчи даражадаги хизмат кўрсатувчи жамоат бинолари (Куналик ҳаридига доир).
Ғарб ва шарқ томонларга қўлланиладиган қуёшдан сақлагичларнинг тури.
Хонадон ичига жойлаштирилган зинапоялар хиллари ва ўлчамлари.

Билет № 19

Турар – жойларнинг элементлари.
Умумий овқатланиш муассасалари ва асосий хоналар.
Болалар боғчасининг ячейкалари нималардан иборат?

Билет № 20

Қуёшдан сақлагич воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари.
Умумий ва унинг бошқа хоналар билан боғланиши.
Қуёшга қарши қурилмалар ва уларнинг туралари.

Билет №21

Циркларнинг асосий хоналари ва технологияси тизими.
Ёзги хона ва унинг фойдаланиш усуллари.
Дам олиш муассасалари

Билет № 22

Ғарб ва шарқ ҳамда жануб томонларида қўлланиладиган қуёшдан сақлагичларнинг тури?
Ётоқхоналар ва уларнинг турлари..
Умумий хона ва унинг ўлчовлари.

Билет № 23

Ж.Б ларининг юқори даражадаги кумли ва чанг тўзон районларида қўлланиладиган режалаштириш ва композиция усуллари.
Савдо муассасалари ва уларнинг шаҳарсозликдаги тутган ўрни. Умумий овқатланиш муассасаларининг турлари?
Хонадон тартиби ва жихозлари.

Билет № 24

Горизонтал коммуникация турлари.
Кўп қаватли тузар жой бинолари.
Дам олиш муассасалари.

Билет № 25

Қуёшга қарши қурилмалар ва уларнинг туралари.
Турар- жой уйларни хонама – хона жойлаштири турлари.
Галерия ва унинг аҳамияти.

6. Тестлар тўплами

Жамоат бино ва иншоотлари типологияси деганда сиз нимани тушунаси?

* Алоҳида ўқитиладиган ва ўргатиладиган фан

Лойиҳалаш асослари

Иншоотларнинг қисмлари

Иншоотларнинг яратилиш тарихи

Нима учун Ж.Б. ва иншоотларни илмий асосида лойиҳалаш зарур?

* Хар бир бино ва иншоотлари аввали нима учун ва қандай зарурияти

борлигини аниқлаш лозим

Шаҳардаги шу бинога бўлган талабни аниқлаш керак

Ж.Б.лари энг зарур бўлгани учун

Ж.Б.лари йирик бино бўлгани учун

Шаҳарсозликда Ж.Б. ва иншоотларини лойиҳалашда қандай хусусиятлар мавжуд?

* Архитектуравий – бадий хусусиятлар

Эстетик ва эмоционал хусусиятлар

Силует катта аҳамиятга эга

Йирик ва кичик биноларнинг ўзаро уйғунлашуви

Ж.Б. ва иншоотларни шаҳарсозликда тутган роли қандай аниқланади?

* Унинг шаҳардаги вазифаси ва композицион ролига қараб.

Шаҳарнинг қандай марказлигига қараб

Шаҳар майдонларининг очик ва ёпиқ равишда ташкил этилишига қараб

Ж.Б. ва иншоотларнинг марказида кўп ёки кам кўрсатилганлигига қараб.

Ж.Б. ва иншоотларнинг атроф муҳит билан боғлиқлиги қандай бўлиши керак?

* Ўзидан олдин қурилган бино ва иншоотга бўйсунуши лозим

Теварак атроф, ландшафт ва пейзаж муҳим рол ўйнайди

Халқ традицияси ва қурилиш амалиёти

Қурилиш материали ва технологияси

Лойиҳалашда қандай архитектуравий бадий кўрсаткичлар муҳим рол ўйнайди?

* Фақат архитектуравий

Амалий санъат ва унинг синтези

Техник ва муҳандислик имкониятлари

Бинонинг барча қисмининг пропорцияси

Биноларни лойиҳалашда энг асосий кўрсаткичлар яна нималардан иборат?

Бўлак ва бутун қисмларнинг мутаносиблиги. Олтин қирқим системаси

Архитектуравий масштаб

Архитектурада фақад ранг, ёруғлик

* Пропорция ва бошқа воситалари

Архитектурада синтез деганда нималарни тушунаси?

* Биноларда ишлатиладиган тасвирий санъат намуналари

Ички ва ташқи интерьердаги тасвирий санъат намуналари

Фақат ҳайкаллар ва композициялар

Ҳар турли барилеф ва фрескалар, нақш ва ганч, ёғоч ўймакорлиги
Ж.Б. ва иншоатларни лойиҳалашнинг функционал асослари нималардан иборат?

Ж.Б. ва иншоатларнинг классификацияси

* Ж.Б. гуруҳлари ва турлари

Биоларнинг асосий композицион қисми нимадан иборат

Норма зал учун аудиторияда гимнастика залида муассасалар ва х.к. бир кишига

Ж.Б. ва иншоатларда қандай функционал жараёнлар мавжуд?

Умумий ва махсус функционал технологик жараёнлар (турли умумий инсонга хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) ва (ўқиш жараёни, ошхоналарнинг иши)

Ички бўшлиқни ташкил этиш принциплари (3 та принцип)

* Хоналарни гуруҳларга ажратиш

Турли схемалар симметрия ва ассиметрия

Функционал жойлаштириш деганда нима ва улар неча хил бўлади?

* Горизонтал ва вертикал

Жамоат биоларини режалаштирувчи асосий элементлар

Тамбур ва вестибюллар

Асосий хоналар гуруҳи

Асосий режалаштириш элементлари қандай нормативдан иборат?

* СНИПлар

Нормали

Ўзгариб турадиган нормалардан

Фақат маълум бўлган СНИП асосида

Жамоат биоларида коммуникацион алоқа нимадан иборат?

Горизонтал тамбур вестибюл

* Вертикал зина, лифтлар, падуслар

Рекреациалар, клуб ва фойе ҳаракатдаги йўлаклар, эскалатор

Ўтга чидамли даражаси

Архитектуравий лойиҳалаш ва қурилишда стандарттизация нимадан иборат?

* Типизация

Унификация

Структурали модул

Размерли (ўлчовли модул)

Ўзбекистон нечанчи климатик қурилиш ҳудудига қарайди?

I

II

III

* IV

Мактаб ўқув хоналари қайси қутбга йўналган бўлиши керак?

Шарқга

Жанубга

* Шимолга

Шимолий шарқга

Жамоат биноларининг композициясида қайси ҳажмий режа энг тежамлилигидир?

Блокли

Павильон типдаги

Қўшма ҳолатдагиси

* Марказий тури

Кино театрларнинг томоша залини қияликларини ҳисоблашда олдинги қатордан кейинги қатор қанча баландликда бўлиши керак?

5 см

8 см

* 12 см

15 см

1 – дирекция; 2 – вестибюл; 3 – кутубхона; 4 – тўғарак хоналари; 5 – илмий ишлар хонаси;



156-расм. Томоша хоналари мажмуасининг боғлиқлик схемаси.



157-расм. Фондларни сақлаш хоналарининг технологик боғлиқлик схемаси:
 1 – қабулхона; 2 – экспонатларни вақтинча сақлаш хонаси; 3 – дезинфекциялаш камераси; 4 – каталоглар, фототека, илмий архив; 5 – хўжалик хоналари; 6 – ходимлар хоналари; 7 – доимий сақлаш хоналари; 8 – экспозицион заллар (доимий ва вақтинчалик).

10. ГЛОССАРИЙ

“Бино ва иншоотлар типологияси” фани бўйича глоссарий ва калит сўзлар лугати

Подъезд – *бинога кириш қисм*

Вертикал – *тикка*

Ориентация – *йўналтириши ёки йўналтирилганлик*

Эвакуация – *одамларни биринчи жойдан иккинчи жойга кўчириши*

Инсоляция – *хоналарга қуёш нурини тўғридан тўғри тушиши*

Сквозняк – *елвизак, шамоллатиши*

Секция – *турар жой – уйининг бўлими*

Деталь – *бўлак, бинонинг бўлаги ёки бинога ишлатилган бўлак*

Антаблимент – *антаблимент (юк кўтариши)*

Оригинал – *антиқий*

Микрорайон – *мавзе*

Жилой район – *турар жой ноҳияси*

Пропорция – *бинога тегишли деталларнинг нисбати*

Шлюз – шлюз – *икки эшик орасидаги жой*

Галерея – *уйлардаги очиқ йўлак*

Фрамуга – *шамоллашга ёки ёритишига мўлжалланган туйнук*

Угловой – *бурчакли жойлашган хона ёки бино*

Рядовой – *қаторли (уйга нисбатан)*

Блок – *бўлак(уйга ёки бинога нисбатан)*

Корпус – *бинони яхлит кўриниши*

Демография – *аҳолининг таркиби ёши, ишлаши, касби ва ҳоказолар.*

Климатология – *биноларнинг совуққа, иссиққа чидамлиги ички, ташқи муҳит таъсири*

Классификация – *синфларга ажратиши.*

Функция – *хизмат вазифаси*

Дифференция – *муассасаларни ҳар турли ҳолатларини ҳисобга олиб жойлаштириши ёки ҳисоблаш*

Структура – *таркибий қисми*

Эвакуация – *бирорта жойга чиқариб юбориши*

Арена – *тамошо кўрсатишига мўлжалланган жойлар*

Типология – *турар жойлар ва саноат биноларини ****, сифатни қурилиши, параметрлари уларни турларини ривожланиб боришини ўрганиши ёки нима қурярсиз, қандай қилиб қуриши лозим каби саволларга жавоб берувчи алоҳида фан.*

Композиция – *ҳолатий жойлаштириши*

Типовой – *андозали лойиҳа*

Континет – *ётоқхона ёки уйда яшовчилар (шахслар)*

Фактор – *омил*

Соразмерность – *мутаносиблик*

“Золотое сечение” – *Олтин қирқим. Математикада*

Тамбур – *икки эшик ўртасидаги жуда кичик хонача ёки жой.*

Вестибюль – *бинога кириш қисми (баъзи бир ҳолларда тамбурдан кейин жойлашади).*

Рекреция – *кенгайтирилган, ёритилган йўлак (мактабларда ўқув масканларида кўплаб ишлатилади).*

Клуар – *томоша залларига ўша орқали кириш ҳам мумкин. (дам олиш жойлари)*

Фойе – *клуардан фарқли ўларов, барча жамоата биноларида дам олишга мўлжалланган бўлиши мумкин.*

Движущиеся тротуары – *ҳаракатланувчи йўлак*

Коммуникация - *биноларга нисбатан ишлатилган ибора бўлиб, зина, пандуслар, эскалаторлар, ҳаракатланувчи йўлка ва лифтларга айтилади.*

Типизация – *кўплаб бир – бирига ўхшаш биноларнинг қайтариб қурилиши*

Нормали – *бино конструкцияларининг ёки айрим жиҳозларнинг аниқ равишида қабул қилинган бўлаклари.*

Рама – *икки томонлама устуннинг сарров (балка) билан бириктирилган ҳолат, монолит ёки қўйма.*

Ферма – *бино ускунаси, асосан йирик оралиқларни ёпишига ишлатилади.*

Балка – *темир, бетон ёки ёғочдан иборат бўлган тўсин.*

Арка – *равоқли қурилма*

Висячие вантовые порьтия – *осма пўлатсимондан қилинган қурилма*

Пневматик – *ёпилмалар – яъни ичига ҳаво тўлдирилган ёпилма қурилма*

Линейная – *чизиқли композицияни тушунилади.*

Блочная – *алоҳида – алоҳида бўлган бино элементлари ёки бино бўлиши мумкин.*

Периметральная – *бутун майдон атрофи бўйлаб қурилган.*

Амфитеатр – *томоша залларида , аудиторияларда тўғри ёки ярим доира шаклида аста –секин кўтарилиб борувчи жойлар.*

Тектоника – *конструкция ва материалнинг бадиий хусусияти*

Габарит – *ўлчам*

Сквер – *ҳиёбон*

Трансформация – *хонани кенгайтириб ёки кичрайтириш*

Симметрия – *икки томони хар хил*

Ячековая – *алоҳида ҳужайралар (алоҳида бир хонадан иборатлик маъносига)*

Коридорная – *хоналар йўлакни икки томонига жойлашган.*

Бескоридорная – *хоналар даҳлиз атрофига тўрт томондан жойлашган.*

Коридорно –кольцовая – *йўлаклар ва ҳовли атрофига тўрт томондан хоналар жойлашган.*

Анфилдная – *йўлак бўйлаб икки томонга эшиксиз ячейка (ҳужра) ларнинг жойлашиши.*

Павильонная – *алоҳида –алоҳида ва шу билан бирга ўзаро йўлак билан бирлаштирилган бино ёки хоналар.*

Комплекс – *мажмуа (бинога нисбатан ишлатиш)*

Зодчий – *меъмор – архитектор (грекчадан олинган)*

Сеть – *тармоқ (типологик мазмунда ишлатилганда)*

Массовая физкультура – *оммавий жисмоний тарбия*

11. Рефератлар тайёрлаш учун тавсия этиладиган мавзулар

1. Жамоат бино ва иншооталарни лойиҳалашнинг функционла асослари
2. Бино ва иншооталарнинг муҳандислик жиҳозлари.
3. Уй жойларини эксплуатация қилиш ва қурилиш пайтида тежамкорлик масалалари.
4. Хонадаон таркиб ва унинг жиҳозлари.
5. Турар жойларнинг классификацияси.
6. Шифо масканларнинг турлари.
7. Дам олиш уйлари.
8. Санатория ва профилакториялар.
9. Турар жойларнинг йирик бўлаклари.
10. Савдо – сотиқ муассасаларининг турлари
11. Турар жойларни хонама-хона жойлаштириш.
12. Умумий овқатланиш муассасалари.
13. Ошхона ва чойхоналар.
14. Кам қаватли уйлар.
15. Кафеларнинг турлари
16. Ресторанлар.
17. Бозорлар.
18. Савдо раста ва дўконлар
19. Маркетлар.
20. Кўп қаватлик уйлар.
21. Офислар .
22. Бизнес марказлар .
23. Ўрта қаватли уйлар.
24. Меҳмонхоналар.
25. Баланд қаватлик уйлар.
26. Цирклар .
27. Концерт заллари .
28. Кино-театрлар.
29. Театрлар.
30. Техник хизмат кўрсатиш.
31. Гаражлар.
32. Клублар.
33. Спорт комплекслари.
34. Стадионлар.
35. Бассейнлар.

12. Адабиётлар рўйхати

1. Убайдуллаев Х.М., кат.ўқит.Инагамова М.М. **“Бино ва иншооталрни лойиҳалаш асослари”**. Тошкент, 2009й.
2. П.Ш. Зоҳидов., **“Меъмор олами”**. Қомуслар бош таҳририяти., 1996й.
3. Убайдуллаев Х.М, Абдурахмонов Й.И. **«Жамоат бинолари типологияси»** 1-2-кисм, Ўқув қўлланма. Тошкент, 2010 йил.
4. Абдурахмонов Й.И., Хикматуллаев О. **“Ёпиқ сув бассейнларини лойиҳалашда замонавий қурилиш ашёсидан фойдаланиш самарадорлиги”**. (ЕТФЕ). Архитектура – қурилиш фани ва давр ХХ анъанавий анжуман илмий тўплами. Тошкент 2011.
5. Абдурахмонов Й.И **“Бино ва иншооталрни типологияси”** курсини ўқитишда янги педагогик технологияни қўллаш.. ТАҚИ “Архитектура қурилиш ва дизайн” журнали №2, 2012й.
6. Қодирова Т. **“Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги”**. Тошкент 2004. “ЎАЖБНТ” маркази. 2004.
7. Убайдуллаев Х.М., Коробовцев Г.И., Абдурахмонов Й.И., Мансуров Я.М **“Архитектуравий лойиҳалаш”**.. ўқув қўлланма. Т. 2012й.
8. Хидоятлов Т.А., Қодирова С.А., Абдурахмонов Й.И. **“Замонавий жиҳозлаш ва интерьер”**. Т. 2012й.
9. Хидоятлов Т.А. **«Типология общественных зданий»** ., учебник.Ташкент 2007 г,
- 10.Гельфранд А.Л. «Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений». М. Арх.ст. 2007.
11. Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирование М.,1982.

13. ТАЯНЧ КОНСПЕКТ

БИНО ВА ИНШОТЛАР типологиясининг олдида турган архитектура муаммолари.

Уй-жойлар меъморчилигис жамиятнинг социал шароитига вақтнинг руҳига ва бошқа шарт-шароитларга мослаша борган. У оддий чайла ёки ғордан бизнинг давримизга келиб hozirги замон турар - уй жойига яъни hozirги мавжуд жиҳозлар билан такомиллашган объектга айланди. Ҳар қандай турар-уй жойининг шаклланишига географик муҳит албатта катта таъсир кўрсатган. Масалан шимол томонидан кўрилган уйларда хонадонларнинг ички қисмини ташқи муҳитдан сақлашга ҳаракат қилинган, чунки бу ерда энг асосий талаб бунинг акси бўлиб, уйларни иссиқдан ва уларни қизиб кетишдан сақлаш керак бўлган. Шунингдек уйнинг ичкари қисмини ташқари муҳит билан ҳамоҳанг боғлаш керак бўлган. Шундай қилиб қарама-қарши талаблар асосида бир-бирига бутунлай ўхшамаган шимол ва жануб уйларнинг тузулмасини */структураси/* пайдо бўлган. Миллий маданият ва урф одатлари ҳам турар уй-жойларининг тузилмасига ва хилларига таъсир қилади. Шунинг учун иқлими бир бўлган жанубдаги уй - жойлар бири-бирига ўхшаб кетса ҳам улар шу ердаги ерли халқнинг тарихий ва урф-одатларига қараб ўзгариб боради. Шунинг учун ўзбек халқининг анъанавий турар-жойлари ўзининг иқлим-шароитига маданият даражасига ва урф одатларига ва бадиий анъаналарига мослашган бўлган. Турар - уй жойларининг Ўзбекистонда қурилиш ўзининг тарихий анъанасига эга. Бу уйлар уч хилга булинган: Бухороча уйлар, Фарғонача ва Хива услубида қурилган уйлар.

Ўзбекистон иқлим-шароитида бу уйларнинг тархига албатта катта - катта айвонларни боғларга қаратилган ҳолда қуришга ҳаракат қилинган.

Бундай уйларнинг деворлари 80-90см бўлиб, хом ғиштдан терилган ва уйнинг ичида ёзда салқин ва қишда иссиқ бўлишига сабаб бўлган.

Турар-уй жой ва хонадонларини танлашда албатта ҳисобга олиниши керак бўлган талаблар қуйидагилар:

Аҳолининг демографик таркиби. Оила аъзоларининг урф-одатлари ва ҳунарлари яъни қанақа иш билан машғул бўлишлари. Қурилиш жойи. Қурилиш жойининг табиат иқлим шароити.

Техника-қурилиш асоси /базасини/ аҳволи ва шароити.

Турар жойларнинг хиллари.

Турар уй-жойлар ўзининг ҳар хил хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинадилар:

а) Аҳолини жойлаштириш усулига қараб уй жойлар 2 гуруҳга бўлинадилар:

1. Хонадонларга бўлинган уй жойлар, булар оилаларни хонама хона жойлаштиришга мўлжалланган бўладилар.

2. Хоналарга бўлинган турар уй жойлар эса оилаларни хонама хона жойлаштиришга мўлжалланган бўладилар. Бу уйларда умумий маиший хизмат бўлимлари жойлашган бўлади.

б) Ердан фойдаланиш усулига қараб хонадонлик уйлар қуйидагиларга бўлинади.

Ховлили турар жой биноларида уй ёки хонадон эгаси уй ҳовлисининг эгаси ҳисобланади, ҳовлили турар-жойлар бир хонали /уй хонадон/ ва туташтирилган 2 ёки кўпроқ хонадон туташтирилган алоҳида ховлиси бўлади.

Қаватлари бўйича турар жой бинолари қуйидагиларга бўлинади: Паст қаватли уйлар /1-2 қаватли/ бу уйлар асосан қишлоқ жойларида тарқалган бўладилар.

Ўрта қаватли уйлар /3-5 қаватли/ умумий зинапоядан ҳамма фойдаланадиган лифтсиз турар-жой шаҳарларда жуда кўп тарқалган бўлиб улар қурилишда иқтисод томонидан фойдали деб топилган.

Кўп қаватли уйлар /6-9 қаватли/ умумий фойдаланадиган зинапоядан ташқари тик /*вертикаль*/ боғланишлари учун лифтлар қурилмаси ҳам бўлиши керак.

Юқори қаватли уйлар /10 ва ундан юқори/ бўлган биноларнинг киравериш қисмида /*подъездида*/ умумий зинапоядан ташқари 2 хил лифт бўлиши керак /яъни аҳолини ва юкни ташийдиган лифтлар/. Аҳолини ёнғин пайтида тез бинодан чиқариб юбориш /ёки *эвакуация*/ қилиш учун хонадонлари билан ёзги хоналар орқали узвий боғланган бўлишлари ва боғланиш тикка /*вертикаль*/ зинапоялар ёки димикмайдиган зинапоялар орқали бўлиши керак.

Ўрта кўп ва юқори қаватли уйлар 3 та энг асосий тархий тузилмаларга бўлинади: бўлинмали, йўлакли, галереяли.

Ёз пайтларидаги иссиқ ҳаво ва нисбатан юмшоқ қисқа қиш хонадонларни иссиқ ҳаводан сақлашни тақозо этади. Бу эса уйларни қуёшга нисбатан тўғри қаратиш /*ориентация*/ қилиш, яхши шамоллатиш, конструкциялар хусусиятидан тўғри фойдаланиш, қуёшга қарши қурилмалардан фойдаланиш натижасида эришилади.

Инсоляция яъни қуёшни тўғридан-тўғри тушиши фақат турар уй хоналарига зарур, лекин у ёрдамчи хоналарга /ошхона, дахлиз, хожатхоналарга/ керак эмас аксинча улар бу хоналарда ноқулайликлар туғдириши мумкин.

Энг ёмон ориентация бу ғарб-шарқ тараф бўлиб, бу уйнинг бир томони пешиндан кейин қизийди. Бунақа тарафга қаратиш турар уй жойлари қурилишида руҳсат берилмайди. Хонада салқин ҳаво ҳосил қилиш учун уйни шамоллатиш /елвизак/ катта аҳамиятга эгадир.

Елвизак /*сковозняк*/ ҳосил қилиш йўли билан кундузги иссиқ ҳавони кечки салқин ҳаво билан алмаштириш мумкин. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг кеча-кундуз давомида тез-тез ўзгариб турувчи иқлим шароитидир. Бунинг учун кундуз куни хоналардаги деразаларни ёпиқ ҳолда, ва аксинча кеча кундуз ташқаридаги ҳаводан салқинлашганда деразаларни очиш йўли билан хонанинг хавоси салқинлатиб турилади.

Уйга автомобиль келиши учун йўлакча ажратилган ундан ташқари уй атрофи кўкаламзорлаштирилган ва сув ўтказилган болалар майдончалари, қир қуриладиган ва спорт майдончалари, соябонлар, катталар дам оладиган жойлар билан жиҳозланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон табиий иқлим шароитида катта муҳим омиллардан биридир. Ер сатҳи кўшни уйлар билан ноҳия маркази

билан боғча, мактаб, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари билан қулай боғланган бўлиши керак.

Уй – жойлардан унумли фойдаланишда ва қурилиш пайтида тежамкорлик масалалари

Давлат уй қурилишида ҳар йилда сарфланадиган қуплаб маблағларни тежамкорлик билан сарфлаб қупрок фойда олишига ҳаракат қилинади ва шу билан бирга қупрок уй-жой сатҳини оширишга ҳаракат қилинади. Уй жой қурилишида энг зарур талаблардан бири бу тежамкорликдир. Тежамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама қаршидир. Шунинг учун меъморнинг асосий санъати ва вазифаси шундан иборат, у бу қарама қаршилиқларни бир бирига таъсирсиз ҳал қилмоғи лозим.

Турар уй жой жамоат биноларини муваффақият билан аралаштириб кичик ноҳия /микрорайон/ ва турар жой ноҳиялар /жилой район/ қурилиш композицион ҳар-хил силуэтлар ҳосил қилиш, ранг ва фактуралардан тула фойдаланиш ер сатҳи билан тула уйғунлашиб кетиши қуқаламзорлаштириш ва сув билан тугри таъминлаш қурилишдаги лоқайд қуринишларини йуқотишга олиб қелади.

Халқ меъморчилигининг усуллари ҳозирги замон фазовий компо-зицион усуллари билан иждодий қушиб халқ анъаналари, урф-одатларини инобатга олган ҳолда турар-жой биноларининг меъморчилигини жонлаштириш мумкин.

Қурилишда турар уй жойининг булақлари /детали/ инсон улчовига ҳамоҳанг бўлиши керак. Бу вазифа паст қаватли уй жойларда осонроқ ҳал қилинади. Қуп қаватли турар-жой уйларининг ташқи қуринишини қидиришда меъморлар олдида анча қийинроқ вазифаларни ечишга тугри қелади. Уйларни тарзларни ечишда /колонналар, устунлар, *антаблемент* ва бошқалар /уй жойларини монументал ва бой бўлишига уларнинг олдига қуйилган бадий талабларига жавоб бериши керак.

Қурилишни тежамкорлик билан олиб боришда қурилиш жихозларини ва қурилмаларини тугри танлаш тежамкорликнинг асосий йуналмасидир. Заводда тайёрланаётган андозали қурилма ва жихозларни қупрок ишлатиш қурилишни арзонроққа туширишга ёрдам беради. Ундан ташқари уйнинг қаватини ва қурилиши майдонини тугри танлаш ҳам тежамкорлик омилларидан биридир.

Шундай қилиб меъморлар ишида муваффақиятли лойиҳалар учун ҳар-хил усулларини қулаб турар-жой бекатларини бойитиш, тажриба ва иқтисодий ёндошиш орқали ҳар-хил композицион вазифаларини ҳал этишлари мумкин .

Ҳонадоннинг таркиби ва жихозлари.

Ҳонадон деб бир-бирини бирлаштириб боғлаган битта оиланинг яшаши учун муқжалланган булаққа айтилади. Ҳонадон турар-жойларнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Бу ҳоналарда оила аъзолари узининг асосий вақтини утқази яъни улар бу ерда дам олишади ишлашади, уқлашади, овқатланишади ва меҳмон қутишади.

Турар-жой ҳоналарининг сони ва ҳажми оила аъзоларининг сонига ёшига қараб белгиланади. Ундан ташқари оила аъзоларининг қасби ҳам ҳисобга олинади. Ёрдамчи ҳоналарнинг майдони яшайдиган ҳоналарнинг сонига қараб белгиланади.

Турар жой хоналар таркибига: мехмонхона, умумий хона, иш хонаси, катта оила аъзолари учун ётоқхона ва ёш болалар ухлаши уйнаши учун хоналар киради. Ёрдамчи хоналарга: дахлиз, ошхона, хожатхона, кул ювадиган жой, йулкалар, казнокхоналар, токчалар, тахмонлар киради.

Хонадонлар асосий хужалик ва ётоқ булакларга булинади Асосий булакларга мехмон кутиб оладиган ва шу билан бирга оила аъзоларини бир ерга тупланиши /емакхона, мехмонхона, иш кабинети/ бу хоналарга тугридан-тугри дахлиз оркали утилади. Хужалик булагига /ошхона, образхона, казнахоналар/ улар асосий булак билан ётоқ булак уртасида жойлашган булиб у узокрокда жойлашгани маъкул.

Дахлиз жуда керакли ва хар хил жуда мухим вазифаларини бажаради. Шунинг учун уни турар-жой лойихасини ечишида хонадонни кулай ва унумли булишига богликдир.

Ўрта хажмдаги хонадонлар учун дахлизнинг эни 1,6-2 метр ва узунлиги 3-4 метр булиши тавсия килинади. Ундан ташкари албатта дор ва шкаф жойлаштириш учун ёпик девор ёки токча булиши керак. Хожатхона ва чумилиладиган хонага дахлиздан тугридан-тугри кириш мумкин, аммо буларга /илюз/ йулак оркали кирилса дахлизда эшиклар сони камрок булишига муяссар булади.

Зинапоялар икки каватли хонадонлар учун мулжалланган булади. Уларнинг кенглиги 0,85 метрдан кам булмалиги керак. Огиш бурчаги эса 1:1,75 дан 1:1,5 зина сатхлари эса 28x16 сантиметрдан 27x17 сантиметргача булади. Зинапояларни ётоқхона ёки ошхонага жойлаштириш ман этилади.

Бу хоналар вакти-вакти билан ишлатиладиган кийим-кечак асбоб-ускуна, челак, пол ювувчи материаллар ва озик-овкат саклашга хизмат килади. Бу хона хонадонни хар-хил нарсалар билан тулиб кетишидан саклайди. Паст каватли уйларда бундай хоналарда хонадонларни узларида яъни ер остига кушимча хоналарга жойлаштирилади.

Турар уй жойларнинг элементлари.

Кўп хонадонлик уйлар талайгина элементлардан ташкил топган булиб, улар бир-бири билан чамбарчас боглик, тарх тузуми курилмалари ва меъморий бадий ечими буйича бирликка эгадир.

Турар уй жойларининг асосий элементи бу *вертикаль* /зинапоя, лифт/ ва горизонтал /йулак/ ёрдамида богланган хонадонлар хисобланади. Бир-бири билан богланган хонадонлар тузилмаси турар уй жойларнинг йирикланган булинмасини /секцияни/ ташкил этади. Бу ерда богланиш зинапоя катаги ёки зинапоя, лифт катаги оркали бажарилади. Йулак /галерия/ хилдаги блокларда эса горизонтал богланиш йулак /галерия/ оркали, вертикаль богланиш эса зинапоя лифт оркали булса йулакли блокларда эса хонадонларни бир-бири билан богланиш йулак ва зинапоя лифт оркали булади. Секция ва блокларни бир-бири билан хар-хил холда бир бутун булиб жойланиш холати, турар - уй жойни ташкил этади.

Хонадон турар жойнинг асосий элементи.

Оилама - оила хонадонларга жойлаштириш, бу уларни асосий тархий структурасини ташкил этади. Хонадон улчами унинг сони ва турар жойларнинг

майдони оила аъзоларининг сонига уларнинг ёшига, хунарларига ва бошка белгиларига караб белгиланади.

Умумий фойдаланадиган зинапоялар турар уй жойни ташки мухит билан кулай ва яхши боғланиш учун хизмат килади. Зинапоялар ёпик булиши мумкин /зина катагининг ичида/ ойнабанд деразалар билан бутунлай уралган, ёки ярим очик зинапоя уралмаган булишлари мумкин. Курилиш ва лойихалаш нормалари буйича шимол ва урта иклим зоналарида факат ёпик холатдаги зинапоялар ишлатилиши мумкин, лекин амалиёт шуни курсатадики бундай зинапоялар ишлатилган уйларнинг дахлизлари киш пайтида жуда совуб кетишини кузатилди, шунинг учун кириш эшиклари 2 каватли ёки дахлиз олдида кичкина дахлиз /шлюз/ курилиши керак. Шунинг учун жануб зоналарида иситилган ва ёпик зинапоялар ишлатилиши керак. Очик умумий булган зинапоялар факат 2 каватли уйлар учун ва куп каватли уйларда эса эвакуация учун мулжалланган булади.

Тархий тузилмаси буйича зинапоялар бир маршли: икки маршли, маршли йуналишли ва уч маршли булади. Зинапоялардаги зиналарнинг сони 18 тадан ошмаслиги керак. Маршларнинг киялиги нисбатан 1:1,75 дан 1:2 гача олинади 1:2 нисбатан купрок амалиётда ишлатилади, чунки бундай зинапоялардан кутарилиш ва тушиш анча кулай булиши билан бирга зинапояларнинг улчами 30 ва 15 сантиметрни ташкил этади. Ўзбекистон иклим шароитида, иссик ёз пайтида зинапоялардан кутарилиш анча кийин булганлиги туфайли, урта ва баланд каватли уйлар учун зинапоялар нисбати 1:2 олинади, каватларнинг баландлиги 3м булганда 20 та зинача керак /18 та зинача +2 зинапоя майдончаси/ керак. Демак, бир зинапоялар горизонталь холатда 18x30қ5,4 метрни, икки маршли зинапоя 9x30қ2,7 ва уч маршли зинапоя 6x30қ1,8 метрни ташкил этади. Маршнинг энг кичик кенглиги 1,05м килиб кабул килинган. Икки марш орасидаги масофа 10 смдан кам булмаслиги керак. Зинапоя катагининг ички улчами марш ва майдончанинг улчами яъни каватлардаги ва каватлар орасидаги йигиндисидан иборатдир.

Лифтлар.

Вертикаль алоканинг энг осон ва тез воситасидир 5- каватдан юкори булган биноларга урнатилади. Лифтлар кабиналари шахта ичида зинапоялар билан бирга урнатилади. Лекин лифт шахталари алохида хоналарда хам булишлари мумкин. Лифтларни борлиги бизни зина-пояларни урнатишдан озод этмайди, чунки зинапоялар ахолини эвакуация килишда энг ишончли воситадир. 6-каватдан 9- каватгача булган уйларда хар бир зинапоя катаги ахоли учун лифт, 9 - каватдан ортик биноларда эса ахоли учун 320 кг юк кутарадиган ва 500 кг юк кутарадиган килиб урнатилади.

Турар жой тархий системада зинапоялар купрок ишлатилиб, уларни сони камрок булганлиги сабабли улар иктисодий томондан тежамли хисобланади. Йулакнинг кенглиги 1,2 метрдан кам булмаслиги, кириш эшигидан эса энг узок жойлашган хонадоннинг узоклик масофаси зинапоя лифт катагидан 25 метрдан ошмаслиги бу эса энг узун йулакки уй жой блокининг узунлиги 50 метрдан ошмаслигига олиб келади.

Шамоллатиш /елвизак/ энг яхши шамоллатишнинг йули булиб у 2 томонлама ва тикка /*вертикаль*/ шамоллатишдир, бурчакли шамоллатиш /елвизак/ коникарли хисобланса, бир томонлама шамоллатиш эса коникарсиз хисобланади. 2 томонлама шамоллатиш учун албатта хоналар уйнинг 2 томонига каратилгани булишлари керак, бу эса хозирги замон хонадонларини тархий-таркибини ташкил этади. Асосий ва ёрдамчи хоналар учун алохида алохида шамоллатиш яхши натижалар беради. Тикка вертикаль шамоллатиш эса икки каватга жойлашган хонадонлар учун ишлатилади ва бу усулни ишлатилишини чегаралайди.

Нокулай ориентацияга караб колган хонадонларнинг хоналари учун куёшнинг ортикча нуридан саклаш учун хар хил /курулмалар, жалюзлар, маркизлар, панжаралар ва хоказолар/ ишлатилади. 4 та табиий иклим зонасида шарк, жануб ва гарб тарафга каратилган хоналарга албатта куёшга карши курулмалар ишлатилиши шарт.

Турар уй жойларнинг йирик бўлаклари.

Булинма /секция/ деб бир гурух хонадонларни зинапоя ёки лифт зинапоя атрофига тупламага айтилади. Хар бир каватда икки, уч ёки турт хонадон бирлашиб секцияни яъни унинг йирик бир тупламини ташкил этилади. Булинма /секция/ уч хил курунишга эга : бир каторли оддий /*рядовой*/, бурчакли /*угловой*/, чеккали /*торцевой*/. Энг куп тар-калган бу оддий булинма булиб у бир хил, пайтда чеккали булинмани /секцияни/ урнига ишлатилади.

Бурчакли булинма хозирги пайтда кам ишлатилади, чунки яхши тархий режали хонадонларни ташкил этиш кийин иктисодий тарафдан тежамкорлик кам ва курулмаси кийиндир. Энг куп таркалгани эса 1 хонали хонадонлар булади. Натижада асосан секциялар уч хонадонлик /2-2-2 ва 2-1-2/ ва турт хонадонлик /2-2-2-2, 1-1-2-2/ булиб шаклландилар.

Тажиба шуни курсатдики, 2 хонадонлик секциялар елвизак килиб шамоллатиш талабларини бутунлай кониктириладилар ва куёшга каратиб жойланишларида горизонтни икки карама-карши тарафига жойлашадилар, уч хонадонлик булинмаларда /секцияларда/ эса факат 2 хонадонгина коникарли ечилган булсалар, учинчи хонадон эса бир тарафга караб колади ва елвизак килиб шамоллатиб булмайдиган булиб колади, турт хонадонлик булинмаларда /секцияларда/ эса хамма хонадоннинг ечими коникарсиз булиб колади. Шундай килиб турт хонадонлик булинмалар /секциялар/ Узбекистон шароитида курилишга нукулай деб хисоблансалар, уч хонадонлик секциялар эса айрим шароитлардагина куришга рухсат этилади. Энг яхши ечимга факат икки хонадонли булинма /секция/ эгадир. Энг чеккадаги уч хонадонлик булинмаларда икки хонадонлик бурчакли шамоллатиш ва ориентация билан таъминланиши мумкин булганлиги сабабли уларни уч хона-донлик килиб тарх ечимини ечиш мумкин, шунинг учунг чеккадаги булинмалар уч хонадонлик булишларига рухсат берилади.

Блок /булак/ хонадонларнинг зинапоя лифт ва горизонт алокачи /йулак/ галерея атрофига бирлашган гурухига блок деб айтилади. Блок хам секцияга ухшаш турар уй жойнинг йирик элементи булиб хисобланади. Блокнинг энг узун

масофаси энг узок жойлашган хонадоннинг эшигидан то зинапоя лифт катагининг ораси билан белгиланади. Нормалар буйича бу масофа 25 метрдан ошиши керак эмас. Шундай килиб блокнинг узунлиги 50 метрни ташкил этади. Йулакни ёки галереянинг энг кичик /соф/ кенглиги 1,2 метрни ташкил этади. Лекин амалиёт шуни курсатдики уларни кенглиги 1,4 метрдан кам булмаслиги керак. Икки тарафига хоналар жойлашган йулак чеккага жойлаштирилган деразалар оркали табиий ёритилиши керак. Бу холатда йулакнинг узунлиги 40 метрдан ошмаслиги керак. Боши берк йулак ва галереяларнинг узунлиги эса 20 метрдан ошмаслиги керак.

Хонадонлик турар уй жойлар.

Одамларни жойлаштириши усулига караб турар жойлар 2 хилга булинади: Хонадонлик хилдаги оилаларга мулжалланган уйлар ва хонама-хона ёлгиз одамларга мулжалланган уйлар. Курилишда турар жойларни купчилик хилини хонадонлик уйлар ташкил этади, чунки кишлок ва шахарларда купчилик турар жойларни хонадон типдаги уйлар ташкил этади, чунки ахолини купчилик демографик таркибини оилалик одамлар ташкил этади.

Турар уй жойларнинг фазовий тархи уй олдига жойлашган ховлиларни ишлатиш характерига хам чамбарчас богликдир.

Йулакли хилдаги уйлар хам галерея уйларга ухшаб вертикаль ва горизонталь /йулаклар/ оркали уйлар каватлари билан богланишга эгадирлар. Бу уйлар хам вертикаль богланиш воситаларига етарли даражада зурикишга эга булиб, улар кам хонали хонадонлар курилишида унумли хисобланадилар.

Бир булинмали /бир булакли/ уйлар тархий ечимлари буйича куп секцияли уйлардан катта фарк киладиган ва тархий ечимлари алохида гурухга булинадилар. Бир булинмали тархий системаларни хар кандай хонадонлар учун ишлатиш мумкин ва шунинг учун улар универсаль хисобланадилар. Улар купрок куп каватли ва баланд каватли уйлар учун ишлатиладилар /башенный тип/. Мавзеларни /микрорайон/ларни жойлаштириш ва силуетларни яхшилаш урта каватли уйлар билан бирга аралаш куриш учун хизмат килади.

Бу хоналар вакти-вакти билан ишлатиладиган кийим-кечак асбоб-ускуна, челак, пол юувчи материаллар ва озик-овкат саклашга хизмат килади. Бу хона хонадонни хар-хил нарсалар билан тулиб кетишидан саклайди. Паст каватли уйларда бундай хоналарда хонадонларни узларида яъни ер остига кушимча хоналарга жойлаштирилади.

Якка тартибдаги уйлар.

Якка тартибдаги уйлар 2 хил курунишига эга буладилар: шахар ва кишлок уйлари. Улар бир-биридан ховли юзасини сатхи ва уларни ишлатиши услуоби билан тула фарк килади ва уйлар меъморий-тархий ечимларини бир-биридан ажратиб туради. Якка тартибдаги шахар уйларни ер сатхи унча катта булмасдан /200-400м²/ ташкил этади ва улар асосан ёз вақтларида фойдаланадилар. Ховлиларда ховузлар, гулзорлар, соябонлар, супалар болалар майдончаларни ва дарахтлар утказилиб, ёзги ошхоналар ташкил килинади. Уйга кириш куча томонидан ташкил килинади.

Бу уйлар "кизил чизикдан"6 метр ташлаб курилади. Уй олдида панжарали гулхона ва кириш ва чикиш учун дарвоза ёки эшик урнатилади. Томорканинг орка томони эса тор хужалик кучасига каратилган булиб унинг хужалик хоналари шу томонда жойлаштирилган булади.

Уй атрофига гулзорлар, ховузлар, ёзги ошхона, соябонлар ва дарахтлар утказилади. Ундан колган ер сатхи сабзавотлар ва мевали дарахтлар узумзорлар учун ишлатилади. Гараж учун хам кулай жой танлаш зарур. У уй ичида /*состав*/ ида хам булиши мумкин.

Шахар ва кишлок уйлари 1-2 каватли килиб курилади. 2 каватли уйларда ховли билан тугридан тугри боғланиши уларни 2 *ярусга* жойлаштириш хисобига эришилади. 2 каватли уйлар бир каватли уйлардан афзаллиги билан фарк килади, чунки улар ер сатхини том сатхини, пойдевор ва цокол хамда уй хажми 2 марта кискартирилишига олиб келади ва шу билан уларнинг нархини арзонрок булишига сабаб булади.

Лекин кишлок ахолиси 1 каватли уйларни курилишга мойилрок буладилар.

1 каватли блокли ва 2 каватли бир хонадон учун мулжалланган биноларда ховли билан узвий боғланиш мумкин. Шунинг учун блокли тархий системадаги паст каватли биноларгина Ўзбекистон шароити учун энг кулай деб топилган бу бинолар оммавий курилишга тавсия этилган.

Турли қаватли турар жой бинолари.

3-5 каватгача бўлган уйлар ўрта каватли турар жой бинолари турига киради. Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз ва факат умумий зинапоя оркали боғланади. Уларни курилмалари оддий бўлиб, завод курилмалари ва индустриал бўлиши мумкин.

Йўлакли туркум кам хонали хонадонларни курилишида ишлатилади /1-2 хонали/ Ўзбекистон иқлим шароитига тўлик жавоб беради. Шунинг учун йўлакли турар жой бинолари андозали турар жой бинолари таркибига киритилган.

Ўрта каватли турар жой бинолари асосан 3 та курилмадан иборат бўлиб: - ғиштдан кутариб турадиган девор ва тусиб турадиган курилма. катта панели кутариб турадиган девор ва тусиб турадиган курилма панелли ва синч ғиштли курилма. Кўп ишлатиладиган курилма бу ғиштли кўтариб турадиган деворли булиб уни тулик индустриал ишлатиб бўлмайди, шунга карамай у жуда куп тарқалган. Бу курилма яхши узлаштирилган бўлиб, хар хил ихчам лойихани ечишга кучли ер кимирлашда узининг мустахкамлиги билан фарқ килади. 5-каватгача булган биноларда катта ғишт завод базалари Республикани ғишт билан таъминлаб тура олади.

Кўп каватли турар жой уйларига 6- каватдан 9- каватгача булган уйлар киради. Урта каватли турар жой уйларидан фарки шуки бу уйларда албатта лифт жойлаштирилган булиши шарт. Лифт булгани билан зинапоя урнига утмайди зинапоя вертикал йуналишда мухим роль уйнайди.

Айникса куп тавсия этиладиганлари булинмали, /секцияли/, йулакли туркумдир.

Турар жойларни хонама – хона жойлаштириш.

Бу турдаги уйларга асосан ётокхона, мехмонхона ва дам олиш уйлари ва бошка ахамиятига эга булган уйлар киради. Хажм жихатидан турар жой биноларига нисбатан анча фарк килади. Лекин кейинги пайтларда бу орадаги фарк анча камайяпти. Энг куп кулланидигани хонама-хона жойлаштириш турлари ётокхоналар, кенг куламда куриладиган объектидир.

Ётокхоналар яшаб турадиган шахслар контингентига караб кейинги группаларга булинади: мактаб ўқувчилар интернати. талабалар ётокхонаси ёки техникум уқувчилари. Якка ишчи ёшлар ётокхонаси кариялар уйи

Ёрдамчи хоналарга вестибюль, зинапоя, лифт, йулаклар киради. /горизонталь ва вертикаль богланиш/ курсатиш хоналари ошхона, туалет, умивальник, душ ёки ваннахона омборхона тоза ва кир чойшаблар сакланадиган жой, устки кийим ва оёк кийим тозаланадиган жой, дазмоллаш хонаси, хизмат килувчи ходимлар хонаси, комендант, шифокор хонаси ва изолятор хонасидан иборат.

Ётокхона вестибюлида гардероб урнатилади, чунки кийим бошлар турар жой хонасида сакланади. Вестибюл майдони хар бир яшовчига 0,25-0,30 м2 ажратилганлигини хисобга олган холда лойихаланади.

Сан-техник жихозлари.

Улар асосан кул ювиш жихози /умивальник/, туалет: душлардан иборат. Сантехник жихозлари жойлашган хоналар табиий ёруклик ва табиий шамоллатиш булиши шарт, албатта сунъий шамоллатиш йули хам булиши керак. Уларнинг ориентацияси шимол. Шамоллатиш йули яшаш хоналаридан алохида булиши керак.

Хужалик хоналарида юмшок ва каттик инвентар жойлашиши ва тозалаш буюмлари сакланиши мумкин. Бу хоналар асосан биринчи каватда ёки ертулада /подвалда/ булиши мумкин. Хизмат курсатиш хоналари кисмига комендант хонаси, навбатчи хонаси, фаррош хонаси, техник ходим хонаси ва шифокор хонаси киради. Хамма хоналар иложи борича биринчи каватга жойлашгани /аммо фаррош хонаси/ хар бир каватда булиши максадга мувофик булади. Навбатчи хонасининг майдони 6-8 м2 вестибюль билан албатта боғланган булиши шарт. Вестибюл якин жойда комендант хонаси ва техник ходим хонаси /слесарь/ жойлашиши керак. Улар майдони 10-12м2. Шифокор хонаси 12-15 м2 булиб, вакти-вакти билан ётокхонада яшовчиларни тиббий куригидан утказиш учун ва зарурият пайтида тиббий ёрдам курсатиш учун мулжалланган.

Умумий фойдаланиш хоналари.

Бу хоналар катта ахамиятга эга булиб, ётокхоналарда асосан ёшлар яшайди, уларнинг аксарият купчилиги ёшлардан иборат булиб, катта ёшдаги одамлар эса маданий - маиший хизмат курсатиш ходимларига мухтождирлар.

Ётокхоналар уринлари сонини орта бориши умумий хизмат курсатиш хоналарини кенгайишига олиб келади. Шундан куришиб турибдики хар бир ётокхонада албатта дам олиш хонаси, мехмонхона, дарсхона ва буфет булиши шарт. Дарс тайёрлайдиган хона хар бир яшовчига 0,6 м2 хисобидан май-дон ажратилади.

Хар бир ётокхонанинг уз буфети бўлиши керак.

Мехмонхоналар турар жой бинолари туркумига киради факат жойлаштириши хонама хона булиб, бу келиб кетувчилар учун вақтинча яшаб туришга мулжалланади.

Жамоат бинолари улар олдидаги муаммолар

Бу турдаги уйларга асосан ётокхона, мехмонхона ва дам олиш уйлари ва бошка ахамиятига эга булган уйлар киради. Хажм жихатидан турар жой биноларига нисбатан анча фарк килади. Лекин кейинги пайтларда бу орадаги фарк анча камайяпти. Бу бинолар лойиха тузуми хар хил булиб, уларнинг фойдаланиш максадларига караб узгаради, у ерда истикомат киладиган кишилар ёшига уларнинг хаёт тарзига бошкаларга боглик. Энг куп кулланидигани хонама-хона жойлаштириш турлари ётокхоналар, кенг куламда куриладиган объектидир.

Ётокхоналар яшаб турадиган шахслар *контингентига* караб кейинги группаларга булинади:

мактаб укувчилар интернати, Талабалар ётокхонаси ёки техникум укувчилари, Якка ишчи ёшлар ётокхонаси, Қариялар уйи

Турар жой хоналарига бир хонада 1 ёки 3 та кроват жойлаштирилишига айтилади. Битта одамга 6м² майдон мулжалланган, лекин битта кроватли хона 8 м 2 дан кам булмаслиги керак. Ётокхона универсаль ахамиятга эга шунинг учун бу хонада кроватга жой, стол-стул куйиладиган жой, кийим иладиган жой, китоб жавонини албатта эътиборга олиш керак. Кроватлар ойна олдидан ёки совук девордан 60 см нарида куйилади.

Ёрдамчи хоналарга *вестибюль*, *зинапоя*, *лифт*, *йулаклар* киради. */горизонталь* ва *вертикаль* богланиш/ курсатиш хоналари ошхона, туалет, *умивальник*, душ ёки ваннахона омборхона тоза ва кир чойшаблар сакланадиган жой, устки кийим ва оёк кийим тозаланадиган жой, дазмоллаш хонаси, хизмат килувчи ходимлар хонаси, комендант, шифокор хонаси ва изолятор хонасидан иборат.

Ётокхона *вестибюлида гардероб* урнатилади, чунки кийим бошлар турар жой хонасида сакланади. Вестибюл майдони хар бир яшовчига 0,25-0,30 м² ажратилганлигини хисобга олган холда лойихаланади. Вестибюлнинг ахамияти хонага киритиш назорати ва келиб-кетувчилар билан учрашиш жойи ва хоказолар. Шунинг учун бу ерда коравулхона учун стол ва стул келиб кетадиганлар учун диван ва кресло журнал столикларига ахамият бериши керак.

Сан-техник жихозлари.

Улар асосан кул ювиш жихози */умивальник/*, туалет: душлардан иборат. Сантехник жихозлари жойлашган хоналар табиий ёруклик ва табиий шамоллатиш булиши шарт, албатта сунъий шамоллатиш йули хам булиши керак. Уларнинг ориентацияси шимол.Шамоллатиш йули яшаш хоналаридан алохида булиши керак.

Ошхона яхши елвизакка эга булиши керак ва сунъий хаво тортадиган тешиклар колдирилган булиши керак. Ошхона хам санузелларга ухшаб булинмаларида жойлашган булиб хужалик хоналар атрофига жойлаштирилади

иложи борича алохида елвизак йули билан хаво алмаштиришга ҳаракат қилиш керак, турар жой хоналаридан холи булган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Хужалик хоналарида юмшок ва каттик инвентар жойлашиши ва тозалаш буюмлари сакланиши мумкин. Бу хоналар асосан биринчи каватда ёки ертулада /подвалда/ булиши мумкин. Чойшаблар фаррош-лар хонасида жойлашгани маъкул иложи булса бир хонада булиб 3-4 м² майдонни эътиборга олиш керак. Қир чойшаблар учун алохида битта хона булиб, у биринчи каватда ёки ертулада жойлашган булиши мумкин. У хона ётоқхона буйича битта булиб машина йулига қулай жойда жойлашган булиши шарт. Бу хона майдони 8-10 м² булиши керак, шу хонада асбоб-ускуналар /инвентар/ учун ҳам жой ажратиш керак.

Хизмат курсатиш хоналари қисмига комендант хонаси, навбатчи хонаси, фаррош хонаси, техник ходим хонаси ва шифокор хонаси қиради. Хамма хоналар иложи борича биринчи каватга жойлашгани /аммо фаррош хонаси/ ҳар бир каватда булиши мақсадга мувофиқ бўлади. Навбатчи хонасининг майдони 6-8 м² вестибюль билан албатта боғланган булиши шарт. Вестибюль яқин жойда комендант хонаси ва техник ходим хонаси /слесарь/ жойлашиши керак. Улар майдони 10-12 м². Шифокор хонаси 12-15 м² булиб, вақти-вақти билан ётоқхонада яшовчиларни тиббий қуригидан утқизиш учун ва зарурият пайтида тиббий ёрдам курсатиш учун мулжалланган. Хона биринчи каватга жойлашиши керак.

Умумий фойдаланиш хоналари.

Бу хоналар катта аҳамиятга эга булиб, ётоқхоналарда асосан ёшлар яшайди, уларнинг аксарият қупчилиги ёшлардан иборат булиб, катта ёшдаги одамлар эса маданий - маиший хизмат курсатиш ходимларига мухтождирлар.

Булар фақат битта ётоқхона учун эмас, балки бир неча гуруҳ ётоқхоналари шаҳарчасида жойлашган булиб ёшларга хизмат қилади.

Ётоқхоналар уринлари сонини орта бориши умумий хизмат курсатиш хоналарини кенгайтишига олиб келади. Шундан қуришиб турибдики ҳар бир ётоқхонада албатта дам олиш хонаси, меҳмонхона, дарсхона ва буфет булиши шарт.

Дарс тайёрлайдиган хона ҳар бир яшовчига 0,6 м² ҳисобидан май-дон ажратилади.

Ҳар бир ётоқхонанинг уз буфети бўлиши керак. У ерда эрталабки нонушта учун емакхона ва овқат тайёрлайдиган жой ва омборхоналардан иборат бўлади. Буфет биринчи каватга жойлашган бўлиб, алохида қирадиган жой бўлиши керак.

Меҳмонхоналар турар жой бинолари туркумига қиради фақат жойлаштирилиши хонама хона булиб, бу келиб кетувчилар учун вақтинча яшаб туришга мулжалланади. Асосий вазифаси одамларни вақтинча турар жой билан таъминлаб вақтинча иш юзасидан келганларга, сайёҳларга, таътилда дам олувчилар ва ҳақозолар учун хизмат қилади. Кенг қуламда шаҳарларни усиши ва бошқа мамлакатлардан чет эл сайёҳларни қуплаб келиши туфайли ҳар хил типдаги меҳмонхоналар қурилишига олиб келди, ҳатто қичкина қишлоқ ва қичик шаҳарларда қулай шароитлар яратилган меҳмонхоналар қурила бошланди.

Жамоат бино ва иншоотларининг илмий – назарий лойиҳалаш асослари

Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда шаҳарсозликнинг архитектуравий бадиий хусусиятлари.

а) Жамоат биноларини жойлаштириш ва унинг композицион роли.

б) Жамоат биноларини шаҳар ва шаҳар марказларида режалаштириш структураси (туркуми).

Жамоат биноларининг шаҳарсозликдаги роли (вазифаси), атроф-мухит билан бўлган боғлиқлик.

Бадиий кўрсаткич воситалари.

Бадиий қиёфа.

Бўлак ва бутун қисмларнинг мутаносиблиги.

Ёруғлик, ранг, ташқи ва устки қиёфалар, архитектуравий кўркамликнинг ташкил этувчилар.

Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашнинг функционал асослари.

Жамоат бинолари ва унинг комплекслари сунъий яратилган мухит бўлиб бир ёки бир нечта жараёнларнинг ўзаро боғлиқ бўлган инсоннинг ҳаётий фаолиятини ўтказишга мўлжаллангандир. Жамоат бино ва иншоотларнинг энг асосий омили эса, унинг ҳажмий-режалаштирилишини асосини инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида жамиятга, хизмат қилишга эришишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашда турли хилдаги комплекс омилларини (факторлар) ҳисобга олиш керак бўлади булар: ижтимоий, шаҳарсозлик, табиий - иқлимий, миллий-маиший, конструктив, физико-техникавий, иқтисодий, архитектуравий бадиийдир.

Асосий фактор эса, унинг инсонга хизматидир. Инсон турмуш тарзининг бекиёс даражада ўсиб бориши эса, техник жараёнларининг активлиги билан боғлиқлиги натижаси ўлароқ функционал технологик жараёнлар ҳам жамоат биноларининг янги-янги типларини яратишни тақозо этади. Ҳозиргача 14-гуруҳдан иборат бўлган архитектура қурилиш нормаларининг жамоат бино ва иншоотларининг классификацияси мавжуд бўлиб, булар ўз навбатида 900 дан ортиқ.

Қуйида шулар тўғрисида гап юритилади.

Жамоат биноларининг турлари ва типлари ҳақида. ШНКлар.

Функционал-технологик жараёнлар.

Ички бўшлиқни функционал ташкил қилиш принциплари.

Хоналарни гуруҳлаштириш, функционал жойлаштириш.

Жамоат биноларининг классификацияси ва муҳандислик жиҳозлари.

Биноларни лойиҳалаш тартибига қараб барча турдаги бинолар устуворлиги ва ишлатиш мўлжаллигига қараб синфларга ажратилади. Классга тегишли бўлмаган энг йирик давлат аҳамиятга молик биноларнинг хизмат кўрсатиш муддати 100 ва ундан ортиқ йил.

Масалан: Москвадаги Ленин музейи, кремль съезди саройилар, Тошкентдаги «Халқлар Дўстлиги» саройи ва бошқалар.

БИРИНЧИ: Класс бинолари шаҳарларда кўплаб қуриладиган бинолар бўлиб 70 йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланади, маданият саройлари, вокзаллари ва ҳ.к.

ИККИНЧИ: Класс бинолари шаҳарда кўплаб учрайдиган мамурият, меҳмонхона, ресторанлар каби бўлиб энг камида 50 йилга мўлжалланади.

УЧИНЧИ: Класс биноларининг хизмат кўрсатиш муддати бошқаларга қараганда камроқ бўлиб 25-50 йилга боради. Шу билан бирга ҳар бир бинонинг ускуналарининг ўтга чидамлилигига қараб ҳам классга ажратилади.

Жамоат биноларининг муҳандислик жиҳозлари деб одатда қуйидагилар ҳисобланади: сантехника қурилмалари, (иссиқлик системаси, шамоллатиш, ҳаво кондиционерлари, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, газ таъминоти), электр жиҳозлари, радио-телефон, телевидение, ички ва вертикал транспорт сахна устки-остки жиҳозлари, совутиш ва транспорт жиҳозлари (савдо биноларида театрларда) ва ҳ.к.

Замонавий муҳандислик жиҳозлари ишлаш шароити давомида ҳеч вақт панд бермаслиги, аниқ ва қулай равишдаги хизматидан бино хизматчилари унумли равишда фойдаланиши лозим.

Жамоат бино ва иншоотларини лойиҳалашнинг архитектуравий-клематик асослари.

Умумий ҳолат. Архитектор ижодида предметнинг ўрни.

Ёруғ ранглик муҳит. Табиий ясама ва қўшма ёруғлик.

Инсоляция ва қуёшдан сақлагичлар. Ранг ва ранг бериш.

Биноларда микроклимат. Зал акустикаси ва шовқиндан сақланиш.

Умумий ва олий таълим муассасалари ва ўқув юртлари.

Умумий таълим мактаблари давлат қошидаги 7 ёшдан 17 ёшгача булган усмирларни тарбияловчи муассадир.

Умумий таълим асосан узининг қурилиш принципига қараб қуйидагиларга бўлинади: бошлангич, туликсиз урта ва урта маълумот берувчи. Кейинги вақтга келиб урта техник маълумот берувчи, ҳамда лицей, гимназия каби турлари пайдо була бошлади. Мактаб-интернатлари, умумий таълим мактабларининг хизмати доираси 500 м. радиус билан нормал ҳисобланади. Мактабларнинг турларини одатда уша аҳолининг яшаш шароитидан келиб чиққан ҳолда танланади.

- Мактаб биноларининг архитектуравий режалаштириш ечимлари ва жиҳозлаш.
- Мактаб биноларининг композицияси, ускуналари ва ажратилган жойи.
- Олий ўқув юртлари ва уларнинг комплексларини шаҳарсозликда тутган ўрни.

- Биринчи университетлар биноси XII-XIII асрларда Италия, Англия ва Францияларда бита ката зал ва унинг теварагида майда хоналар билан уралган ҳолатда пайдо бўлган эди.
- Россияда эса биринчи олий укув юртлари XVII-асрга келиб университетлар сифатида бирдан 3-4 каватгача бўлган, асосан симметрик тарздаги уртасида баланд пештокли равишда пайдо бўла бошлади. Кейинчалик XIX асрда политехника институтлари куп корпуслик биноларда қурила бошлади.
- Уқиш шаклига қараб олий укув юртлари қундузги, кечки ва сирткига бўлинади. 1996 йилдан бошлаб халқ хужалигининг талабини ҳисобга олиб кечки уқишлар шакли қисқартирилди.
- Талабаларнинг сонига қараб қундузги олий укув юртларини қуйидагича бўлиш мумкин: энг йирик олий укув юрти ёки университетлар 10 мингдан ортиқ талаба; уртача олий укув юртида-2,5 минггача; кичик олий укув юртларида -0,5-2 минггача бўлган талабалар уқийдиган.

Олий укув юртларининг шаҳар территориясида жойлаштириш. Уларнинг функционал, ҳажмий режалаштириш структураси, композицион ечимлари, ҳажмий-режалаштириш элементлари.

Илмий-текшириш муассалари.

Лабораторияларнинг функционал-технологик ечимлари.

Спорт иншоотлари

